ҚИЁФАСИ ЎЗГАРАЁТГАН ВАТАН

10-БЕТ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 4 февраль, шанба • 5 (3639)-сон

565 ЙИЛ

АЛИШЕР НАВОИЙ

1441 — 1501

"Ясавул бир мазлум иши кейинча борғай ва ул мазлумни золимдин қутқарғай"

Мазмуни: Ясавул бир мазлум — зулм қилинаётган кишининг иши бўйича боради ва уни золимдан қутқаради.

Алишер НАВОИЙ.
«Маҳбуб ул-қулуб», 8-фасл.

Жондин сени кўп севармен,
эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен,
эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин
ортиқ ўлмас,
Ондин сени кўп севармен,
эй умри азиз.

Ғурбатда ғариб шодмон
бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон
бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар
қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошён
бўлмас эмиш.

6-7-БЕТЛАР

POSTDA • TV

Тун қўйнидаги БЕДОРЛИК

8-БЕТ

МОНИТОРИНГ ТАРИҚАСИДА ЎРГАНИЛАДИ

Республикамизда тадбиркорлик ҳаракати тобора ривожланиб, тадбиркорлик субъектлари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганини ҳам бунинг яққол исботидир.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Бош бошқармада ишчи гуруҳи тузилди. Шунингдек, Бош бошқарма кўрсатмаси тайёрланиб, жойларга ижро учун юборилди. Фармон бандларида кўзда тутилган ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига юклатилган вазифалар моҳиятини тушунтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган объектларда ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғинларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш юзасидан шаҳар ва туманлар ёнғин хавфсизлиги хизматлари ходимларига амалий ёрдам кўрсатилаяпти. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бўлим бошлиқлари, барча туманлар ИИБ ЁХБ бошлиқлари, Транспорт ИИБ ЁХБ бошлиғи ва Халқаро молия корпорацияси ходимлари иштирокида ўтказилган семинар-йиғилиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятига яқиндан кўмак беришдаги амалий ишларимиздан бири бўлди.

Йиғилишларда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар, хўжалик юритувчи субъектларни назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияларнинг рухсатисиз текшириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз равишда аралашишни қатъиян тақиқлаш, агар мазкур кўрсатма қўпол равишда бузилиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳалақит берувчи ҳолатлар аниқланса, кескин чоралар кўриш, айбдорларни маъмурий, зарур ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш лозимлиги уқтириб ўтилди. Бу эса, албатта ўз самарасини бераётир. Бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими учун бош вазифалардан бири хўжалик юритувчи объектлар ишига асоссиз равишда аралашишнинг олдини олишдан ташқари, тадбиркорлик субъектларига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш муҳимлиги ҳар бир ходимга тушунтирилди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими тадбиркорлик субъектларини, хўжалик юритувчи объектларни текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар учун тезкор таъсир чоралари кўриш билан тадбиркорларга ҳалақит бериш эмас, балки мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш орқали камчиликларни бартараф этишга эришиши керак. Тадбиркорларга тегишли хўжалик объектларидаги камчиликлар ва нуқсонлар бўйича таҳлиллар ўтказиши, уларни бартараф этиш, аниқланган камчилик-нуқсонларга келгусида йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши катта аҳамиятга эга.

Эндиликда хўжалик юритувчи субъектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш мақсадида текширишлар ўтказишдан кўра кўпроқ мониторинг тариқасида кўриб чиқишлар ташкил этилади.

Эндиликда хўжалик юритувчи субъектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш мақсадида текширишлар ўтказишдан кўра кўпроқ мониторинг тариқасида кўриб чиқишлар ташкил этилади. Бунда корхона, ташкилот, бошқа турдаги маскан ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги қоидаси талабларига жавоб бериши, ишчи-хизматчилар қонун ва қоидаларга риоя қилишлари, шунингдек, ёнғин назорати ходимлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун аввал берилган ёзма кўрсатмалар тўлиқ бажарилишига эътибор қаратилади. Ушбу мониторинг давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан раҳбарларга ҳаракатдаги меъёр ва қоидаларга асосланган ҳолда тавсиялар берилади.

Ўтган давр мобайнидаги ташкилий тадбирлар тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш, ноқонуний текширишларнинг олдини олишда муҳим омил бўлди. Бунга биргина 2005 йил давомида ўтказилган текширишлар сони 2004 йилга нисбатан 14,7 фоизга камайгани ва бу тадбиркорлик субъектлари фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатгани ёрқин мисол бўла олади. Бундан ташқари 2006 йилга режалаштирилган текширишлар сони 23,3 фоизга қисқартирилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссиялари рухсатисиз текширувлар ўтказиш, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, хизмат вазифасининг суиистеъмол қилиниши ва таъмагирлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Бош бошқармада **134-55-93** ва **134-58-36** рақамли ишонч телефонлари ташкил этилди. Тадбиркорлар ушбу телефонлар орқали ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимига тааллуқли масалалар, юзага келган муаммолар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

А. ИСЛОМОВ,
республика ИИВ ЁХББ бошлиғи, полковник.

ИЛМИЙ–АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент шаҳар ИИББ маърифат залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар, туманлари прокурорлари ва терговчилари, шаҳар ИИББ ва МХХБ терговчилари, жиноят ишлари бўйича шаҳар ва туман судлари судьялари, ҳуқуқий маслаҳатхоналар мудирлари ва ҳуқуқшунос олимлар Фармонлар ижросини таъминлаш жараёнида миллий қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида ҳамда улардан келиб чиқадиган вазифалар хусусида маърузалар қилдилар. Фармонлар ижроси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари К. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати қўмита раисининг ўринбосари, Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор М. Рустамбоев, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, полковник Қ. Накибов ва бошқалар иштирок этдилар.

Самариддин ХАЛИЛОВ.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЭЪТИБОРДА

Андижон шаҳар ҳокимлигида вояга етмаганлар билан ишлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида шаҳар вояга етмаганлар ишлари комиссиясининг 2005 йилдаги фаолияти қониқарсиз ташкил этилганлиги айтиб ўтилди. Андижон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник А. Мақсудов, Андижон шаҳар прокурори А. Аҳмедовлар ўз маърузаларида камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги натижасида ёшлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоизга ортиб кетганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вояга етмаганлар ишлари комиссиясининг фаолиятини яхшилаш, болалар ўртасида жиноятлар содир этилиши, уларнинг диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШМОҚДА

Давлат ва фуқаролар мулкининг дахлсизлигини, уларнинг ишончли қўриқланишини таъминлашда марказлашган қўриқлаш пультлари катта аҳамият касб этади.

Когон шаҳар ва туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимлари қўриқловга олинган корхона, ташкилот, муассасаларда ўғрилик, ташмачиликларга йўл қўймаслик мақсадида ҳушёрликни ошириб, ўз хизмат бурчларига масъулият билан ёндашмоқдалар. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида ҳам ижобий натижаларни қўлга киритишмоқда.

Ҳозирги кунда жами 43 та халқ хўжалик объекти ва 41 хонадон бўлим ходимлари томонидан ишончли қўриқланаяпти. Содир этилган жиноятларни очишда қўлга олиш гуруҳи милиционерлари сержант Ф. Болтаев, катта сержант М. Файзуллаевлар бошқаларга намуна бўлишяпти. Бўлим ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли қўриқлашга топширилаётган объектлар сони кун сайин ошиб бораяпти.

— Қўриқлаш шундай хизматки, — дейди Когон шаҳар ва туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси марказлаштирилган қўриқлаш пульти бошлиғи, лейтенант Акмал Рамазонов, — бунда ҳар бир ходимдан мунтазам равишда ҳушёрлик, огоҳлик талаб этилади. Объектларни синчковлик билан текшириш, чақирув бўйича воқеа жойига ўз вақтида етиб бориш керак бўлади. Зиммамизга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб фаолият юритаркан-миз, асосий эътиборни қўриқланаётган иншоотлар ва фуқаролар хонадонларидаги моддий бойликларнинг ишончли сақланишини таъминлашга қаратмоқдамиз.

Шаҳло БАҚОЕВА.

Суратда: Ф. Болтаев, катта сержант М. Файзуллаев чақирув бўйича воқеа жойига йўл олишмоқда.

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ички ишлар идоралари ходимлари учун маданий дам олиш тадбири ташкил этилди. Унга бошқарма шахсий таркиби, профилактика инспекторлари ҳамда уларнинг оила аъзолари таклиф қилиндилар.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Самандар Полвонов эл-юрт тинчлигини таъминлашдек шарафли вазифани адо этишда ички ишлар идоралари ходимлари, шу жумладан, профилактика инспекторларининг масъулиятини янада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. У ижобий натижаларга эришаётган Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғида жойлашган 135, Урганч шаҳар Умид маҳалласидаги 25, Боғот тумани Қулонқорабоғ қишлоғидаги 174 ҳамда Хива тумани Янгиобод шаҳарчасидаги 71-милиция таянч пунктларида олиб борилаётган ибратли ишларни кенг оммалаштириш лозимлигини уқтириб ўтди. Шундан сўнг юрт осойишталигини таъминлашда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимларга навбатдаги махсус унвонлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Ички ишлар идораларида узоқ йиллар самарали хизмат қилган Янгиариқ туман ИИБ профилактика катта инспектори, майор Матчонбой Жумабоев тантанали равишда нафақага кузатилди. Хизмат вазифасини ўтиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган профилактика инспектори, капитан Кўпал Отажоновнинг беваси Замира Бобожоновага бошқарма бошлиғининг махсус совғаси топширилди.

Тантанали тадбирда вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси Рустам Қутлимуратов, вилоят «Маърифат ва маънавият» маркази бошлиғи Гавҳар Ибодуллаевалар сўзга чиқиб, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ғайрат ва шижоат кўрсатиб хизмат қилаётган ходимлар фаолиятига юқори баҳо беришди.

Хушовоз хонандалар дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Суратда: *тадбирдан лавҳа.*

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ТЎРТ ОЁҚЛИ ҚЎМАКЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Одатим бўйича ҳар куни эрталаб ишга келгач, навбатчилик қисмидаги маълумотларга назар ташлайман. Ўтган кун давомида республикамиз йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аниқланган қоидабузарликлар, автомобиль йўлларида содир бўлган турли йўл-транспорт ҳодисалари эътиборимни тортади. Маълумотлар орасида хизмат итлари ёрдамида фош этилган жиноятлар ҳам анчагина.

Масалан, шу йил 1 январь куни Фарғона вилояти Ёзёвон туманида хизмат вазифасини ўтаётган вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектор-кинологи Х. Ҳакимов ўзига бириктирилган «Дик» лақабли хизмат ити билан туман ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда иштирок этиб, 94,49 грамм марихуанани аниқлаган. Воқеа бундай бўлган эди. Туманнинг Ёзёвон шаҳарчасида яшовчи Одилжон Қобилов туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, укаси Маҳамаджонда ўқотар қурол борлиги, улар ўзаро низолашиб қолишганда у «отиб ташлайман», деб қўрқитганини баён қилганди. Ариза келиб тушгач, зудлик билан тузилган тезкор гуруҳ кўрсатилган манзилга етиб боради. Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ҳақиқатан ҳам Маҳамаджоннинг уйида 16 калибрли, «ИЖ» русумли ов милтиғи ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинади. Шундан сўнг унинг хонадонида хизмат ити билан қўшимча текширув ўтказилади. «Дик» ўз вазифасини аъло даражада бажариб, тезкор ходимларнинг шубҳалари бежиз эмаслигини исботлайди. У қўрага яшириб қўйилган марихуанани топади.

Яна бир мисол. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳудудида жойлашган «Чак-Чак» мунтазам ЙПХ масканида хизмат олиб бораётган вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари текшириш учун «Нексия» русумли автомобилни тўхтатишади. Ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечираётган ЙПХ инспектори автомобиль салонида ўтирган йўловчининг безовталанаётганига эътиборни қаратади. Шундан сўнг у вилоят ИИБ ЙҲХБ алоҳида ЙПХ батальони ЙПХ инспектор-кинологи, сержант Х. Намозовга йўловчилар ва уларга қарашли юкларни текшириб кўришни айтади. Х. Намозов «Чипс» лақабли хизмат ити ёрдамида текширувни бошлаганда Сурхондарё вилоятидан келаётган автомашина йўловчиси А. Р. бутунлай эсанкираб қолади. Бунинг сабаби, унинг юклари ичидаги 349 дона гугурт қутисига 2 килограмм 30 грамм марихуана ва 0,5 грамм гашиш жойланган экан.

Хизмат итлари ёрдамида нафақат гиёҳвандлик моддалари, балки фуқароларнинг уйларида ноқонуний равишда сақланаётган қурол-яроғ ва ўқ-дорилар ҳам топилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида тезкор ходимлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир вақтида ана шундай фаолиятга чек қўйилди. Гап шундаки, ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ ЙПХ инспектор-кинологи, кичик сержант У. Султанов «Бим» лақабли хизмат ити билан иштирок этади. Жонивор фуқаро А. Қ. нинг уйидан 6 дона ўқланган патрон, 275 грамм ўқдори ва 5430 дона мис (капсул)ни топиб беради. Умуман, ўтган йил давомида хизмат итлари ёрдамида 655 та турли хил жиноятлар фош этилган. Қонунбузарликка йўл қўйган шахслар албатта қилмишларига яраша жазо оладилар. Буни жиноят қилишга мойил бўлган ҳар бир киши унутмаслиги лозим. Йўлларда хизмат бурчини ўтаётган ЙПХ ходимлари тўрт оёқли кўмакчилар ёрдамида бундай ҳолатларга барҳам бериш учун бор куч-ғайратларини аяшмайди.

Мурод ШЕРЛИЕВ,
катта лейтенант.

ЙПХ ходимлари хизмат пайтида

ЭССЕ

ХАЗИНА

Сокин оқшом. Иссиқ уй. Ташқарида эса эртак. Қор ёғмоқда. Фалакдан тушаётган саноқсиз қор парчалари дарахтлар, уйлар, узундан-узоқ йўлу кўчаларни оппоқ пардек қоплайди. Учқунлари деразага урилади. Мафтункор манзара кўнглингни шайдо этади. Олам покизаланаётгандай туюлади назарингда. Ҳавасланиб деразани бироз очасан. Совуқ ҳаво сергаклантиради. Илгакни туширасан. Кўнглингнинг бир чеккасида сокин туйғулар уйғонади.

Сен ғоят хурсанд эдинг. Шу дам дунёнинг ташвишу «ўйин»лари чекингандек. Қалбинг завқланади гўё. Оромбахш кеча. Каминда гоҳ-гоҳида чирсиллаб ёнаётган алвонранг оловнинг қайноқ тафти кўксингдаги юрак ҳароратини эслатади. Тангрининг энг буюк иноятларидан бири — ХАЁЛ биринчи бўсадек ширин. Баъзан сармаст этади.

Сен дераза қаршисида қиш зийнатига ошуфта ҳолда туришинг баробарида дилингга хаёл билан кирган ҳаёт деб аталмиш юки оғир араванинг залворли ғилдираклари айланиши олдида ҳар қандай бўю баст тақдир берган тортиқ эканлигини тушунасан. Ҳаёт қўшиғи ҳамиша дилхуш ва дилхун. Осмонаро нур бор экан ҳаёт боғида шундай янграйверади. Афсуски, бунда шубҳа ва хиёнат, нафс, мансаб дея сотқинлик, чақув, алдов ва одамзот наслига тегишли бўлган риёкорлик кўринишларининг бисёрлиги, тинчингни бузади.

Аслида Сени хаёл ҳовурига ғарқ этган ҳозиргина ўқиб тамомлаганинг, дунёнинг энг машҳур ёзувчиларидан бири, бразилиялик сўз сеҳргари Пауло Коэлонинг «Алкимёгар» романи эди. Асардан сўнг инсон ҳаёти, тақдири, қалби, унинг бахти, омади, муҳаббати ҳақида ўйламасдан қололмайсан. «Худо бу дунёдаги ҳар бир банданинг йўлини аломатлар билан белгилаб қўйган, хазинага йўлни ўша аломатлар орқали топиб борасан. Аломатларнинг фақат сен учун ёзилганларини ўқий олмоғинг даркор» — мазкур сўзлар билан асарни бошланиши бежиз эмас. Сен хазинага эришмоқ истагида экансан, аввало ўша аломатларни чуқур идрок эта оласанми?! Ёнғоқнинг мағзи нақадар тотли, қувватли.

Бугун кимдир Абдулла Қодирийни, Шукур Холмирзаевни, Тоғай Муродни, яна бошқа биров Кавабатани, Жек Лондонни, Ф. Достоевскийни, ким Эрнест Хеменгуэйни, Чингиз Айтматовни, Хулио Кортасарни, Андрей Платоновни, Уильям Фолкнерни мутолаа қилади. Кажрафтори заминда ўз услуби жиҳатидан забардаст ёзувчилар, асарлар шу қадар кўпки уларнинг ҳар бири бир дунёча келади. Бу майдон кенг. Ниҳоят улкан.

Китобхонлар, таъблар, савиялар хилма-хил. Азалдан мутолаа орқали маърифатга, билишга, илмга интилиш юксак тафаккур соҳиблари, зиёлилар орасида эътироф этилганлигини сен яхши биласан. Офтобнинг севинчи гуллар бўлганидек, китобхоннинг эъзозлаб кўксига босгани албатта яхши асар, яхши китоб. Уларнинг лаззатини, куч-қувватини Сен мудом билишга интилиб келасан.

Совуқ, қишли-қировли кунлар эртага қуёшли кунлар билан алмашиниши муқаррар. Шоир айтганидек: «Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан».

Бироқ Сен кеча китоб ўқимаган инсон, бугун ҳам ўқимаслигини, эртага ҳам мутолаа билан банд бўлиши албатта ҳақиқатдан йироқ бир ҳолат эканлигини билганинг ҳолда ўзингда ачиниш ҳиссини туясан.

Китоб ўқимаган, ўқимайдиганларнинг ҳам ўз «фалсафаси» йўқ эмас. Сен уларни мутолаадан лаззатланишга жалб этишга уринсанг, «Ҳаёт китобини сув қилиб ичиб юборганман», «Китоб ўқиш билан қорнинг тўйиб қолмайди», «Китоб ўқисам, уйқум келади, китоб мени ўқийди», «Юзта шап-шапдан битта шафтоли яхши» — қабилидаги музлаган фикрларини эшитасан. «Ҳозир яхши китоблар чиқмай қўйди, китоб дўконларини кўпайтириш, китобларнинг нархини туширишкерак», — деб сохта билимдонлигини кўрсатади баъзилар. Охирги маротаба қачон китоб ўқиганлигини эслай олмаса-да, сўзларидан зиғирча уялишмайди. Аксинча, ўзини янада дадилроқ тутиб, китоб ўқимасдан ақчани-ақчага урриб, «бирни-икки» қилиб юрганидан кўкрагини керади. Ул кимса билмайдики, бу қора кўзлари равшан кўра олса-да, қалб кўзи сўқир бўлиб қолганлигини. Билмайдики, гўзаллик, олам гўзаллиги, унинг мумтоз намунаси қалб кўзи билан яратилади. Машойихлар топиб айтган: «Ҳамма пули камлигидан шикоят қилади, лекин ҳеч ким ақли камлигидан шикоят қилмайди».

Сен турли тоифадаги китоб ўқимаганлар, баъзида эса қолган мансаб курсисида узоқ ўтирган амалдорлар билан мулоқотда бўласан. Бир маротаба учрашганингда унинг аслида ким эканлигини, сийратини англайсан. Мансаб курсисини орқаси билан эзиб ўтирган ўша тана ҳақида ўзинг учун хулоса чиқариб оласан. Эссиз...

Одамзот фарзанди ҳайвонот дунёсидан ўз тафаккури, яъни фикрлаш, сўзлаш ва жисмоний меҳнати билан пойдор туради. Мамлакат, миллат, жамият равнақини «шафтолихўрлар», тили бошқа, дили бошқа «ўйинчи»лар, сийму зар бандалари белгиламайди. Аксинча, замонанинг ҳар соҳада кучли, билимли, онгли, маърифатпарвар, баркамол инсонлари билан кўзланган манзилга етилади. Манзил эса узоқ. Сенингча, манзил сари боришда китобийликдан эмас, китоб ичидаги хазинадан, умрбоқийлик меваларидан баҳраманд бўлган маъқул.

Сен китоблар қалбни ёритиши, инсон руҳини юксакликка кўтариши ва кучигакуч қўшиши, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотиши, ақлни чархлаши, юракни юмшатиши ҳақида ўқигансан. Ҳеч ким шу сифатлардан бебаҳра қолмаслигини истайсан. Гоҳида хоҳиш-истакнинг ўзигина камлик қилади.

Атрофингдагиларни эслайсан. Кимдир нимадир ўқимоқда. Ёки умуман ўқимайди. Кимнингдир уйи бойликка тўла, кимнингдир қалбидаги хазинага ҳавас қилса арзийди.

Тун. Сон-саноқсиз деразаларда чироқ нури кўринади. Эҳтимол, мутолаа лаззати билан ўтирганлар қанча. Сен шунга ишонгинг келади. Алломалар эътирофича, китоб инсонлар учун энг олис ва зимистон, пасту баланд ҳаёт йўлларини ёритиб турувчи сеҳрли чироқ кабидир.

Сокин оқшом. Иссиққина уйингда ўтирибсан. Ташқарида эса эртак... Кўнгил сирларидек синоатли кумушранг қор ёғмоқда.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

«ЁВҚОЧАР»ДА ШУНДАЙ ПОСБОН БОР

Марғилон шаҳридаги «Ёвқочар» маҳалласида олти ярим минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу гўшада битта умумтаълим мактаби, «Озода» фабрикаси, қурилиш коллежи, 21 та маиший ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа муассасалар мавжуд. Эътиборли томони шундаки, «Ёвқочар»да ўтган йили атиги иккита – биттадан йўл-транспорт ҳодисаси ва тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноят рўйхатга олиниб, ўз вақтида қонуний ҳал этилди. Бу йил эса бирорта ҳам кўнгилсиз ҳодиса қайд қилинмади.



– Натижа чакки эмас-а? – деди суҳбатдошимиз шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Рустамжон Маҳкамов хиёл кулимсираб. – Шахсан мен бу муваффақиятни биринчи галда профилактика инспекторининг куйди-пишдилигию, тиниб-тинчимаслиги билан изоҳлаган бўлардим.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақлга амал қилиб, 76-милиция таянч пунктига йўл олдик. «Ёвқочар» маҳалла фуқаролар йиғинига етиб келдигу, рости, у ердаги саранжом-саришталикни кўриб, дилимиз равшан тортди.

Профилактика инспектори, катта лейтенант Исроилжон Жалолов табиатан камгап, камсуқум йигит экан. Хатти-ҳаракатларидан сездикки, ўзи ҳақида гапиришга ўнғайсизланяпти. Шу боис, унга бу ерда ҳуқуқ-тартибот барқарорлигини таъминлашда нималарга аҳамият бераяпсизлар, деган савол билан мурожаат қилдик.

– Халқимизда кўпдан қўён қочиб қутулмас, деган нақл бор, – деди у. – Омадим чопгани шуки, маҳалламиз фаолларининг аксариятини ўз вазифасини виждонан адо этишга одатланган кишилар ташкил этади. Шу жиҳатдан маҳалла посбонлари сардори Рўзибой Рустамовдан ҳам, яраштириш комиссияси раҳбари Салимахон опа Ҳайдаровадан ҳам, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ўктамхон опа Иназаровадан ҳам, маҳалла оқсоқолидан ҳам жуда мамнунман.

Суҳбат жараёнида амин бўлдикки, Исроилжон Жалолов камтар-камсуқумлигидан ташқари ўта мулоҳазали йигит экан. Аммо назаримизда унинг ўз вазифасига жонкуярлиги сийратига алоҳида сайқал бериб туради.

– Маҳалламизнинг Туркистон кўчасида Акбар Ваҳобов деган йигит бор, – деди профилактика инспектори қулфи дили бироз очилгандан кейин. – У бир пайтлар йўлдан адашган эди. Гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилмаса, чидолмайдиган алфозга келиб қолганди. Уни тўғри йўлга солиш учун анча ҳаракат қилишимизга тўғри келди. Хайрият, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Бир йилдан ошдики, рисоладагидай одамга айланди. Уйланди, фарзандли бўлди. Менга кўзи тушди дегунча қўлини кўксига қўйиб, олдимга келади. Унинг бир оғиз раҳмати мен учун катта мукофот эмасми, ахир!

– Бу айтишгагина осон, – деди Исроилжон бироз тўлқинланиб. – Менимча, одамнинг фикрини ўзгартиришдан оғирроқ иш бўлмаса керак. Шу ўринда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ўктамхон опа Иназаровонинг услуби таҳсинга лойиқ. У киши ҳар бир учрашувга алоҳида тайёргарлик кўриб борадилар. Биласиз, турли оқимларга аралашиб қолганлар осонликча таслим бўлишмайди. Баҳс-мунозаралар шу қадар кучайиб кетадики, тортишувларда кучли ақл-идрокка ва билимга эга бўлган одамгина ютиб чиқади. Шу жиҳатдан опанинг қобилиятига тан бермай иложингиз йўқ.

Иброхим ҳеч қаерда ишламаслиги етмагандек, ичкиликка ружу қўйган экан. Ҳатто киракашлик қилиб юрган автомашинасини сотиб, пулига ароқ олиб ичиб юборибди!

Яраштириш комиссиясининг раҳбари Салимахон Ҳайдарова хусусида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Жанжаллашиб қолганларни номигагина бир-икки марта фуқаролар йиғинига чақириб қўйган билан ҳеч нарса ўзгармайди. Ундайларни ўзлари тутаётган йўл нотўғрилигига ишонтира билиш керак. Бу эса жуда катта маҳорат ва тажриба талаб этади.

– Хонкелдиев кўчасида истиқомат қилувчи Муҳайё Шокирова турмуш ўртоғи Иброхимнинг устидан шикоят қилиб келди, – дейди Исроилжон. – Унинг арзини Салима опа билан биргаликда тингладик. Айтишича, Иброхим ҳеч қаерда ишламаслиги етмагандек, ичкиликка ружу қўйган экан. Ҳатто киракашлик қилиб юрган автомашинасини сотиб, пулига ароқ олиб ичиб юборибди! Биров кўзда ёши билан сендан ёрдам кутса, қандай қилиб хотиржам бўла оласан? Эҳ-е, уларнинг уйига иккиовлон бўзчининг мокисидек неча марта қатнадик – санаб саноғига етолмайман. Аммо ютуғимиз шуки, Иброхим инсофга кирди.

Бир йилдан ошдики, рисоладагидай одамга айланди. Уйланди, фарзандли бўлди.

– Демак, сизларда ҳамма ишлар кўнгилдагидек экан-да? – сўраймиз суҳбатдошимиздан.

– Бу осойишталикни мўътадил сақлаб туришда ҳеч қандай муаммо қолмади, деган маънони билдирмайди, – деди Исроилжон жиддий тортиб. – Ҳудудимизда икки нафардан гиёҳвандлик ва ичкиликка берилган шахс, иккита жанжалкаш оила бор. Озгина бепарволик бирор кўнгилсизлик келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Қолаверса, ҳудудимизда вояга етмаганлар сони 2 минг 700 нафарни ташкил этади. Улар гўёки нав-ниҳолни эслатади, шамол қайси томондан эсса, ўша ёққа қараб эгилиши мумкин. Демак, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ.

«Ёвқочар» маҳалласи аҳлининг энг катта ютуғи шундаки, улар бир-бирларига бефарқ эмаслар. Профилактика инспекторидан тортиб, маҳалла фаоллари, қўйингки, ёшу қари маҳалланинг тинчлиги, ободлиги ва нуфузи учун бирдай жон куйдиради. Ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳити ҳукмронлиги боис, гўшага бегона киши ораласа, дарров билинади, ёшлар ножўя ҳаракатлар қилишга ботинолмайдилар.

Ислоҳотларнинг муҳим йўналиши бўлган ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятнинг олдини олишда кенг жамоатчилик фаоллигини ошириш, ички ишлар идоралари билан халқ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар рўёбини мана шу маҳалла мисолида кўриб, қувондик.

«Ёвқочар» жонкуярлари мазкур масканни Президентимиз таърифлаган даражадаги обод маҳаллага айлантириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

Суратда: *катта лейтенант И. Жалолов отахонлар билан суҳбатлашаяпти.*

КЕКСАЛАРНИНГ ДУОСИ ҚЎЛЛАМОҚДА

Поп тумани Хонобод қишлоғида жойлашган 25-марказий милиция таянч пунктида аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Замонавий усулда қурилган милиция таянч пункти биносида маҳалла аҳли билан мунтазам иш олиб бориш учун махсус хоналар ўзига хос жиҳозланган. Маҳалла оқсоқоли, фаоллар, профилактика инспекторлари томонидан кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, фарзандларига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан профилактик ишлар олиб бориш, вояга етмаганлар иштирокида турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тумандаги «Қўшминор», «Пунгон» ва «Хонобод» маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ҳудудига хизмат кўрсатувчи «Хонобод» марказий милиция таянч пунктида профилактика инспекторларидан ташқари, туман ИИБ уюшган жиноятчиликка қарши кураш, тергов, паспорт бўлимлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ветеринария хизматлари ходимлари ҳам фаолият олиб боришаяпти. Сайёр суд мажлислари айнан шу ернинг ўзида ўтказилади. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам мазкур бинога жойлашган. Бундай қулай тартиб биринчидан, фуқаролар туман марказига қатнашига чек қўйган бўлса, асосийси, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда катта имконият яратмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг 1300 нафарга яқинини вояга етмаганлар ташкил этади. Марказий милиция таянч пункти қошида болаларни касб-ҳунарга ўргатиш маркази иш бошлаган. Унга тикувчилик, новвойлик, косибчилик, сартарошлик йўналишлари бўйича 100 нафардан ортиқ ўғил-қизлар жалб қилинган. Яна бир муҳим жиҳати, маскан ёнида бунёд этилган спорт мажмуаси болалар ихтиёрида. Маҳалла фуқаролар йиғини, мактаб маъмурияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамкорликда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ўнлаб спорт тўгараклари очишган.

–Натижада 2005 йил давомида вояга етмаганлар томонидан ҳудудимизда умуман жиноят содир этилмади, – дейди биз билан суҳбатда профилактика катта инспектори, катта лейтенант Абдулҳафиз Абдулҳамидов. – Муҳими, тинчлик, осойишталикни сақлаш борасида қишлоқ аҳли, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Улар кўмагида ижобий ютуқларга эришмоқдамиз.

Албатта, ҳар бир иш, аввало, кексаларнинг дуосини олиш, уларнинг маслаҳатига қулоқ тутишдан бошланади. Қишлоқда доимо бу одатга амал қилинаяпти. Ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани сабабли ишда силжиш бўлиб, ижобий натижаларга эришилаяпти. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусамин Абдусатторов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Саломатхон Нуралиева ва маҳалла посбонлари сардори Муҳаммаджон Ўроқовлар доимо профилактика инспектори билан ҳамфикр. Шу боис, қишлоқда қисқа вақт ичида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кескин камайишига эришилди.

Шуни қўшимча қилиш ўринлики, мазкур марказий милиция таянч пункти ўтган йили эришилган кўрсаткичлар бўйича, Янгиқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи», Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳанд» марказий милиция таянч пунктлари сингари «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Юрт тинчлиги, осойишталиги бебаҳо неъмат. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш эса нафақат ички ишлар ходимлари, балки барчанинг бурчидир. Хонобод қишлоғидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик барқарорликнинг асосий омили бўлиб хизмат қилаяпти.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Суратларда: *25-марказий милиция таянч пунктининг умумий кўриниши; катта лейтенант А. Абдулҳамидов тикувчилик курси аёллари билан.*

«РАНГЛИ ИНҚИЛОБ»

ВА УНИНГ ХАВФИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Қирғизистонда рўй берган давлат тўнтариши МДҲ доирасига кирувчи республикаларда амалга оширилаётган «рангли инқилоб»ларнинг навбатдагиси бўлди. Шуниси эътиборлики, «рангли инқилоблар» собиқ иттифоқ доирасида ниҳоятда муҳим стратегик минтақаларда алоҳида танланган маконларда амалга оширилди. Кавказда Грузия, Шарқий Европа қисмида Украина танланди ва бу ҳудудларда давлат тўнтарилиши рўй берди... Навбат Марказий Осиёга етди. Агар инқилоб бўладиган мамлакат ўз минтақасида тутган ўрни, жуғрофий жойлашуви, салоҳият, инсоний ва табиий ресурслари каби мезонларга кўра танланганини инобатга олсак, Марказий Осиёда Ўзбекистон танланиши эҳтимоли яқин эди.

Бироқ «Рангли инқилоб» сценарийси муаллифлари Ўзбекистонда бундай ўзгариш ясашга имконият ва ижтимоий замин йўқлигини яхши англади ва «демократия ороли» бўлган ва мустаҳкам давлат бошқарувига эга бўлмаган Қирғизистон навбатдаги нишон бўлди.

Президент Ислом Каримов «Независимая газета»га берган интервьюсида Грузия ва Украинадаги вазиятга ҳокимият ва халқнинг муносабати кар билан соқовнинг «сўзлашуви»ни эслатадиган ҳолат даражасига келиб қолгани сабаб бўлганини таъкидлади. Бу ҳолатни масъулиятни зиммасига олган ҳокимият ва уни сайлаган халқ орасидаги зиддият билан боғлаш ҳам ўринли.

Худди шунга ўхшаш вазиятни Қирғизистонда содир этилган ҳаракатлар замирида ҳам кўриш мумкин. Дарвоқе, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қирғизистондаги воқеалар муносабати билан берган баёнотида бу жиҳат алоҳида таъкидланди: «Ўзбекистон томони Қирғизистонда сўнгги кунларда ва ҳафталарда рўй берган воқеалар – бу кутилмаганда, тасодифан пайдо бўлган жараёнлар эмас, балки, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ночор аҳвол, умидсизлик ва коррупция оқибатида анчадан бери йиғилиб келган кескин норозилигининг натижаси деб ҳисоблайди».

Бу каби ғайритабиий ҳолатлар Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, буғ қозонни ёриб юборишга олиб келади. Жамиятдаги иқтисодий-сиёсий соҳадаги ечими топилмаган масалалар аввало, жамоатчиликнинг мавжуд ҳокимиятларга нисбатан кескин норозилигига сабаб бўлади ва албатта, бу норозиликдан ҳар қандай кучлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилишлари табиий.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг айримларида содир бўлган «рангли» воқеаларнинг сабаб ва оқибатларига эътибор қаратиш, мавзуни кенгроқ таҳлил қилишга ёрдам бериши шубҳасиз. 2003 йилнинг сўнгги чорагида Грузияда, 2004 йилнинг охирида Украинада рўй берган воқеалар кейинги пайтларда сиёсатчилар тилида урф бўлаётган «Бахмал ўзгаришлар» технологияси ҳосиласи бўлиб, Грузиядаги воқеалар «атиргул инқилоби» деб аталган бўлса, Украинадаги воқеалар эса «зарғалдоқ инқилоби» дея номланди.

Аслида бу воқеалар инқилоб деб аталиб, унга турли ранглар берилгани замирида муайян мамлакатлардаги сиёсий вазиятни бошқа ўзанга буриб юбориш тамойили кундан-кунга кучайиб бораётганини тасдиқлади. Ушанда Президент Ислом Каримов воқеаларнинг бундай ривожланишига биринчи навбатда мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий жараёнларгина қарши тура олишини таъкидлар экан, айни пайтда ушбу воқеаларда Ғарбнинг қўли борлигини ҳам инкор этмаганди.

Президентимиз айтганидек, бугунги кунда «демократияни олға силжитиш» деб аталаётган муайян технологияларнинг шаклланганини ҳеч кимга сир эмас. Яъни, бу ғоя назариётчилари, маълум бир мамлакатда «демократия тақчиллиги» мавжуд, ушбу мамлакат халқига ана шу тақчилликдан халос бўлишга ёрдам бериш зарур деб ҳисоблашади ва шу мақсадларини, яъни «ҳотамтой»ликларини амалга ошириш йўлида катта маблағлар ажратилиб, тегишли кучлар йўналтирилади. Бундан кўзланган мақсад эса, тўнтариш уюштириш ана шундай тақчилликни вужудга келтирган ва авж олдирган раҳбариятни йўқотишдан иборатдир. Айни ҳолатларда «бахмал ўзгаришлар» технологиялари ишга тушади: аввалги ҳокимият нисбатан тинч йўл билан қурбонларсиз кетиши, унинг ўрнини бошқа мазкур технологиялар манфаатларига жавоб берадиган кучлар эгаллаши кўзда тутилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирда баъзи тадқиқотчилар эътироф этаётганидек, глобаллашув байроғи остида дунё геосиёсий манзарасида мутлақо реал тарзда янгича гегемонизм хавфи тобора ортиб бормоқда. Зил-замбил муаммоларга, сиёсий бошоғриқларга мубтало бўлган жамиятда эса мафкуравий зиддиятлар авж олиб, жамиятни ривожланишнинг чигал йўлларига бошлаб киради. Мавжуд ҳокимият ва жамоатчилик институтлари мамлакатни сиёсий таназзулдан қутқариб қолишга ўзларида қурб топишолмайди.

Шу маънода, сиёсатшуносларнинг бир қутбли модел биронта ҳам мамлакатнинг чинакам миллий суверенитетига мутлақо тўғри келмайди, бундан фақат манфаатдор кучларгина наф кўради, деганларида жон бор.

Зотан, ташқаридан молиялаштирилаётган ҳар қандай лойиҳаларнинг қандай мақсадларга йўналтирилаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, улар инсонпарварлик мақсадларини кўзлаяптими ёки навбатдаги «рангли инқилобга» пинҳона тайёргарликми, буни аниқлаш мавжуд ҳокимият учун муҳим аҳамият касб этади. АҚШнинг СОРОС фонди фаолияти бунга яққол мисолдир.

Таниқли сиёсатчи Бисмарк: «Сиёсатдаги хатолар сил касалига ўхшайди, давоси бор, вақтда билинмайди, билинганда эса даволаб бўлмайди», – деган эди. Ушбу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканлигини «рангли инқилоблар» исботлаб турибди. Шу маънода бу каби воқеаларда мавжуд сиёсий жараёнлар ва давлат раҳбарларининг ўрни ҳам ниҳоятда муҳимдир. Агар етакчи шахс мамлакатнинг келажак стратегиясини тўғри белгилай олса, унда нур устига аъло нур, мабодо акси бўлса «беқарорлик технологияси» ёки «демократияни олға силжитиш» сценарийси осонгина ишга тушиши эҳтимолдан холи эмас.

Боз устига рўй бераётган ҳар бир воқеа, аввало минтақадаги вазиятга таъсир кўрсатиши аниқ. Бошқача айтганда, бугунги интеграциялашув жараёни кечаётган бир пайтда минтақа давлатлари бир-бири билан у ёки бу соҳада боғлиқ. Президент Ислом Каримов «Независимая газета»га берган интервьюсида бу масалага ҳам жиддий эътибор қаратиб, «Биз бир-биримизга кўпроқ ишонишимиз керак. Бусиз ҳеч қандай ҳамкорлик ҳақидаги шартномалар кутилган самарани бермайди», деган эди. Бу айтилган фикр бугунга келиб Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти ва Евросиё иқтисодий ҳамжамияти бирлашувида ўзининг амалий тасдиғини топди. Ҳам салоҳияти ошаётган, ҳам имконияти кенгаяётган ЕврАзЭС келгусида МДҲнинг катта ҳудудида хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт бобида ўз сўзини айтадиган ташкилот сифатида бўй кўрсатишига ишонч билдириляпти. ЕврАзЭС фаолияти террорчиликка қарши кураш ниқоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Марказий Осиё минтақасидаги ўз таъсирини сақлаш учун кураш олиб бораётган бир вазиятда ниҳоятда муҳимдир.

Бугун ҳеч ким учун сир бўлмаган яна бир жиҳат борки, бу «рангли инқилоблар» сценарийси ва «беқарорлик технологияси» ижодкорлари Ғарбга мансублигидир.

Андижонда ташқи кучлар томонидан қўлланилган услуб (ташқи кучлар ҳатто баъзи ўринларда ўзлари террорчи гуруҳ деб атайдиганлардан ўз манфаатларини қондириш йўлида фойдаланишдан тоймаслигини кўрсатиб қўйишди) одамзод ўзгача бир интиқлик билан кутган, гўёки бирдан омон-омон замонлар бошланиб, давру даврон суриб, бехавотир яшаб қоладигандек зўр иштиёқ билан интилган XXI аср ўз ортидан кўп қиррали трансчегаравий таҳдидларни етаклаб келганини ҳам исботлади.

Мабодо, кимдадир ҳозирги замоннинг ранг-рўйини тиниқроқ кўриш, шитобли ўзгаришлар оқимининг ўзанларини теран кузатиш муддаоси бўлса, унда трансчегаравий, яъни давлат чегараларини назарга олмайдиган таҳдидларни эътибордан соқит қилмагани дуруст.

Трансчегаравий таҳдидлар ҳақида сўз кетганда, хатбошиси аввалида терроризм ва диний экстремизм дея номланган хатарлар турибди, десак хато бўлмас.

Терроризм ва диний экстремизм. Узоқ йиллар асосан, бу тушунчалар Яқин Шарқ минтақасига хос деб қараб келинди. Андижонда содир этилган хунрезликлар сабаб яна – ўша терроризм ва диний экстремизм деган атамалар сўзлашувимиздаги энг истеъмолбоп сўзларга айланди.

Ўйлаб қарасак, терроризм ёки диний экстремизм дейишса, Яқин Шарқ минтақаси – Фалластин, Исроил каби маконлардаги вазият намоён бўлар эди. Афсуски, кейинги 10 йилликларда бундай тасаввур бироз ўзгарди. Сўнгги вақтларда терроризм ва диний экстремизм дейилганда, кўпчилик биз яшаётган замин яқин Марказий Осиё ва унга туташ ерларни ҳам тушунадиган бўлиб қолди.

Савол туғилади, инсониятнинг тинчини бузаётган бу хатарлар нега бизнинг ҳудудларга қараб кўчди? Яна бироз фикрлаб кўрсак, Яқин Шарқ деган жой бир тарафдан диний цивилизациялар чегарадош ҳудуд бўлган бўлса, иккинчи тарафдан икки йирик сиёсий лагер – социалистик ва капиталистик манфаатлар тўқнашган макон эди. Бу лагерлар ўз манфаатини ҳимоя қилиш, истакларини рўёбга чиқариш мақсадида турфа хил унсурларни – диний экстремистик фаолият билан шуғулланувчи, юзаки қараганда ўз динларининг ҳимоячиси сифатида кўзга ташланадиган, аслида эса, кимларнингдир манфаатлари йўлидаги қўғирчоқ гуруҳларни пайдо қилди. Уларни урчитиб, ўз манфаатлари йўлидаги воситаларга айлантирди. У ёки бу ҳудуддаги устунликка эришишдек мақсадлари йўлида бу гуруҳлардан усталик билан фойдаланди.

Икки қутбдан бири барҳам топгач, рўкач қилинадиган манфаатлар ҳудуди ҳам ўзгарди. Шунга мос тарзда, энди ўша қўғирчоқ гуруҳлар ҳам ўз фаолиятини янги буюрилган ҳудудларда давом эттиришга мажбур бўлди. Шу тариқа терроризм ва диний экстремизм деган хатарлар Марказий Осиё ва унга туташ ерларга силжиди. Демак, дунёда муайян кучлар Яқин Шарқ бир четда қолиб, энди Марказий Осиёни сиёсий кураш майдонига айлантирди.

Бу курашда, шубҳасиз, яна ўша Яқин Шарқда синовдан ўтган усул қўлланилди, яъни турли ақидапараст ва экстремистик фаолият билан машғул гуруҳлардан фойдалана бошлади.

Бунда ўзаро очиқ кураш йўлини танламаган бўлса-да, турли жангари гуруҳларга ўз паноҳларидан жой бериб, уларни моддий ва маънавий тарафдан қўллаб-қувватлаган ҳолда, Марказий Осиё тарафларга йўллади. Мақсад бу ерда энди оёққа тураётган мамлакатларнинг тараққиётига ҳалал бериш, минтақани тинчлик ва осуда ҳаёт бобида беқарор маконга айлантириш ва шу орқали бу ердаги давлат ҳокимиятини заифлаштириш, пироваридида ўз измига гап-сўзсиз итоат этадиган шахсларни ҳокимиятга келтириш ва шу орқали бу заминнинг беҳисоб бойликларини ўз билганларича ўзлаштиришдан иборат экани, бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Машҳур ёзувчи, Қирғизистоннинг Белгиядаги элчиси Чингиз Айтматов ўз мамлакатидаги воқеалар муносабати билан берган интервьюсида, қирғиз халқини миллий давлатчиликни сақлаб қолишга чақирганида катта маъно бор эди. У «тарихда ҳар қандай вазият, турли бурилишлар юз беради. Лекин биз қирғизлар сиёсий қарашларимиз турлича бўлишига қарамай давлатчилигимизни сақлаб қолиш ҳақида ўйлашимиз керак. Агарда биз буни қила олмасак, ўзимизнинг фундаментал асосларимизни бой бериб қўямиз» деб хавотирга тушган эди.

Таниқли адибнинг бу чақириғини эслаганимиз бежиз эмас, Андижонда диний экстремистлар ишга солиниб, Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига жиддий ҳужум қилинганида ўзбеклар олдида ҳам ўз миллий давлатчилигининг мустаҳкам пойдеворини асраб қолишдек вазифа кўндаланг турган эди.

Бир сўз билан айтганда, заминимизга узоқ-яқин маконларда рўй бераётган воқеа-жараёнлар, «рангли инқилоблар»га ўхшаш ўзгартиришлар серияси таъсир этмаслигига заррача ҳам кафолат йўқлигини кўрсатаяпти... Бу эса, мавжуд жамиятлардаги шарт-шароит, юз бераётган воқеа-жараёнлардан сабоқ чиқарган ҳолда, ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт стратегиясини изчил ривожлантириб бориши муҳимлигидан далолат беради.

Мадамин САФАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

АЛИШЕР НАВОИЙ — ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Миллатимизнинг фахри, улуғ маърифатпарвар шоир, адолатпарвар жамоат арбоби, сўз санъати аталмиш адабиётнинг беқиёс намояндаси Алишер Навоийни жаҳон ҳамжамияти шеърият мулкининг султони сифатида ардоқлайди. Буюк шоиримиздан бой ва кўп қиррали ижодий мерос қолган. Агар уни маҳобатли, улкан бир тоғ деб таъриф қилинса, бу тоғнинг осмонўпар уч чўққиси бор. Бири шоирнинг достонлари, иккинчиси-шеърияти, учинчиси – насрий асарларидир.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий туғилиб ўсган муҳитда адабиётга қизиқиш жуда катта бўлган. Кўплаб шоирлар яшаб, ижод этишган. Унинг оиласида ҳам тез-тез шеърхонликлар уюштирилган. Шунинг таъсиридан бўлса керак, у шеър ёзишни жуда ёшлигида бошлаган. У улуғ шоир Лутфий билан учрашиб, ёзган шеъридан ўқиб берганида ҳали болалик даври эди. 24 ёшидаёқ қадимги ўзбек, турки ва форс тилида ёзган шеърлари эл оғзига тушган шоир «Зуллисонайн» («Икки тилли») деб олқишланган. Шоирнинг 1465 йилгача ёзилган шеърларини унинг мухлислари девонга жамлаб, кейинчалик ўша даврнинг «Хаттотлар султони» фахрий унвони билан танилган Султон Али Машҳадийга кўчиртирганлар. Бизда «Илк девон» деб юритиладиган бу бадиий безакли девон таркибида 392 та ғазал, 2 мустазод ва 41та рубоий бор.

Шоирнинг ўзи 1479 йилда биринчи расмий девонини тузади ва уни «Бадое ул-бидоя» (Аввалги бадиъа – «Яхши шеърлар») деб номлайди. Бу девонда Дебоча (сўз боши), 772 ғазал, бошқа лирик жанр ва турларда ёзилган яна 250 та шеър мавжуд.

Навоий иккинчи - «Наводир ун-ниҳоя» (Кейинги нодир шеърлар) девонини 1480 йилларда тузган, таркибида 628та ғазал ва бошқа жанрларда 65 та шеър бор.

1492 йилда шоир мазкур 3 та девондаги ва кейинги даврда ёзганларини ҳаётнинг 4 фасли (бу, албатта, шартли равишда) га кўра 4 девонга ажратган ва уни умумий «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») деб атаган. Бу ниҳоятда мушкул ва масъулиятли матншунослик руҳдаги асар бўлиб, уни шоир 1498 йили якунлаган. Лекин кейинги икки йиллар мобайнида ёзган шеърларини ҳам «Ҳазойин ул-маоний»га кирита борган.

Навоий аввалги уч девонга киритилган шеърларни таҳрир қилиб, тўрттала девонга жойлаган. Уларни «Ғаройиб ус-сиғар» (Болалик ғарой ботлари), «Наводир ушшабоб» (Йигитлик нодирликлари), «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиъалари») ва «Фавойид ул-кибор» («Кексалик фойдалари») деб номлайди. «Ҳазойин ул-маоний»да 3132 та шеър жамланади.

Бундай сермаҳсул ижодкор камдан-кам учрайди. Унинг ёзган шеърлари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. У мумтоз шарқ шеъриятининг 16 хил жанр ва турларида қалам тебратган. Бошқа шоирларда бу ҳол кузатилмайди. Бунинг сабаби, Навоий ўз она тилининг ҳар қандай бадиийлик учун жуда яроқли, гўзал, сўз бойлиги ҳам кўп, унда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий муддаоларини ҳам, ишқ-муҳаббат билан олам-олам кечинмаларни тараннум этиш мумкинлигини кўрсатиб берди. У «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида бу масалани назарий жиҳатдан асослаб берган эди.

Навоий шеърларининг асосий қаҳрамони, марказий тимсоли, образи – инсон ва асосий мавзуси ишқ-муҳаббатдир. Шоир инсон комиллик сари интилмоғи лозим, унинг фазилатларининг энг сараси одамийлигидир, деб таъкидлайди. Яратилган бутун мавжудотлар орасида энг азиз, энг шарафли инсонга ҳатто малоик – фаришталар ҳам сажда қиладилар;

Одамийлик кўргузуб қилдинг
паривашларни қул,
Одам улдирки, малойик они
масжуд айлади.

Ана шундай ҳақиқий инсонга чин севги хосдир. Шоир ишқ таърифини берар экан, шундай ёзади:

Ғариб қисса эрур ишқким,
туганмади ҳеч,
Агар-чи, бўлгон олам биноси
айтиладир.

(Яъни, ишқ қизиқ, ажойиб қисса, олам бино бўлганидан бери у ҳақда ёзадилар, аммо ҳеч тугаллангани йўқ).

Ишқнинг жозибаси, оташи, юз минглаб нозик фарқ ва ўзига хосликлари ҳақида шоирлар ҳайратларга тўла асарлар ёздилар, энг ҳайратланарли жойи шундаки, унинг юз мингдан бири ёзилмади, дейди шоир бир ғазалида. Энди ишқнинг қанақалигини билиб олмоқчи бўлганлар, ҳамма ишни ташлаб, менинг девонимни ўқисинлар, ўқиб олсинлар, дея даъват қилади:

Эй Навоий ишқ атворини ҳифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, қилсин бизинг девонни ҳифз.

Шоир севги билан боғлиқ ҳамма ҳолатлар ҳақида нозик ва гўзал фикрларини ёрнинг латофати, назокатига оид таърифларни жуда таъсирли баён этади. Маҳбубани мадҳ этар экан, унинг ҳусни ошиқ ишқига мувофиқ бўлишини орзу қилади, бири шуъла бўлса, иккинчиси ёниқ шамдир. Вафо, садоқатга оид шеърларда шоир давр аҳлида ҳам вафо мавжуд эмас, деб ўкинади, бунда шахсий кечинмалари чекингандек бўлади. Бутун ҳаётида, халқ учун қайғурган, унинг манфаатлари ҳимоясида фаолият олиб борган арбоб Навоий бир шеърида:

Юз жафо қилса манга
бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо,
юз қатла фарёд айларам.

– деб ёзганида «Мулкида мамлакатида эҳсон ва адолати бор шоҳ маъмур бўлади», «Агар ким эса қайғулик бўлса, улусни – халқни шод деб бўлмайди» дейишида ва яна куюниб:

То ҳирсу ҳавас хирмани
барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри
борафтоз ўлмас,
То зулму ситам жониға
бедод ўлмас
Эл шод ўлмас, мамлакат
обод ўлмас.

– дея наъра тортишида олам маъно бор.

Лекин шоир аминки:

Қуёшдек шоҳ адолат
пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир
дамда ёритгай,
Агар зулм этса ақшом
зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик
оламни тутқай.

Навоий ғазалларидаги ростлик, тўғрилик, илм-фан, касбу ҳунар, комиллик, саховат, инсонга ярашиқсиз иллатлар, риё – алдов, мунофиқлиқ, ғафлат, ҳасад, айниқса, ишқнинг шиддати, қудрати, оташи, дарду армонлари, панду насиҳатларини идрок этишимиз керак.

Шоир бутун ижодида аввало, инсон тарбияси, унинг камолоти, маънавияти ҳар нарсадан устун бўлиши кераклигини тараннум этади. Чунки Аллоҳ томонидан яратилган инсон энг олий мавжудот сифатида ўрин эгаллаши керак. Бунда инсонлар бир-бирларига ҳамдард, суянчиқ, ҳамкор бўлиши, бошига иш тушганда қўллаб-қувватлаши керак. Уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати ҳар нарсадан улуғ эканлигини қуйидагича таърифлайди:

Кимки бир кўнгли бузуқни
хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон
бўлса обод айлагай.

Улуғ шоирнинг шеърлари ўзининг сермазмунлиги, серқирралиги билан боқийликка даҳлдордир. Улар ёзилган даврда қандай аҳамият касб этган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича жаранглаяпти ва келгусида ҳам жозибасини йўқотмайди, ўқиган сари янги маъно топаверасан, киши. Ҳар бир сатрида олам-олам маъно туйилган шеърлари мамлакатимиздан ташқарида ҳам севиб ўқилмоқда. Биз ана шундай буюк бобомиз борлигидан фахрланамиз.

Истиқлол туфайли мумтоз адабиётимиз, маънавий қадриятларимиздаги ман этилган соҳалар кушод топди. Шоиримизнинг меросини ўрганишда, нашр қилиш ва тарғиб ва ташвиқида четлаб ўтилган диний, тасаввуф мавзулари юзасидан анчайин ишлар амалга оширилмоқда. Унинг очилмаган қирраларини ўқувчиларга етказиш борасида илмий ишлар олиб бориляпти. Айримларнинг Навоийни ўрганиб бўлинди, деган гаплари ноўрин, албатта. Унинг шеърият мулки беқиёс катта. Қуёш янглиғ нур сочиб тураверади. Улуғ шоирнинг номи ўзи айтганидай авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Бу гулшан ичраки йўқтур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик билан от.

Суйима ҒАНИЕВА.
Навоийшунос олима

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти мамлакатимизнинг бадиий ижод соҳасидаги энг олий мукофотидир. У Президентимиз И. Каримов ташаббуси билан 1989 йил 13 сентябрда таъсис этилган. Бу мукофот республикамизнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган, миллий қадриятлар хазинасини бойитган адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг ёрқин ва сермазмун асарлар учун берилади. Бу мукофотга республикамизда ҳамда чет элларда эълон қилинган,

алоҳида китоб шаклида нашр қилинган, оммавий равишда ижро этилган, кўрсатилган ва намойиш қилинган ҳамда кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган бадиий асарлар, санъат намуналари тақдим этилади.

Мукофотланганларга тантанали вазиятда совриндорлик ёрлиғи ва фахрий нишон топширилади. Мукофот совриндорининг нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

Мукофот такроран берилмайди. 1991 йилда 9 киши, 1994 йилда 12 киши (1 киши хориждан), 1996 йилда 4 киши Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган.

НОДИР КЎЛЁЗМАЛАР

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш мақсадида ота-боболаримиздан қолган табаррук илмий меросни ўрганиш ва ўзлаштириш борасида сезиларли даражада ишлар қилинаяпти.

Асрлар давомида олимлар ва шоирлар томонидан яратилган асарлар орқали тарихий воқеа-ҳодисалар, маданият ва илм-фаннинг турли тармоқларига оид маълумотлар кейинги авлодларга етиб келган. Алишер Навоий таваллуд топган кун арафасида республика Фанлар академияси Беруний номли Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, ёзма мерос билимдони Қувомиддин Мунировшеърият мулкининг султони Алишер Навоий бобомиздан қолган қўлёзмалар хусусида ўз фикрларини баён қилди.

– Аввало, қўлёзмалар фондининг ташкил топиши тарихига қисқача тўхталмоқчиман, – дея гап бошладилар отахон. – 1870 йилда Тошкентда кутубхона ташкил қилиниб, унинг қошида Шарқ қўлёзмалари бўлими ҳам очилган. Қўлёзма асарларни тўплаш ва ўрганиш ишига давлат томонидан умуман эътибор берилмаган. Аҳоли қўлидаги қўлёзма асарларни сотиб олиш учун ҳам жуда кам миқдорда маблағ ажратилган. 1889 йилга келиб, бўлимдаги китоблар сони 87 жилдга етган, холос.

1943 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академиясига асос солинди ва унинг таркибида Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил қилиниб, А. Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг шарқ бўлимида сақланаётган қўлёзма асарлар мазкур институтнинг ихтиёрига ўтказилди.

Бугун Тошкентда мавжуд бўлган катта ва бой қўлёзма китоблар фонди узоқ йиллар давомида олиб борилган машаққатли меҳнат туфайли шаклланди. Улар турли тилларда ёзилган бўлиб, тарих, адабиёт, тил, фалсафа, ҳуқуқ, астрономия, геометрия, кимё, тиббиёт, фармакология, география, мусиқа, санъат ва бошқа соҳаларга доир асарлардир. Абу Али ибн Сино, Фирдавсий, Юсуф хос Ҳожиб Болосоғуний, Маҳмуд Қошғарий, аллома Замахшарий, Низомий Ганжавий, Умар Ҳайём, Саъдий, Фаридуддин Аттор, Жалолуддин Румий, Рабғўзий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва яна юзлаб шоир ва адибларнинг қўлёзма девонлари, «Хамса»лари ҳамда бошқа асарлари фондга тўпланган.

Маълумки, ўтмишда китоблар нашр қилинмаган. Ҳамма асарлар қўлда нусха кўчириш йўли билан кўпайтирилган. Шунинг учун қўлёзмалар дейилади.

Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари ҳам бошқа олим ва шоирларнинг асарлари каби беш асрдан кўпроқ давр ичида кўпгина хаттотлар томонидан Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида жуда кўп нусхада кўчирилган. Хазинамизда Навоий қаламига мансуб «Хамса», «Наводир анниҳоя» («Энг нодир шеърлар»), «Ғаройиб уссиғар» («Болалик ғаройиботлари»), «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари»), «Бадойиъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиъалари») ва «Фавойид ул-кибор» («Кексалик фойдалари») номли девонларидан ташкил топган «Хазойин ул-маъоний» («Маънолар хазинаси»), «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар маҳбуби»), «Лисон ут-тайр» («Қуш тили»), «Мажолис ун-нафоис» («Нафис таъблилар мажлиси»), «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи»), «Мезон ул-авзон» («Вазнлар тарозуси»), «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил ҳақида муҳокама»), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Анбиё ва ҳукамолар тарихи»), «Насойим ал-муҳаббат» («Севги шабадалари»), «Назм ал-жавоҳир» («Гавҳарлар шодаси»), «Хамсат ал-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат»), «Муншаот» («Мактублар тўплами») ва бошқа асарларининг нусхалари сақланмоқда. Уларнинг орасида Алишер Навоий ҳаётлик вақтида Ҳиротда атоқли хаттотлар томонидан кўчирилган нусхалар ҳам бор. Шулардан бири аъло даражадаги настаълиқ хати билан зарринқалам хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган ва дунёда ягона нусха ҳисобланган «Наводир ан-ниҳоя» номли девонидир. У моҳир рассомлар томонидан чизилган бадиий лавҳалар ва миниатюралар билан безатилган. Асарнинг охирида Султон Али Машҳадий томонидан «Бу нусхани мен – Султон Али Машҳадий, Ҳиротда Мирзо Султон Ҳусайн хазинаси учун китобат қилдим» сўзлари ёзиб қўйилган.



Шу даврдаги Ҳиротда машҳур миниатюрачи рассом Камолиддин Беҳзод яшаган эди. Мазкур девоннинг бошидаги ажойиб бадиий лавҳа ана шу машҳур рассом томонидан чизилган.

«Наводир ан-ниҳоя» девонининг иккинчи тўлиқ нусхаси 893/1487 йили зарринқалам хаттот Абдулжамил томонидан кўчирилгани маълум бўлди. Унга қадар мазкур хазинада Навоий девонининг Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган нусхаси йўқ эди. Абдулжамил котиб ҳам Султон Али Машҳадий каби машҳур хаттотлардан бири бўлган.

Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида институт қўлёзма хазинаси Навоий девонининг яна бир нодир нусхаси билан бойиди.

Фондимизда Навоийнинг «Хазойин-ал-маъоний» («Маънолар хазинаси»)га киритилган ғазалларидан танлаб олиб тузилган, ҳажм жиҳатидан кичкина девонларнинг ажойиб нусхалари ҳам мавжуд. Улардан бири настаълиқ хати билан кўчирилган бўлиб, бошидаги икки саҳифасига ниҳоятда гўзал лавҳа ишланган. Қўлёзманинг ҳар бир бетидаги матн атрофи алоҳида-алоҳида рангга бўялган ва тилла сувидан ҳалафшон қилинган. Девонга зийнатли муқова ишланган.

Улардан яна бири Навоий ҳаётлик вақтида Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган нусхадир. Булардан ташқари Навоий девонларининг машҳур хаттотлар томонидан кўчирилиб, ажойиб лавҳалар билан безатилган бошқа қатор нусхалари ҳам мавжуд.

Навоий девонларининг кейинги даврларда кўчирилган нусхалари ҳам борки, чиройли хати ва бадиий безаклари билан кишини ҳайратда қолдиради. Улардан бири XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон шаҳрида Мирзо Шариф Дабир исмли хаттот томонидан кўчирилган. Унда Навоийнинг энг ажойиб ғазаллари жамланган. Ушбу қўлёзма ўзининг бадиий безаклари ва услуби жиҳатидан дунё хазиналарида сақланаётган Навоий асарлари орасида ягона ҳисобланади.

У хаттот томонидан охиригача кўчирилмагани учун безаклар ҳам чала қолган. Айрим маълумотларга қараганда бу нусха Қўқондан Бухорога бориб қолган. Уни кўчирган хаттот аниқ бўлса-да, рассом масаласи ҳамон номаълум бўлиб қолмоқда.

Институтимиз хазинасида Навоий «Хамса»сининг турли шаҳарларда кўчирилган бир нечта нусхалари мавжуд. Улар орасида шоир ҳузурида хизмат қилган хаттот Абдулжамил котиб томонидан настаълиқ хати билан кўчирилгани ҳам бўлиб, Навоий «Хамса»сининг энг қадимги ва ноёб нусхаларидан биридир. Ундаги биринчи достон – «Ҳайрат ал-аброр» 889 йил рабиъ ал-охир/1488 йил апрель ойида – иккинчи достон – «Лайли ва Мажнун» 889 йил зулқаъда/1484 йил ноябр ойида – қолган достонлар – «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёра», «Садди Искандарий» 889/1484 йили – Навоий ҳузурида кўчирилган. Ҳар бир достоннинг аввалига бадиий лавҳалар ишланган.

Хулоса қилиб айтганда, институтимиздаги ҳар бир қўлёзма асарнинг ўз ўрни, салмоғи бор ва у аждодларимиздан авлодларимизга қолган қимматбаҳо адабий меросдир. Бу меросни асраб-авайлаш, ўрганиш, авлодларимизга етказиш билан бирга уни тобора бойитиш мақсадида илмий ходимларимиз деярли ҳар йили республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туманларига хизмат сафарларига юборилади-лар. Мақсад, аҳоли қўлида сақланиб қолган нодир қўлёзма асарларни аниқлаш ва сотиб олиш, улар билан хазинамизни янада бойитишдир.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА
суҳбатлашди.

ЭНГ САВОБЛИ ИШ

Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб туфроққаму кеткумдир охир? – дея Навоий бобомиз куюниб ёзганларидек, бугунги авлод вазифаси ана шу қўлёзмаларни ўқиб, ўрганиш, уларда акс этган дурдона асарларни халққа етказишдир. Бу йўлда заҳмат чекиб, ҳар бир саҳифа устида тер тўкаётган, улардаги дурдоналарни териб, халққа, ўқувчиларга инъом этаётганлар, афсуски, бармоқ билан санарлидир.

Қадимий қўлёзмалардаги тилсимотларни очишга, уларни ўқиб-ўрганишга интилаётган ёшларимиз жуда кам. Ваҳоланки, республикамиздаги университетлар ва институтларнинг филология факультетларини ҳар йили юзлаб ёшлар битириб, олий маълумот оладилар.

Айтмоқчиманки, биз, устозлар, ёшларни қадим қўлёзмаларни ўқиб-ўрганишга, шу соҳа бўйича мутахассис бўлишга йўналтиришимиз, ундашимиз ва билганларимизни ўргатишимиз, бу соҳада янги авлодни шакллантиришимиз зарур. Сабаби, аждодларимизнинг нафаси, муборак қўллари теккан қанчадан-қанча қўлёзма асарлар ўз билимдонини кутиб, сарғайиб ётибди. Ҳеч нарса абадий бўлмагани каби уларни ҳам шу ҳолда асраб-авайлаш мураккаб. Уларни ўқиб-ўрганиш, бебаҳо мазмуни билан китобхонлар оммасини таништириб бориш эса энг савобли ишлардан биридир. Бундан ташқари, буюк бобомиз:

Кўнгилда бўлмас муҳаббатдин асар,
Кимки қўйса кўнгул молу жоҳга,

– деганлар. Яъни мол-мулкка, мансабга интилган эмас, маънавият, маърифат, илмга интилган, улар билан ошно бўлган инсон ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди, қонунни бузмайди. Қўлёзма асарларда эса бобокалонларимиз инсонни айнан иймонга, эзгуликка, руҳий покликка чорлайдиларки, булар тинчосойишта яшашнинг гаровидир.

А. ҚАЮМОВ,
академик.

Кечки тақсимот жараёни.

Ўзгун кўйнидаги БЕДОРЛИК

РЕПОРТАЖ

Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси 2-батальони 1 ва 2-отряди ходимлари пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани ҳудудида тинчлик ва осойишталик, жамоат тартибини сақлашга масъул. Туман ИИБ ҳовлисида бошқарма бошлиғи томонидан ўтказилган кечки тақсимотдан сўнг батальон командири подполковник, С. Исматов саф тортиб турган ходимларга керакли йўриқлар берар экан:

– Мен билан рация орқали боғланиб турингглар, – дея алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг йигитлар машиналарга ўтириб, ўз хизмат вазифаларини адо этиш учун белгиланган ҳудудларга жўнаб кетишди. Биз эса майор Рихсибой Мамадалиев ва 1-отряд гуруҳ командири, катта лейтенант Аҳмаджон Раҳимбоевлар билан «Доган» русумли хизмат машинасига ўтириб, Абдураҳмонов кўчаси бўйлаб юра бошладик. Теварак-атроф оппоқ қор билан қопланган. Аҳён-аҳёнда совуқни назар-писанд қилмай чана учаётган болалар кўриниб қолади. Турли русумдаги автомобилларнинг чироқларидан таралаётган ёруғлик тун бағрини тилиб, ажиб товланади.

– Ҳавонинг кескин совиб кетиши иш фаолиятимизга заррача таъсир қилмаслиги керак, – дейди Рихсибой Мамадалиев. – Чунки патруллар шаҳар кезишининг ўзи профилактика. Бу ва жамоат жойларида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда осойишталикни таъминлашда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилаяпмиз, – деди Р. Мамадалиев сўзини давом эттириб. – Ярим тунда кўчада кетаётган фуқарони тўхтатиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилдик, дейлик. Унинг ёнида бундай ҳужжати бўлмаса, масалага ойдинлик киритиш учун яқин ўртадаги милиция таянч пунктига олиб бориб, тегишли чоралар кўрилади.

Шу пайт рация «тилга кирди». Талабалар шаҳарчасида хизмат вазифасини ўтаётган ходим «Матиз» русумли машинада ҳужжатсиз компьютер олиб кетаётган икки йигит тўхтатилгани, ёнларида ҳужжатлари йўқлиги ҳақида ахборот берди.

2-батальон командири, подполковник С. Исматов (ўнгда) ходимга навбатдаги кўрсатма беряпти.

– Уларни туман ички ишлар бошқармасига олиб боринглар, – дея кўрсатма берди Р. Мамадалиев. – Биз ҳам тезда етиб борамиз.

Бошқармада 1-отряд милиционерлари, катта сержант С. Жумаев ҳамда сержант Ж. Қодировлар икки йигитни саволга тутишаётган экан.

– Мен электр жиҳозлари билан савдо қиламан. Паспортим ва компьютер ҳужжатларини уйда унутиб қолдирибман, – деди улардан бири.

– Сизни тўхтатган жойда ҳар хил матолар олди-сотдиси билан шуғулланаман, – деган эдингиз. Нега икки хил жавоб бераяпсиз? – сўради С. Жумаев.

Йигит нима деб жавоб беришни билмай, бош эгиб қолди.

– Оила аъзоларига хабар беринглар, – деди майор Р. Мамадалиев. – Ҳужжатлари жойида бўлса, марҳамат, кетаверишсин.

Катта лейтенант Аҳмаджон Раҳимбоев шу ерда қолди. Биз яна йўлга тушдик. Бироз юрганимизда, яна рация орқали хабар етказишди: Калонов кўчасида бир кимса ичиб олиб ППХ ходимининг талабини бажармаётган экан. Ўша томонга йўналдик.

Манзилга етиб борганимизда оёғида зўрға турган ўттиз ёшлардаги йигит нималарнидир ғўлдирарди. Ходимларнинг айтишича, унинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжат йўқ экан. Р. Мамадалиевнинг кўрсатмасига биноан уйига олиб кетилди. Биз эса яна йўлимизда давом этдик.

– Баъзан хонадонларда ўғирлик ҳолатлари содир бўлаяпти, – деди ҳамроҳимиз. – Яқинда тунги соат 3.00 ларда Қорақамиш-2/5 даҳасидаги кўпқаватли уйлар олдида қаровсиз қолдирилган «Матиз»нинг 4 та шинаси ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар тушди. С. Раҳимов тумани ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, капитан Т. Оқмирзаев, батальонимиз 1-отряди милиционерлари, сержантлар М. Қўчқоров ва А. Худойназаровларнинг тезкор ҳаракатлари яхши натижа берди. Шиналарни ўмарган уч киши қўлга олинди.

Машинада бир нечта йўналишдаги кўчаларни кўздан кечиргунимизча, вақт ярим тундан ошиб қолди. Шу пайт рациядан ташвишли хабар эшитилди. «Мойқўрғон» даҳасидаги «Ниҳол» маҳалласида ўғирлик содир бўлибди. «Доган» ўша томонга елиб кетди.

Ниҳоят, маҳаллада жойлашган 180-милиция таянч пунктига етиб бордик.

– Бир кимса хонадонлардан бирига ўғриликка кириб, «LG» музлатгичини ўмариб кетаётганда қўшнилар кўриб қолиб, профилактика инспекторига хабар беришган, – дея ахборот берди 1-отряд милиционери, сержант М. Қўчқоров. – Профилактика катта инспектори, майор Маъмур Исаев, профилактика инспектори, катта лейтенант Алишер Абдулҳақов, маҳалла посбонлари сардори Ёрқин Рашидов, отрядимиз милиционерлари, сержантлар Аваз Худойназаров, Хислат Муҳамедов, Қудратилла Ғаффоровлар ўз вақтида воқеа жойига бориб, жиноятчини қўлга олишди.

– Жуда соз. Мен билан алоқада бўлиб туринг, – деди Р. Мамадалиев қайд этиш дафтарига тафсилотларни ёзиб олар экан.

Соат миллари 2. 50 ни кўрсатиб турарди. Патруль машинаси Қорақамиш-1/4 даҳаси бўйлаб кетаяпти. Ҳамма ширин уйқуда. Атрофни сокинлик эгаллаган бир пайтда, узоқда автомашина чироқлари кўрингандек бўлди. Такси бўлса керак, деб ўйладик. Янглишмаган эканмиз, «Такси» белгиси туширилган «Тико» кўринди. Ҳамроҳимиз машинадан тушиб, уни тўхтатиш учун ҳуштак чалди. Бироқ ҳайдовчи худди кўрмагандек ўз йўлида давом этди. Рация орқали яқин ўртадаги экипажларга хабар бериб, унинг ортидан тушдик. «Тико»га етиб олганимизда шу ҳудудда хизмат вазифасини ўтаётган, ППХ ходимлари ҳозир бўлишди.

– Машинани нега тўхтатмадингиз? – сўради Р. Мамадалиев ҳайдовчидан.

– Радионинг овозини баланд қилиб қўйган эдим. Ҳуштак чалганингизни эшитмай қолибман, – деди у ўзини оқлашга уриниб.

Ҳайдовчининг оғзидан спиртли ичимлик ҳиди анқиб турарди. Зудлик билан 2-отряд гуруҳ командири, катта лейтенант С. Равшанов рация орқали ЙПХ ходимларини чақирди. Воқеа жойига етиб келган йўл назоратчилари ҳайдовчига нисбатан далолатнома тузишди.

Яна йўлдамиз. Машина чорраҳага етиб, Қорасарой кўчасига бурилди. Ҳар замонда автомобиллар ўтиб қоларди. Шунда жигарранг юк машинаси эътиборимизни тортди. Р. Мамадалиев уни тўхтатиб, ҳайдовчи билан суҳбатлашди-да, ёнимизга келди.

– Ҳаммаси жойида, дўконларга нон олиб кетаётган экан, – деди у.

Шаҳар кўчалари бўйлаб борар эканмиз, эл тинчлиги ва осойишталиги, жамоат тартибини сақлашда ППХ ходимлари амалга ошираётган ишлардан қувондик. Ана шундай фидойи ички ишлар ходимлари бор экан, пойтахтда осойишталик ҳукм сураверади. Ҳадемай тонг ҳам отади. Лекин тунни бедор ўтказаётган соҳа заҳматкашлари юзида чарчоқ аломатлари сезилмас эди...

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

2-батальон бошлиғининг муовини, майор Р. Мамадалиев (чапдан) профилактика инспекторлари капитан Т. Оқмирзаев ва катта лейтенант А. Абдулҳақовлар.

Машина юкхонасидаги ўғирланган шиналар.

Тунги навбатчилик ниҳоясига етмоқда.



БУХОРО вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган.

Майдони: 40,30 минг км².

Аҳолиси: 1 миллион 405,3 минг киши.

Маъмурий маркази: Бухоро шаҳри (Тошкент шаҳридан 616 км узоқликда, аҳолиси 241,3 минг киши).

Шаҳарнинг қадимий номлари: Бихар, Нумижжат, Фохира.

Бухоро вилояти таркибида: 11 туман – Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл, Қоровулбозор, Ғиждувон; 10 шаҳар – Бухоро, Вобкент, Газли, Галаосиё, Когон, Олот, Ромитан, Қоракўл, Қоровулбозор, Ғиждувон; 3 шаҳарча, 107 қишлоқ бор.

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик, мева ва сабзавотчилик.

Саноати: тўқимачилик, нефть, қимматбаҳо металлар, табиий газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш.

Ана шундай салоҳиятга эга бўлган ҳудудда ички ишлар идоралари ходимлари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида қандай ишларни амалга оширишаяпти?

ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЁҚТИРАДИ

Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш билан бирга жиноятчиликка қарши курашга ҳам муносиб ҳисса қўшишаяпти. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Раҳматилло КАМОЛОВ бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

– Кейинги пайтда «Антитеррор», «Арсенал», «Тозалаш», «Диққат, темир йўл», «Велосипед ва от арава», «Тоза ҳаво», «Трактор» каби шартли номланган профилактик тадбирлар ўтказилаётгани туфайли автомобиль йўлларида вазият маълум даражада яхшиланаётир. Ўтган йил мобайнида бошқа соҳаларнинг ходимлари билан ҳамкорликда жиноятларни фош этиш бўйича олиб борган ишларимиз яхши самара берди. Ходимларимиз қотиллик, қасддан тан жароҳати етказиш, босқинчилик, ўғрилик, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик моддаларини ташиш ҳолатларини аниқлашда фаол иштирок этдилар. Вилоят ҳудудидан ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетилаётган ва олиб кирилаётган 144 миллион 837 минг сўмликдан ортиқ моддий-товар бойликлар сақлаб қолинди. Аниқланган ҳолатларнинг 37 таси бўйича жиноий иш қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, вилоят ИИБ ЙҲХБ 3-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ катта инспектори, лейтенант А. Эргашев ва ЙПХ инспектор-кинологи, катта сержант Ш. Каттаевлар томонидан «Сармижон» мунтазам ЙПХ масканида Тошкент–Нукус йўналиши бўйича ҳаракатланиб кетаётган «Икарус–250» русумли автобус тўхтатилиб, «Пират» лақабли хизмат ити ёрдамида текширилади. Машина йўловчиси, қорақалпоғистонлик П. К.нинг йўл халтасидан 10 кг порох ва 7680 дона капсула чиқади. Яқинда эса вилоят ИИБ ЙҲХБ 2-сафарбарлик гуруҳи командири, капитан У. Қодиров ва ЙПХ катта инспектори, катта лейтенант И. Остоновлар томонидан «Қизилқум» мунтазам ЙПХ масканида ғиждувонлик Л. Ҳамид бошқарувидаги «КамАЗ – 5410» русумли, махсус цистерна ўрнатилган автомашина тўхтатиб текширилди. Цемент остидаги 8160 дона елим идишларда 10 минг литр, умумий баҳоси 30 миллион сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган спирт яширилгани аниқланди. Ҳозирда бу қинғир ишни амалга ошириб, мўмай даромад қилмоқчи бўлганларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Ходимларимиз йўлларда содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларга қарши курашишда ўз ҳиссаларини қўшаверадилар.

Шаҳло БАҚОЕВА ёзиб олди.

Вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ 2-сафарбарлик гуруҳи командири, катта лейтенант Ў. Қодиров.

Фарзанд – инсон умрининг мазмуни. Қизингизнинг солиҳа амаллари кўнглингизни шод этса, ўғлингиз юрт ташвишига елка тутишга қодирлигидан фахрланасиз. Даврон ака ва Бибиражаб опалар беш фарзандни ана шундай фазилатларга эга қилиб вояга етказишмоқда. Давлат уларнинг тўнғич ўғиллари. У ёшлигидан билимга чанқоқ, ҳаракатчан, тафаккури теранлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради.

САОДАТ МАНЗИЛИ

Илм олишга иштиёқи баланд бўлган Давлат республика ИИВ Академиясида таҳсил олди. 2003 йил июль ойида ўқишни тугатиб, собиқ Тўқимачилик тумани (ҳозир Бухоро шаҳри таркибида) ИИБ ҲООБ милиция таянч пункти профилактика инспектори лавозимида фаолият кўрсата бошлади.

– Давлат Дўстмуродовдаги масъулият, мажбурият ҳиссини англаш, бурчига содиқлиги ва меҳнатсеварлиги жамоада алоҳида ҳурмат, мавқега сазовор этди, – дейди Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор А. Турсунов биз билан суҳбатда. – Профилактика инспектори ўз хизмат ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир фуқаро билан мулоқотда бўлиш учун билим ва тажрибасини ишга солишдан ташқари, вазиятни тўғри баҳолаш, вақтни тўғри тақсимлаш каби жиҳатларга эга бўлиши талаб этилади. Д. Дўстмуродов фаолиятидаги ютуқларнинг боиси, унинг ички ишлар ходимига хос ана шундай фазилатларга эгалигидадир.

Бугунги кунда эл назарига тушган бу осойишталик посбонининг изланишлари зое кетмаяпти. У 2004 йилда республика ИИВ томонидан ўтказилган «Энг ибратли йигит» кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди. Ўтган йили вилоят ИИБ томонидан ташкил этилган «Ўзбегим ўғлонлари» кўрик-танловида ҳам ғалабага эришди. 2006 йилда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Давлат Дўстмуродов «Шуҳрат« медали билан тақдирланди.

– Отам билан ҳар бир суҳбатим юрагимда муҳрланади, – дейди қаҳрамонимиз. – У киши айтганларидек, Ватан ҳақида аюҳаннос солиб, ваъз ўқигандан кўра унинг учун фидойи бўлмоқликни афзал кўраман. Менга берилган мукофот фаолиятим давомида ёнма-ён турган сафдошларим, шу даражага эришувимда маънан қўллаб-қувватлаган устозлар, қолаверса, юрт ташвишига шериклик туйғуси билан тарбиялаган ота-онам меҳнатининг маҳсулидир. Бундай юксак ишончни оқлаш, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида ҳар қандай вазиятда халқ фарзанди, юрт ўғлони бўлиб қолишни бахт деб биламан.

Ҳаёт машаққатли довонлардан иборат. Саодат манзилига катта лейтенант Д. Дўстмуродов каби аниқ мақсад сари интилувчан, қийинчиликларни енгишга қодир, ютуқлардан эсанкираб қолмайдиганлар ета олади.

Моҳира ШАКАРОВА.

ОСОЙИШТА ЮРТГА ТЎЙЛАР ЯРАШАДИ

Одатда юртда тинчлик, хотиржамлик ва барқарорлик таъминланса, ривожланиш бўлади, элга тўю тантаналар татийди, фуқаролар эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилади. Хонадонлар тўкинлиги, фарзандлар бахтиёрлиги тинчлик шарофатидир.

– Биз ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилиш билан бирга оммавий тадбирлар пайтида хавфсизликни ҳам таъминлаяпмиз, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, подполковник Эгамберди Шодмонов. – Шунингдек, вилоят ҳудудидаги назорат-лицензиялаш тизимига кирувчи объектлар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш ҳамда бошқа қатор вазифалар зиммамизда. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Бу борада бошқарма ҳузурида ташкил этилган патруль-пост хизмати батальони ходимларининг саъй-ҳаракатлари диққатга молик.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлари жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фидойилик кўрсатишаяпти. Ўтган йил мобайнида улар томонидан 31 та жиноят «иссиғида» очилди, қидирувда юрган 3 нафар жиноятчи ушланди.

Кечаси тахминан соат 23. 30 ларда «Бухоро Палас» меҳмонхонаси олдидаги боғда номаълум шахс Бухоро шаҳрилик С. Заринанинг бўйнидаги 70 минг сўмлик тилла занжирни юлиб олиб, воқеа жойидан яширинади. Жабрланувчининг мурожаати билан ППХ батальони отряд милиционерлари, катта сержант О. Исматов ва сержант У. Туевлар тезда ишга киришишади. Натижада қонунбузар узоққа бормай, эски шаҳарнинг ўзида қўлга олинади.

Вилоят касалхонаси ҳудудида хизматни ўтаётган ходимлар, катта сержант Х. Ортиқов ва сафдор У. Избосаровларнинг ҳушёрлиги туфайли Жанафархона қишлоғидан ўмарилган қорамол эгасига қайтарилди. Содда фуқаролар ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан уларга кўп миқдорда моддий зарар етказган Бухоро шаҳрилик Ш. Азиз эса ҳушёр ходимлар томонидан қўлга олинди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишаяпти. Уларнинг ҳар бири Ватанга садоқат, истиқлолимизга эътиқод ҳисси шуни тақозо этаётганини яхши билади.

Э. ФОЗИЛОВ,
катта лейтенант.

Ходимлар бўш вақт топилди дегунча севимли журналларини ўқишга тушадилар.



Мустақиллик майдони

ШАҲРИ АЗИМ ТОШКЕНТНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ

Биз ушбу саҳифамизда Тошкентнинг бундан бир неча йиллар аввалги ва ҳозирги кўринишларини акс эттирган суратларни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик. Зеро, ўтмишдан дарак берувчи суратлар бугунги кунда амалдаги ажойиб ишларнинг қадрини оширишда асосий омилдир.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети

Деярли барча эртакларда подшоҳ бир кечада қаср қуриш ҳақида амру фармон беради ва эрта тонгда келиб қарасаки, ҳақиқатан ҳам жуда чиройли қаср пайдо бўлганлигига гувоҳ бўлади. Аммо «бу бир эртак-да», деган пайтларимиз бўлган.

Бугунги кунда, эртакнинг ҳақиқатга айланиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Биргина Тошкент мисолида оладиган бўлсак, ниҳоятда қисқа муддат ичида пойтахтимиз жамоли мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Кенг ва равон йўллар, қатновни анча осонлаштирган чиройли кўприклар, бири-биридан кўркам бинолар, боғ ва оромгоҳлар кўрган кўзни қувнатади. Ушбу бунёдкорлик ишларининг бошида шахсан юртбошимизнинг ўзлари туриб, пойтахт архитектурасини яратишда жонбозлик кўрсатдилар. Эртак эмас, айни ҳақиқатга айланган шаҳримиз ва ҳаётимиздан бугунги авлод миннатдор экан, демакки умримиз зое кетмаяпти!

Газетамизнинг кейинги сонларида вилоятларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам таништириб бориш ниятидамиз. Бу борада қизиққан кишиларни ҳамкорликка чақирамиз!

Тошкент темирйўллар вокзали

POSTDA•TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

СТС, душанба

23.30 Комедия «ЎЛИМ БИЛМАС ЖОСУС» («НЕИСТРЕБИМЫЙ ШПИОН»).

Махфий жосус ваҳший генералнинг ёвуз режасини чиппакка чиқариши керак. Генерал Ранкор дунёни ҳалокат ёқасига олиб келишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Зиммасига халоскорлик вазифаси тушган устаси фаранг жосус бир пайтлар ҳалок бўлган ҳамкасбининг қизини қутқариши, бунинг устига шериги билан бирга террорчилар орасига билдирмай кириб олиши лозим.

Ролларда: Лесли Нильсен, Николетт Шеридан.

ОРТ, сешанба

1.40. Бадиий фильм «ТОҒДАГИ МЎЪЖИЗА» («ЧУДО В ГОРАХ»).



Йирик корхона раҳбари Том Кинкэйд тоққа дам олгани чиқмоқчи. У хотини Энн ва қизларини ҳам бирга боришга ундайди. Қизларининг каттаси атайлаб кеч қолади. Оила аъзолари тоққа усиз учиб кетишади. Парвоз пайти бахтсизлик юз беради: кичик хусусий самолёт техник носозликлар туфайли кимсасиз жойга қўнишга мажбур бўлади.

Ролларда: Патти Дьюк, Уильям Дивайн.



ДТВ, чоршанба

20.00 Мистика «НИНАЧИ» («СТРЕКОЗА»).

Доктор Жо Жэрроунинг хотини Эмиля Венесуэлада фожиали ҳалок бўлади. Жо ғамғуссани унутиш учун ишга қаттиқ берилади. Дўстлари шунга қарамай у аста-секин ақлдан озаётганини пайқашади. Жога худди марҳума хотини Эмиля уй ичида юргандек, ниначилар орқали у билан мулоқот қилаётгандек туюла бошлайди. Охири доктор Венесуэлага йўл олади...

Ролларда: Кевин Костнер, Сузанна Томпсон.

РТР, пайшанба

0.30 Бадиий фильм «МУККАСИДАН КЕТИШ» («ОДЕРЖИМОСТЬ»)

Университет ўқитувчиси Мо Белеи ва талаба Роланд Мишелл Викториан даври шеъриятини қаттиқ севишади. Улар ўша давр шоирларидан бири ва шоира Кирстабэль Ла Мотт ўртасида кучли муҳаббат бўлганини аниқлашади. Ишқ мажорасини тадқиқ қилиш, ошиқ-маъшуқларнинг эҳтирос тўла мактубларини ўқиш асносида ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳам муҳаббат пайдо бўлади. Улар бирбирисиз яшай олмасликларини англаб етишади...

Ролларда: Гвинет Пэлтроу, Аарон Экхарт.

ТВ 3, жума

17.55 Жангари фильм «КАРТА, ПУЛ, ИККИ СТВОЛ», («КАРТЫ, ДЕНЬГИ, ДВА СТВОЛА»).

Тўрт саргузаштталаб дўст машҳур мафия етакчиси устидан ғалаба қозониш учун барча пулларини қиморга тикишади. Аммо мафия «қироли» қарталарни шундай усталик билан алмаштирадики, тўрт оғайни нафақат бор пулини ютқазишади, балки 500 минг фунт қарз ҳам бўлиб қолишади. Қарзларидан қутилиш учун гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқариладиган яширин фабрикани талашади...

Ролларда: Жейсон Флеминг, Стинг.

ОРТ, шанба

0.00 Бадиий фильм «ТАФАККУР ЎЙИНЛАРИ» («ИГРЫ РАЗУМА»)

Ёш математик Жон Нэшнинг бутун ақлий қуввати бир нарсага – илмий кашфиёт қилиб, шуҳрат қозонишга қаратилган. Ниҳоят ниятига етади. Олимнинг кашфиёти дунё миқёсида тан олинади. У фан доктори илмий даражасини олади, нуфузли лабораторияга раҳбарлик қила бошлайди. Алисия исмли ёқимтой қизга уйланади. Ҳаёти бахтли кечаётган эди. Аммо кутилмаганда тақдирнинг зарбасига учрайди – шифокорлар унга руҳий касал дея ташхис қўйишади.

Ролларда: Рассел Кроу, Женнифер Коннелли, Эд Харрис.



НТВ, шанба

2.45 Фантастик фильм «МЕТЕОР»

Доктор Бредлини НАСА агентлигига чақириб, Ер шарига улкан метеор катта тезликда яқинлашиб келаётганини хабар қилишади. Мабодо тўқнашув юз берса, бу фожиага олиб келиши шубҳасиз. Фожианинг олдини олишга Бредли ёрдам бериши мумкин: у қуролли ҳужумни бартараф этувчи суньий йўлдош яратган эди. Энди кучларни бирлаштириш пайти келди...

Ролларда: Шон Коннери, Натали Вуд, Мартин Ландау.

ТНТ, якшанба

1.45 Комедия «АВЖ-2» («БУМ-2»)

Поездда Вик қўк кўз, малла соч йигитга дуч келиб қолади. Йигит унга эътибор ҳам бермайди. Аммо балоғат остонасидаги қизлар йигитларнинг бошини айлантиришнинг турли-туман йўлларини билишади. Демак, Вик ҳам ўз ниятига етмасдан қўймайди.

Ролларда: Софи Марсо, Пьер Коссо, Клод Брассер.

«Ўзбекистон» телеканали

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Дазу осори атиқалари».
9.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.15 «Одами эрсанг...»
10.40 «Агар Сиз...»
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Олтин мерос».
11.30 «Топталган туйғу». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
12.50 «Топталган туйғу». Спектакль.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Иқтидор»: Телеўйин.
15.05 «Ўзбек мумтоз шеърияти». А. Навоий.
15.10 А. Навоий таваллудининг 565 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 6-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Яхшилик».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Равнақ« студияси намойиш этади.
17.30 «Олтин мерос».
17.40 «Банк ва мижоз».
17.50 «Минг бир ривоят».
18.00 «Ҳаёт ва қонун».
18.20 «Ошин». Телесериал.
18.55 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Оқшом наволари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Хонадон». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Ҳулкар Абдуллаева куйлайди.
22.00 «Қақнус». Телесериал премьераси (Корея)
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган Византия». Сериал. 1-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканали

14.55 Дастурнинг очилиши.
15.00 Ватанпарвар.
16.00 Давр.
16.25 Интерфутбол.
18.10 Болалар экрани: Шум болалар.
18.20 Билимдон ёшлар беллашуви.
18.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.40 Ёшлар овози.
19.55 Дийдор.
20.25 Ракурс.
20.40 UzEX хабарлари.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.50 Мусиқий лаҳза.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «Эсмеральда». Телесериал.
23.20 Дастурнинг ёпилиши.

«Тошкент» телеканали

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50 «Мульткарусель» (рус).
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20 ТТВда сериал: «Камила».
20.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.00 Навоий ҳақида ривоятлар: «Навоий ва чўпон». 1-қисм.
21.20 «Телекурьер маркет».
21.30 «Мустақиллик майдони».
22.10 Кинонигоҳ: «Уч мушкетёр». 1-қисм.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканали

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «История зимних Олимпийских игр».
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.10 Бокс. Республика биринчилиги.
10.50 «Футбол чорраҳаларида».
11.10 «Соғлом авлод».
11.25-12.15 «Академия тенниса». Сериал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Паҳлавон». Болалар кураш шоуси.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортимиз маликалари».
20.45 «Футбол плюс».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «История зимних Олимпийских игр».
22.40 «Проф-РИНГ».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы
17.00 Мультфильм
17.30 «Хужжатли фильм»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45, 21.15 «Мусиқий лаҳзалар»
19.00 «Ошикона», мусиқий дастури
19.45, 21.40 «Телехамкор»
20.00, 21.50 «Мусиқий табассум»
21.00 «Хайрли тун, болажонлар!»
22.20 Худ. фильм «Дьявольский ваш»

ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00,15.00, 18.00,23.40, 3.00 Новости
9.05 «Убойная сила» фильм
10.20 Детектив «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.40 «Кривое зеркало»
12.20 «Черный ворон» фильм
13.20 Дисней-клуб
13.50 «Следствие ведут знатоки: Пуд золота».
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.00 «Федеральный судья»
18.10 «Курортный капкан».
18.40 Фильм «Московская сага»
19.50 Жди меня
21.00 Время
21.30 Фильм «Золотой теленок»
22.30 Спецрасследование.
0.00 Кубок Первого канала. «Спартак» (Москва) - «Динамо» (Киев).
2.00, 3.05 «История Линды МакКартни»
3.30 «Коянискация»
4.50 Суперчеловек.

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!»
8:45 Телесериал «Идиот».
9:50 «Конферансье на все времена. Борис Брунов».
10:50, 13:45, 0:15, 4:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00, 14:00,17:00,19:45, 20:00,23:00 ВЕСТИ.
11:30, 14:20,16:40, 20:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
11:50 «Частная жизнь».
12:45 «Комната смеха».
14:40 КИНО. «Месть слона».
17:15 Сериал «Любовь моя».
17:50 «Обреченная стать звездой». Сериал.
18:45 «Черная богиня». Сериал.
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 Сериал «В круге первом».
21:50 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».
23:20 Михаил Жванецкий.
0:30 «Честный детектив».
1:00 «Синемания».
1:30 «Дорожный патруль».
1:45 Драма «Троих надо убрать»
3:20 Канал «Евроньюс»

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10:00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:55 Сериал «ЗОНА»
13:30 Детектив «СЫЩИКИ - 4»
15:35, 18:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»
19:40 ПРЕМЬЕРА. Сериал «ЗОНА»
20:40 ПРЕМЬЕРА. Детектив«МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ - 2»
22:40 Фильм «КАТАЛА»
0:15 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
1:10 «ВСЕ СРАЗУ!»
1:35 Детектив «СМЕРТЕЛЬНАЯ ЛОВУШКА»
3:10 Фильм «БАРРИ ЛИНДОН»

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00-10.45 Мультфильмы.
11.00 Худ. фильм «КРАСНЫЙ ДРАКОН».
13.10 Худ «ШЕВАЛЬЕ ДЕ ПАРДАЙН».
15.00 «Осторожно, модерн!»
15.30 Русские мультфильмы.
16.00 Худ. фильм «А ТЕПЕРЬ, ДАМЫ И ГОСПОДА...»
18.30 Худ. фильм «СОКРОВИЩА АГРЫ».
20.00, 2.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».
21.00 Худ. фильм «АМАЗОНКИ И ГЛАДИАТОРЫ»
23.00 Худ. фильм «ОСТРОВ ОГНЯ»
1.00, 5.00 Сериал «ЕЁ ЗВАЛИ НИКИТА».
3.00 Худ.. фильм «МСТИТЕЛЬ».

ДТВ

9.00, 16.30, Мультфильмы.
10.00 Сериал «НЯНЯ».
10.30, 17.30 «Как уходили кумиры»
10.55, 19.50 «Неслучайная музыка».
11.00 Телемагазин.
11.30, 2.15 «Карданный вал +».
11.50 Фильм. «СЕКРЕТНЫЙ ЭШЕЛОН».
14.05, 21.00 «Самое смешное видео».
14.35 Сериал «РОЖДЕННЫЙ ВОРОМ».
15.30, 20.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
17.55 Фильм: «ИГЛА».
21.25, 2.55 Шоу Бенни Хилла.
21.55 «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ. БАРОН».
23.00 Док. сериал «Опергруппа, на выезд!»
23.40, 2.35 Агентство криминальных новостей.
0.00 Худ. фильм «УБЕЖИЩЕ».
3.20 Юмористическая программа

ТНТ

5.45 «Москва: инструкция по применению»
6.10 «Айболиты». Док. сериал.
6.40 «Сейлормун-супервоин»
7.05 «Глобальные новости»
7.10 «Котопес».
7.35 «Ох уж эти детки».
8.00 «Приключения Джимми Нейтрона».
8.25 Предприниматель.
8.40 Наши песни.
9.00 «Самые выдающиеся акулы». Док. фильм.
10.00,1.30 «НАЛЕВО ОТ ЛИФТА». Комедия.
12.00- 13.05 Мультфильм.
13.30 Телемагазин.
14.00 «ДЕВСТВЕННИЦА».
15.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ».
16.00, 21.00, 0.10 Реалити-шоу «Дом-2.»
17.00 «Школа ремонта».
18.00 «Возможности пластической хирургии»
19.00 Такси.
19.30, 0.45 Москва: инструкция по применению.
20.00 «Необъяснимо, но факт».
22.00 «ПОЛИЦЕЙСКАЯ АКАДЕМИЯ»..
1.15 Наши песни.
3.30 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Детектив.

СТС

8.00, 15.30 Мультфильмы
9.30, 21.00 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00, 22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ».
11.00, 21.30,1.30 Истории в деталях.
11.28, 21.58, 1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
11.30, 20.30 «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
12.00 «ШПИОНКА».Худ. фильм.
13.00 Кино «СПЕЦНАЗ ПО-РУССКИ-2»
15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ» Худ. фильм.
18.00 «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ».
19.30 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Худ. фильм.
23.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
23.30 Кино «НЕИСТРЕБИМЫЙ ШПИОН».
2.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
2.30 Детали.
3.30 Юмористическая программа.
4.25 «Невероятное путешествие Жюля Верна».
6.00 «ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО «ЛУННЫЙ СВЕТ»- Худ. фильм.

7 ТВ

7.00 8.00 9.00 10.00 11.00 12.00 13.00 14.00 15.00 16.00 17.00 18.00 19.00 20.00 21.00 22.00 23.00 0.00 1.00 2.00 3.00 4.00 5.00 6.00 7 новости.
7.10 10.10 Назло рекордам.
7.30 11.30 15.30 16.30 19.30 20.30 21.30 23.30 0.30 1.30 4.30 Диалоги о рыбалке.
8.10 Зарядка для страны.
8.30 9.30 10.30 Веселые старты.
9.10 ЖимКласс.
11.10 1.10, 21.10 Музыкальный трек.
12.30 Формула BMW. 2-й этап (Лаузицринг, Германия).
13.30 Кубок Porsche Carrera. 2-й этап (Лаузицринг, Германия).
14.30 Гонки из серии ДТМ. 2-й этап (Лаузицринг, Германия).
17.10 5.10 Волейбол. Чемпионат России (женщины). «Заречье-Одинцово» - «Факел».
18.10 3.10 Дартс.
22.10 Автоспорт России. Суперсерия.
23.10 Звезда автострады.
0.10, 4.10 Киножурнал.
2.10 6.10 Покер.

«Ўзбекистон» телеканали

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган Византия». Сериал. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.20 «Остонаси тиллодан».
10.45 «Юзма-юз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Хонадон». Телесериал.
12.00 «Рақслар жилоси».
12.25 «Портретга чизгилар».
12.45 «Қақнус». Телесериал.
13.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 «Интеллектуал ринг».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Ўзбек мумтоз шеърияти». А. Навоий.
15.20 А. Навоий таваллудининг 565 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 7-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Назм ва наво».
18.15 «Фарз ва қарз».
18.40 «Оқшом наволари».
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Хонадон». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».
22.00 «Қақнус». Телесериал.
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган Византия». Сериал. 2 -қисм.
0.05-0.10 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканали

6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болалар экрани: Шум болалар.
8.20 Расмлар сўзлаганда.
8.25 «Ҳакалак». Мультфильм.
8.35 «Эсмеральда». Телесериал.
9.05 Катта танаффус.
9.30 «Шубҳа». Телесериал.
10.15 Ёшлар овози.
10.30 Ракурс.
10.45 Жаҳон жуғрофияси.
11.00 Давр.
11.05 «Леонардо да Винчи». Бадиий фильм. 6-қисм (якунловчи)
11.55 Замондош.
12.10 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 Дийдор.
12.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тарих кўзгуси».
13.00 Давр.
13.05 «Ит уяси». Сериал.
14.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.
15.05 Билимдон ёшлар беллашуви.
15.10 «Чекиш – соғлиққа зарар». Телефильм.
15.20 Наво.
15.35 «Японияниинг боқий маданияти». Ҳужжатли фильм. 4-қисм.
16.00 Давр.
16.15 «Ёшлар» телеканали фототанлови.
16.20 «Даллас». Телесериал.
17.10 Болалар табассуми.
17.15 Эврика.
17.25 Даврнинг боласи.
17.35 Янги алифбони ўрганамиз.
17.50 Cinema Bollivud.
18.05 Ёшлар овози.
18.20 «Алишер Навоий». Бадиий-публицистик фильм. 1-қисм.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.40 Автопатрул.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 «Навоий ижодига бахшида умр». Академик Азиз Қаюмов.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.50 Мусиқий лаҳза.
22.00 Давр.
22.35 «Эсмеральда». Телесерил.
23.05 Дастурнинг ёпилиши.

«Тошкент» телеканали

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50 «Мультчархпалак».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Телекурьер маркет.
20.00 «Пойтахт».
20.20 ТТВда сериал: «Камилла».
20.50 «Ҳимоя».
21.10 Экспресс» телегазетаси.
21.20 Навоий ҳақида ривоятлар: «Навоий ва Жомий». 2-қисм.
21.50 «Инсон ва қонун».
22.10 «Телекурьер маркет».
22.20 «Уч мушкетёр». 2-қисм.
23.50-23.55 «Хайрли тун шаҳрим».

«Sport» телеканали

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 Бокс. Республика биринчилиги.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.00 Жаҳон спорти: «Теннис».
11.00 «Ким нимага қодир?!»
11.25-12.15 «Академия тенниса». Сериал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спорт - клуб».
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Патагония – земля юга».
19.15 «Сам себе режиссёр».
20.00 «Вести».
20.30 «Путешествие натуралиста».
20.55 «Футбол шарҳи».
21.15 «Белида белбоғи борлар».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «История зимних Олимпийских игр».
22.30 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 16.45, 19.45 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Солдаты», сериал
14.00 «Крупногабаритные», комедия
15.30, 19.00, «Ошикона», мусикий дастури
16.15 «Аёллар орзуси»
17.00 Мультфильм
17.30 «Ҳужжатли фильм»
17.50 «Кино утмишга назар»
17.55 «Клип-премьера»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Киноконцерт»
20.00, 21.40 «Мусикий табассум»
21.00 «Хайрли окшом, болажонлар!»
21.15 «Севги наволари»
21.20 «Биз билаган билмаган дунё»
22.10 Худ. фильм «Годзилла»

ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 23.4,05.00 Новости
9.05 «Убойная сила»
18.30 «Сугдиена» Мунис аёллар курсатуви
19.15 «Ошикона», мусикий дастури
21.00 «Лола Ахмедова куйлади»
22.10 «Кто я?»

ОРТ

6.00 Новости
6.20 Комедия «Благородный разбойник Владимир Дубровский»
8.20 Служу Отчизне!
8.50 Дисней-клуб
9.20 «Умницы и умники»
10.00, 12.00 Новости
10.10 «Непутевые заметки»
10.30 Пока все дома
11.20 «Веселые картинки»
12.10 Живой мир.
13.10 Док. фильм
13.55, 19.25 Олимпийские игры. Лыжи. Дуатлон.
15.00 «Евгений Плющенко. Бесконечная дуэль».
15.40 Детектив «Тайна записной книжки»
17.10 «Кто хочет стать миллионером?»
18.00 Времена
18.50 «Шутка за шуткой».
21.00 «Время».
21.45 Фильм «Король Артур»
0.00 Бокс. Джермэйн Тэйлор - Бернард Хопкинс
1.00 «Хранитель тела»
2.10 Детектив «Забытая леди»
3.50 Сериал «Дефективный детектив»
4.35 Документальный фильм

РТР

6:00 «Доброе утро, Россия!».
7:20 «Сельский час».
7:45 «Бинго миллион».
8:00, 11:00, 14:00, 17:00 ВЕСТИ.
8:10, 11:10 ВЕСТИ-МОСКВА.
8:20 «Диалоги о животных».
8:55 Фильм «Увольнение на берег»..
10:30 «Утренняя почта».
11:20 «Городок»
11:55 «Сам себе режиссер».
12:45 «Смехопанорама».
13:15 «Парламентский час».
14:20 «Фитиль №73»
15:10 Фильм «Три женщины и мужчина».
17:10 «Кулагин». Детектив.
18:05 Праздничный концерт ко Дню всех влюбленных.
20:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ».
21:00 «Специальный корреспондент».
21:25 Мелодрама «Женская интуиция»..
23:55 Комедия «Эйс Вентура: зов природы»
1:40 Триллер «Преследуемый».
3:25 СЕРИАЛ «Семь дней»

НТВ

5:25 Прик. фильм «ОСТРОВ ГОЛОВОРЕЗОВ»
7:30 Детское утро
8:00, 10:00, 13:00, 16:00 «СЕГОДНЯ»
8:15 Детектив «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»
8:40 «ИХ НРАВЫ»
9:20 «ЕДИМ ДОМА!»
10:15, 20:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
10:50 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
11:25 «ЦЕНА УДАЧИ»
12:15 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ».
13:20 «СТИХИЯ».
14:00 Фильм «ГАРАЖ»
16:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ».
16:55 «СВОЯ ИГРА»
17:55 Сериал «РИЭЛТОР»
19:00 «ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА»
19:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
20:55 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
22:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР»
23:15 Фильм «ПАРНИКОВЫЙ ЭФФЕКТ»
1:15 Фильм «АРКТИЧЕСКОЕ ИСПЫТАНИЕ»
2:55 Фильм «ОТЕЛЛО»
5:10 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»

ТВ 3

8.30 Жизнь, полная радости.
9.00 Мультфильмы.
11.00 Худ. фильм «МАЛЕНЬКИЙ БЕГЛЕЦ».
12.30 Худ. фильм «20 ВЕК НАЧИНАЕТСЯ».
15.30 «Курьер».
16.00 Худ. фильм «ТОТ, КОТОРОГО ЗАКАЗАЛИ».
18.00 Худ. фильм «ИГРА СМЕРТИ».
20.00 «Осторожно, модерн!»
21.00 Любовь - это....
21.15 Худ. фильм «ОТЕЦ НЕВЕСТЫ».
23.00 Худ. фильм «РОМАНТИЧЕСКАЯ КОМЕДИЯ 101».
1.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ».
2.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС».
3.00 Худ. фильм «ТВАРЬ ИЗ БЕЗДНЫ».
5.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ».

ДТВ

9.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
10.05 Для милых дам.
10.30 Мультфильмы.
12.20 Худ. фильм «ГАРАЖ».
14.30 Док. сериал «Тайны и разоблачения».
15.00 Как познакомиться со звездой.
15.25 Сериал «СПРУТ».
16.25 Время - деньги!
16.55 «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ. АДВОКАТ».
19.00 «Самое смешное видео».
19.30 В засаде.
20.00 «Шоу российских рекордов».
21.00 Фильм «СОКРОВИЩА АГРЫ».
0.15 Сериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ВЕГАС»
2.10 «Шоу российских рекордов».
3.10 «Техногенные катастрофы».
4.10 «Осторожно, афера!»

ТНТ

7.00 Мультсериалы.
9.10, 15.30 «Каламбур»
9.35,15.00, 19.00 «Фигли-Мигли».
10.00 «БУМ-2» комедия.
12.25 Мультфильмы.
13.30 «Школа ремонта»
14.30 «ЭНДИ РИХТЕР, ВЛАСТЕЛИН ВСЕЛЕННОЙ». Комедия.
16.00, 21.00, 23.00 «Дом-2. Новая любовь!»
17.00 «САША + МАША». Комедия.
18.00 «Школа ремонта».
19.30 «Москва: инструкция по применению».
20.00 «Необъяснимо, но факт».
22.00 Комеди Клаб.
23.30 «Секс» с Анфисой Чеховой.
0.00 «Запредельные истории».
1.00 «Правила секса».
1.30 Наши песни.
1.45 «БУМ-2». Комедия.
4.15 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Детектив

СТС

8.00 «ЧТО-ТО НЕ ОТСЮДА» худ. фильм
9.35, 11.30 Мультфильмы.
11.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
12.00 Кино «НИНДЗЯ ИЗ БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ».
14.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу.
16.00 «Снимите это немедленно».
17.00 Фильмы «Мифы и герои. Король Артур».
18.00 Истории в деталях.
18.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ».
23.00 Кино «САБРИНА ПОД ВОДОЙ».
1.00 Кино «РУСАЛКИ».
3.20 Кино «ЕЕ ИДЕАЛЬНЫЙ МУЖ».
4.55 Кино «НЕЧТО».
6.40 «Чудесные путешествия». Док. фильм.

7 ТВ

7.00 14.30 18.30 0.30 Конный спорт.
7.30 Акробатический рок-н-ролл.
8.30 Спортивные танцы.
9.30 19.30 5.00 Rally Action. Обзор сезона-2005.
10.30 7 дней спорта.
11.00 18.00 Назло рекордам.
11.10, 21.10 Музыкальный трек.
11.30 Веселые старты.
13.00 19.00 Гонка живых легенд.
13.30 Формула BMW. Обзор сезона-2005.
15.00 6.00 «220 вольт».
15.10 21.00 0.00 Звезда автоспорта.
15.30 3.00 Racing Action. Обзор сезона-2005.
16.30 Серия Ле-Ман. Обзор сезона-2005.
17.30 20.30 21.30 1.30 4.30 Диалоги о рыбалке.
18.10 22.00 2.00 Звезда автострады.
22.10 Гандбол. Лига чемпионов (женщины).
23.00 Серия ДТМ. Обзор сезона-2005.
0.10 4.10 Киножурнал.
1.00 Гонки RTCC. Обзор сезона-2005.
2.10, 6.10 Покер.

КЎРГАЗМАДАГИ ФОЖИА

Шанба куни кечқурун Польшанинг Катовица шаҳридаги савдо-кўргазма марказининг томи қулаб тушган эди. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари тугалланди. Расмий маълумотларга қараганда, фожиа туфайли 67 киши ҳаётдан кўз юмган, 160 га яқин одам жароҳатланган. Ҳалок бўлганлар орасида икки нафар бола, шунингдек, белгиялик, голландиялик, германиялик ва чехиялик фуқаролар ҳам бор.

Фожиа сабабларини ўрганиш давом этаяпти. Дастлабки тахминларга қараганда, бино томи қалин қор оғирлиги туфайли қулаб тушган. Ҳақиқатан ҳам томнинг айрим жойларида қорнинг қалинлиги бир метрга етган эди.

Польша Президенти Лех Качиньский бутун мамлакат бўйлаб уч кунлик мотам эълон қилди. «Бу республикамиз тарихида энг аянчли фожиадир», – деди у. Польша раҳбари, шунингдек, фалокат орқали кўрилган барча зарар давлат ҳисобидан қопланишини айтди. Масалан, ота-онасидан айрилган болаларга махсус пенсиялар тайинланади.

Эслатиб ўтамиз, ўша машъум куни савдо марказида хабарчи каптарларнинг кўргазмаси ўтказилаётган эди. Айтишларича, ҳали ҳам бир гала каптарлар бино вайроналари узра чарх уриб юрган эмиш.

ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАР

Яқинда халқаро консалтинг агентлиги дунёнинг энг йирик шаҳарларидаги турмуш даражаси бўйича маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, Осло кетма-кет иккинчи бор жаҳонда нархлар энг юқори шаҳар деб топилди. Шу пайтгача Токио биринчиликни қўлдан бермай келаётган эди.

«Бу кутилмаган ҳодиса эмас, – дейди консалтинг агентлиги вакили. – Сўнгги пайтларда иеннинг бошқа валюталарга, жумладан, еврога нисбатан қадри тушмоқда. Норвегияда эса 2004 йилдан буён истеъмолчилар фаоллиги кузатиляпти, инвестициялар миқдори ошяпти, юқори даражада умумий иқтисодий юқсалиш қайд этилмоқда».

Токиодан кейинги учинчи ўринни Исландиянинг пойтахти Рейкьявик шаҳри эгаллади. Тўртинчи поғонани эса Япониянинг Осака шаҳри ва Париж бўлишиб олишди.

Рўйхатдаги дастлабки 30 ўриндан 20 таси ғарбий Европа шаҳарларига насиб этди. Таҳлилчилар буни евронинг долларга нисбатан мавқеи ошаётгани билан изоҳлашмоқда. АҚШнинг нархлар энг қиммат шаҳри ҳисобланган Нью-Йорк бор-йўғи 27-ўринни эгаллади.



ҚАРОҚЧИ ЧОЛЛАР

Маълумотларга қараганда, Кун чиқар мамлакатида сўнгги ўн йилликда 65 ёшдан ошганлар орасида жиноятчилик беш баробарга ортган, деб ёзади «Times» газетаси. Одатда, қариялар киссавурлик ва дўконларни талаш билан шуғулланишади. Япониялик полициячиларнинг айтишича, қўлга тушган аксар жиноятчилар ўзларини овсарликка солишар экан. Улар томонидан содир этилаётган қотилликлар сони ҳам йилдан-йилга ўсмоқда. Кўпинча узоқ йиллар бирга яшаган чол-кампирлар арзимас сабабларга кўра жанжаллашиб, бир-бирларининг жонларига қасд қилишяпти.

Кексалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳам ортмоқда. Масалан, кунларнинг бирида 82 ёшли қария машинасида олти нафар пиёдани босиб кетган. У ҳар гал пиёдани кўриб қолганида тормознинг ўрнига янглишиб газни босган.

Ўтказилган тадқиқотларга қараганда, японларнинг учдан икки қисмини кексалар ташкил этади. Психологлар эса бекор қолган, лекин ҳали ҳаётий фаоллигини йўқотмаган айрим қариялар азбаройи бекорчиликдан, зерикканидан ҳам жиноятга қўл уришади, деб ҳисоблашади.

ҚУРБОНЛАР ЙЎҚ

АҚШнинг Флорида штатидаги «Unison Industries» компаниясига қарашли заводда портлаш юз берди. Ғарб ахборот агентликларининг хабар қилишича, портлашдан сўнг дарҳол завод ҳудудидаги барча одамлар хавфсиз жойга кўчирилган. Маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати вакили Бенни Сет кейинроқ 16 киши шифохонага ётқизилганлигини маълум қилди. «Улардан ҳеч бирининг ҳаёти хавф остида эмас», – деди у.

Портлаш туфайли бир киши жароҳатланган. Қолган ўн беш киши қон босими ошиб, боши оғригани учун шифохонага келтирилган. Ҳозирда жароҳатланган ходимдан бошқалар касалхонадан чиқишган.

Баъзи маълумотларга кўра, портлаш натижасида резервуарда сақланаётган криптон гази атмосферага тарқалган. У инерт гази бўлиб, заҳарли эмас, аммо меъёридан ортиқ миқдорда тўпланса, кислород етишмаслигига сабаб бўлади, нафас олишни қийинлаштиради.

БАСАЕВНИНГ ДАЛА ҚЎМОНДОНИ

Доғистонда ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир чоғида Аҳмед Юнусов ва Раим Салмановлар қўлга олинди. Республика ИИВ маълумотларига кўра, Юнусов дала қўмондони ва Басаевнинг энг яқин сафдошларидан бўлган. Салманов эса жангарилардан бўлиб, ҳар иккиси ҳам федерал қидирувда эди. Қўлга олиш пайтида Юнусов ўз жонига қасд қилишга уринди.

ИНСПЕКТОР ҚИЁФАСИДАГИ ЙЎЛТЎСАР

Воқеа Москванинг Рига вокзали олдидаги майдонда юз берди. Жабрдийдаларнинг дастлабки кўргазмаларига кўра беш миллион рубль атрофида пул олиб кетаётган инкассаторларнинг машинасини йўл-патруль ходими кийимидаги киши тўхтатди. У гўёки ҳайдовчининг ҳужжатларини текшираётган пайтда келиб тўхтаган «Газел» автомашинасидан автоматлар билан қуролланган ниқобли тўрт киши сакраб тушиб, инкассаторларни қўрқитиб, улар олиб кетаётган пул ва «Иж» русумли хизмат тўппончасини тортиб олишади. Сўнг яна «Газел»га ўтириб, воқеа жойидан яширинишади.

Ҳозирда тергов-суриштирув ишлари давом этаяпти. Воқеа тафсилотлари ва пул ҳақиқатан қанча бўлгани ойдинлаштирилмоқда.

Чоршанба куни Ла-Манш қўлтиғида бортида ўн минг тонна фосфор кислотаси бўлган «Эйс» кемаси юк ташиш баржаси билан тўқнашиб, чўкиб кетди.

ТАНКЕР ЧЎКИБ КЕТДИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу кимёвий модда атроф-муҳит учун хавф-хатар туғдирмайди. Чунки кислота тезда денгиз сувига аралашиб, зарарсиз ҳолга келади. Танкернинг барча экипаж аъзолари вертолёт ва катер ёрдамида қутқариб олинди. Улардан ҳеч ким жабр кўргани йўқ. Юк кемаси ҳам жиддий шикастланмаган.

ВАҲШИЙЛИКНИ ҚАРАНГ!

Душанба куни Канаданинг Ванкувер шаҳрида 27 нафар аёлни ўлдирганликда айбланаётган маньяк-нинг устидан суд жараёни бошланди. Биринчи суд мажлиси чоғида фавқулодда хавфсизлик чоралари кўрилди. Айбланувчи – 56 ёшли Роберт Пиктон ўқ ўтказмайдиган ойнаванд тўсиқ ортига ўтқизилди. Сабаби, суд биноси ичида ўлдирилган аёлларнинг дўстлари ва яқинлари бор эди. Ташқарида эса журналистлар ва Пиктонга қарши кайфиятдаги оддий одамлар тўпланишиб, унга нисбатан энг қаттиқ жазо чораси кўрилишини талаб қилишди.

1982 йилдан бошлаб 20 йил давомида шаҳарда ўнлаб фоҳиша аёллар изсиз йўқолди. Роберт Пиктоннинг Ванкувердан 35 км узоқликда жойлашган фермаси 2002 йил 6 февралда терговчилар эътиборини тортди. Орадан икки ҳафта ўтиб, ферма ҳудудидан икки аёлнинг жасади топилди. Уларнинг бўлакланган қўл-оёқларини эса музлаткичнинг ичидан топишди. Шундан сўнг Пиктон ҳибсга олинди.

Кейинги тергов-қидирув ишларига Ванкувер университетининг археология ва антропология факультети талабалари ҳам жалб этилди. Улар ферма ҳудудининг деярли ҳар бир қаричини қазиб кўришди. Натижада яна 29 нафар аёлнинг тана қолдиқлари топилди. Марҳумаларнинг аксари бир неча йилдан буён бедарак йўқолган деб ҳисобланарди.

Терговчиларнинг сўзларига қараганда, одатда фоҳишалар ва гиёҳвандлар қотилнинг қурбонига айланган. 2004 йил мартида жиноят иши янада жиддий тус олди. Сабаби, экспертиза натижаларига кўра, фермада боқилган чўчқаларнинг гўшти таркибида одам ДНКси топилган эди. Терговчиларнинг тахминига кўра, қотил жиноят изини яшириш мақсадида марҳумаларнинг тана қолдиқларини чўчқаларига едирган.

Инсон умри нима? У қандай мезонлар билан ўлчанади? Баъзи кишилар борки, ҳаётга шунчаки келиб-кетади. Ортидан ҳеч қандай из қолмайди. Аксинча, орамизда шундайлар бўладики, биргина иши билан кўпнинг қалбини, меҳрини забт этиб, асрлардан-асрларга ўтиб боради. Шундай тоифадаги кишилар шубҳасиз ижодкорлардир. Ҳикоя, роман ўқиб асарнинг дунёсига кирмаган, қаҳрамонларига ошно бўлмаган ёки шеър мутолаа қилиб, ҳузурланмаган китобхон бўлмаса керак. Таҳририятимизнинг бу галги меҳмони – халқона шеърлари билан аллақачон олқишга сазовор бўлган Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси Бош муҳаррири Иқбол МИРЗО.

"ШОИР - КЎНГИЛ ҚУРИҚЧИСИ"

– Якунланган 2005 йилда юксак унвон соҳиби бўлдингиз. Шунингдек, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган танловда «Йилнинг энг яхши қўшиғи ижодкорлари» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдингиз. Айтинг-чи, амалга оширолмай қолган ишларингиз ҳам борми?

– Менга унвон берилишини кутмаган эдим. Бу ҳақда кўп гапирилгани учун ортиқча тўхталиб ўтирмайман. Амалга ошмай қолган ишларим жуда бисёр: ёзилмай қолган шеърлар, йўқлашга улгурмаган устозларим ва ҳоказолар. Ўн йилча олдин бир «Бегона» деган достон бошлаганман, ҳалигача охирига етказа олмайман. Бир томондан катта эпик асарни ўқишга ўқувчининг сабри етармикан, деб ўйласам, иккинчидан, хотиржам бирор ҳафта «дунёдан узилиб» ижод қилишга имкон йўқ. Қизиқ-да, роса ижодий кучга тўлганингда турли мажбуриятлар кўпаяр экан.

– Назм оламига кириб келганингизга 20 йилча бўлиб қолди. Бу орада «Кўнгил», «Юракнинг шакли», «Сени соғинаман», «Мени эслайсанми?», «Танланган шеърлар», «Қўшиқларим» ва «Сени бугун кўрмасам бўлмас» каби шеърий китобларни мухлисларга тўҳфа этдингиз. Сиз бугунги эришган чўққидан туриб ёш Иқбол Мирзо ижодига қандай муносабат билдирасиз?

– Эски дафтарларимни варақлаб, ўсмирликда ёзилган шеърларимни ўқиб, ўзимни қарама-қарши туйғулар чулғаб олади. Ўша шеърларда тажрибасизлик, ғўрлик билан бирга оловланиб турган шиддатни, самимиятни, ростгўйликни кўраман. Бугун ҳамма нарсани шеърга айлантира олиш маҳорати бор Иқбол Мирзо ўша ўспирин шоирга ҳавас ва соғинч билан қарайди.

– Юқоридаги саволдан келиб чиққан ҳолда бугунги ёшлар шеърияти ҳақидаги фикрларингиз.

– Ижодкор ёшлар кўп. Умуман, балоғат даврида кўпчилик шеър ёзишга уринади. Агар бу ҳавас ўткинчи бўлса-ю, вақтида тушуниб етилса – ўша одамнинг бахти. Мабодо, шоирлик даъвоси билан яшаб, истеъдодсизлигини билмаса ёки тан олишни истамаса, фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам кулфатига айланади. Афсуски, шунақа тоифа «ёш шоирлар» керагидан ортиқча. Агар ношуд футболчи майдонга тушса, ишқибозлар ҳуштак чалиб, ҳайдашади. Чунки унинг нотавонлиги кўзга ташланади, ғашга тегади. Адабиёт майдони эса, жуда кенг. Томошабин ҳам, ҳакам ҳам ҳукм чиқаришга шошилмайди... Узр, ҳозирги ёшлар орасида алоҳида ажралиб турган ижодкорни учратганимча йўқ.

– Сизнинг ижодингиз ўта халқчил. Айнан шу жиҳати билан марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуф ижодига яқин туради. Айтинг-чи, кимгадир ўхшаб қолишдан қўрқмайсизми?

– Муҳаммад Юсуф устозим эди. Ёнларида кўп юрганман, кўп нарса ўрганганман. Кўп жиҳатдан устозга ўхшашга интилардим. Агар шеърларимни Муҳаммад Юсуф ижодига яқин деб баҳолашса, менга бундан ортиқ мақтов йўқ. Раҳматли Муҳаммад аканинг ҳаётини, ижодини яхши билган одам бу киши ўзбекка берилган ўзига хос даҳо эканлигини ҳеч бўлмаганда кўнглидан ўтказади.

– Бобур Мирзонинг буюк шоҳ ва шоир бўлгани, умуман жуда кўп темурий шаҳзодаларнинг шеър ёзганини биламиз. Бугунги кунда раҳбарлик ҳамда шоирлик бир кишида зоҳир бўлишига муносабатингиз қандай?

– Аслида, шоир дегани ҳар томонлама етук инсон демак. Биз бу номнинг қадрини ерга урганмиз, холос. Шоирнинг хаёлот олами одам қўрқадиган даражада кенг ва шиддатли бўлади. Билим доираси ҳам олимларникидан қолишмайди. Шундай бўлгандан кейин бундай шахсга ҳар қандай вазифани ишониб топшириш мумкин. Фақат шоир ички интизомга риоя қилса бас. Мисол учун, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовни келтириш мумкин. У киши қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоси – сенатор бўлиши билан бирга назмда ҳам умрбоқий шеърлар ёзаётгани кўпчиликка ибрат бўлади.

– Ёши катта бўлса-да, ишқий шеърлар ёзадиган шоирларга нисбатан қандай фикрдасиз?

– Чустий домла «Шеър агар маъқул эса, ёш на керак», деб ёзгандилар. Ишқий шеър ёзаётган кексалардан кўра, сийқа шеър ёзаётган ёшлар кўпроқ ғашга тегади. Қолаверса, гап сифатда. Бу ҳайкални чол ясаган экан, деб санъат асарини синдириб ташламаймиз-ку!

– Шеърларингизнинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги қўшиққа айланишга туртки бўлмоқда...

– Менимча, шеърнинг шартларидан бири унинг оҳангдорлиги. Ҳар қандай кучли фикрни ўртамиёна олим ҳам айта олади. Лекин шу фикрга туйғу қўшиб, оҳангга солиш ҳамманиям қўлидан келавермайди. Шеърнинг ёдаки бўлиши унинг умри узоқлигини белгилайди. Одамга юқмайдиган, эсда қолмайдиган ҳар қандай фикр ерга кўмилган - у ёддан кўтарилган ҳазинадек гап. Атайлаб қўшиқ бўлсин деб шеър ёзмайман, ичимдан қуйилганларни қоғозга тушираман. Шеърларимни маъқул топишиб, куй басталаб, қўшиқ яратишаётган экан, бундан жуда хурсандман. Халқимизнинг севимли санъаткорлари – раҳматли Охунжон Мадалиев, Муҳриддин Холиқов ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Қаюмов, хонанда Гулсанам Мамазоитова кабилар шеърларимни маромига етказиб қўшиққа айлантиришган.

– Сиз биз билган халқ шоирлари ичида энг ёшисиз. Бу шарафли унвонни олгандан сўнг қандай ўзгаришлар юз берди?

– Дўстларим ҳам, душманларим ҳам кўпайди. Қаранг, бировнинг ютуғидан қийналадиган, азоб чекадиган одамлар ҳам бор экан. Мен ҳеч кимдан мукофот сўраганим йўқ. Қўлимдан келганча шеър ёздим. Ёзганларим маъқул бўлгандирки, эътибор беришди. Тўғрисини айтсам, майда-чуйда гапларни кўпайтириб юрганларга раҳмим келади. Ўхшамаган нарсаларни тўқиб юргунча ўзимга келишса, камчиликларимни ишонарли қилиб айтиб берардим. Унвон менга катта масъулият юклади. Энди уни оқлашим керак.

– Ички ишлар ходимларининг хатти-ҳаракатларидан ранжиган ёки улардан хурсанд бўлган пайтингиз бўлганми?

– Азалдан тартиб-интизомга чақирган киши ҳаммага ёқавермайди. Оддийгина мисол, танбеҳ берган ота-онани фарзандлари ҳар доим ҳам тўғри тушунаверишмайди. Уларнинг куюнчакликларини йиллар ўтиб англаб етишади. Шу маънода қоидабузарларни тартибга чақираётган ички ишлар ходимларини ҳам баъзилар унчалик ёқтиришмайди. Ўзимга келсам, кўча-кўйда озода кийинган, хушмуомалали, осойишталигимизни таъминлаётган ички ишлар ходимларини кўрсам, ана шундай посбонларимиз борлигидан ғурурланиб кетаман. Шубҳасиз, уларга барча ҳавас қилади. Қолаверса, ички ишлар ходимлари орасида ижодкорлар, «таъби назми»лар жуда кўп. Улар тинчлигимиз, осойишталигимиз посбонлари бўлса, шоир ҳам шу юртнинг бир посбони, кўнгил қўриқчисидир.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, ижодингизга барака тилаймиз.

Қобилжон ШОКИРОВ суҳбатлашди.

АЙТҒИЛ, ДЎСТИМ

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган ҳаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, ҳаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган ғўнгхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан ҳалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин ҳоналарга,
Саратонда яроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтғил, дўстим, нима қилдик
Ватан учун?

G'AZAL BO'STONIDA BULBUL NAVOSI

Aziz bolajonlar! She'riyat mulkining sultoni, "Shamsul millat"-millat quyoshi, deya e'zozlangan Alisher Navoiy bobomizning tavallud topganiga bu yil 565 yil to'ldi. Tilimiz va madaniyatimiz rivojiga ulkan hissa qo'shgan buyuk zotning bebaho asarlari nafaqat adabiyotimiz balki jahon adabiyoti xazinasining bebaho durdonalari hisoblanadi. XV-asr jahon ma'naviyatining buyuk siymosi Nizomiddin Mir Alisher Navoiyning she'riyatdagi ilk ustozi tog'asi Mir Sayyid Kobuliy va Muhammad Ali G'aribiylardir. Navoiy "Majolis ul-nafois" asarida Kobuliy haqida: "Yaxshi tab'i bor erdi, turkchada mayli ko'proq erdi...",- desa, G'aribiy haqida "Xush muxovara (xushsuhbat) va xushxulq va dardmand yigit erdi. Ko'proq sozlarni yaxshi chalar erdi. Uni usuli xo'b erdi. Musiqiy ilmidin ham xabardor erdi...",- deydi.

1447 yilda Shohruh vafot etgach, Temuriy shahzodalar o'rtasida tojtaxt dardi xuruj qilib, yurtda taloto'p boshlandi va G'iyosiddin Muhammad xonadoni ham ko'plar qatori vatanni tark etadi. Yosh Alisher uchun taqdir sinovlari boshlanadi. Shohruhning nabirasi Abulqosim Bobur 1452 yilda Hirot taxtiga o'tirgach, Alisherning otasi G'iyosiddin Muhammadni Sabzavorga hokim etib tayinladi. Lekin oradan ko'p o'tmay G'iyosiddin kichkina dunyodan ko'z yumdi. Bu paytda Alisher endigina 12 yoshga qadam qo'ygan edi. Abulqosim Bobur Alisher va uning maktabdosh do'sti Husaynni o'z tarbiyasiga oldi, 1456 yili esa o'zi bilan Mashhadga olib ketdi. Keyinchalik Husayn Boyqaro si pohiylik yo'lini tanladi, Alisher esa zamonaning "Malik ul-kalom" i Mavlono Lutfiy tahsini va hayratiga sazovor bo'lgan iste'dod egasi bo'lib yetishdi. "Faqirning nazmlari Xurosonda shuhrat tutib erdi",- deb yozadi Navoiy 1455-1458- yillar haqida.

1466-1468-yillar Alisherning umri asosan Samarqandda kechdi. Sulton Husayn Boyqaro Hirotni egallaganda, Alisher Navoiy 28 yoshli mukammal bilimlar egasi, yurtga tanilgan shoir va tajribali davlat arbobi darajasiga etishgan edi. 1469- yilda Sulton Husayn iltimosiga ko'ra Alisher Navoiy Samarqanddan Hirotga qaytadi va ramazon hayiti munosabati bilan do'sti sharafiga bitilgan "Hiloliya" qasidasini unga taqdim etadi. Husayn Boyqaro Alisherni muhrdor etib tayinlaydi va shu paytdan shoirning el xizmatidagi faolligi boshlanadi. Keyinchalik Navoiy vazir lavozimiga tayinlanadi va unga "Amiri Kabir" ("Ulug' Amir") unvoni beriladi. Hirot bu davrda nihoyatda ko'rkamlashdi, xalq turmushi yaxshilandi, she'riyat, nafis san'at rivojlanadi. Navoiy ko'plab madrasalar qurdirib qo'ya qolmasdan, ularni kerakli darajada jihozlash, mudarrislar, tabiblar va boshqa xodimlar bilan ta'minlash ishlarini ham to'g'ri yo'lga qo'ydi. Talabalar nafaqasi va kitoblarigacha barchasini mukammal boshqardi. El undan nihoyatda minnatdor edi.

Alisher Navoiy o'z qo'li bilan birinchi devoni "Badoyi al-bidoya" ("Badiylik ibtidosi") ni tuzdi. 800 dan ortiq she'rlar jamlangan bu devon uning yoshlik yillari va yigitlik davrlaridagi ijodining mahsuli edi. Shoir 1481-yili "Vaqfiya" asarini yozib, unda o'zining binokorlik va xayriya ishlariga yakun yasab, o'z-o'ziga hisob bergan. Navoiy dehqonchilik ishlarini yo'lga qo'yib, juda yaxshi natijalarga erishgan. Tarixchilarning yozishlaricha, Navoiyning bir kunlik daromadi 18 ming shohruxiy dinor miqdorida bo'lgan. Ulug' Amir bu daromadining ko'p qismini xayrli ishlarga sarf qilgan.

1483-yildan boshlab shoir o'zining buyuk "Xamsa" asarini yozishga kirishadi. Asarni uch yilda yozib tugatadi. Besh dostonni o'z ichiga olgan bu ulkan badiiy qomus 50 ming misradan oshiq bo'lib, Navoiyning barcha she'riy merosini deyarli yarmini tashkil qiladi. Bu asar Navoiy ijodining qalbidir.

Navoiy 1498-yilda "Lison ut-tayir", 1499-yilda "Muhokamat al lug'atayn", 1500-yili "Mahbub al-qulub" asarlarini yozdi. Ushbu uch asar dunyo adabiyoti xazinasining bebaho durdonalari hisoblanadi. Adib "Muhokamat al-lug'atayn" da o'zining butun ijodiy yo'lini sarhisob qilib , turkiy tildagi she'riyatning qudratini ta'kidlagan.

Navoiy bobomiz o'z ijodlari bilan o'zbek adabiyotining so'nggi rivojini belgilabgina qolmay, Movarounnahr va Xurosonning butun ma'naviy madaniyati taraqqiyotiga ulkan hissa qo'shdi. Siz-u biz ularning ijodidan qanchalik ko'p bahramand bo'lsak, o'qib-o'rgansak aslo kam bo'lmaymiz. Zero dunyoni bilimlilar asrab-avaylashi ayni haqiqatdir.

Jamila HAYDAROVA.

GULISTON BAG'RIDA

Bulbul navosiday avjida g'azal,
Guliston bag'rida g'uncha yuz ochdi.
Shabboda sirlarin gul tinglar azal,
Shabnamlar yaproqdan sirg'alib qochdi.
Shu zayl bedor qalb tongni qarshilar,
Necha ming bir baytin guvohi qalam,
Boyligi oq qog'oz, siyohdon shular,
O'kinchlar, o'tinchlar, dildagi alam.
Buyuk siymo edi Navoiy elda,
Qadim qadriyatlar qalbiga singgan.
Bir kichik xasni ham saqlagan dilda,
Shu bois har so'zi gul kabi ungan.
O'qiymiz shodlanib ko'ngilda surur,
Bebaho xazina yangliq bilamiz,
Adolat vijdoni, pokiza g'urur,
Ruhi pok, ulug' zot, ta'zim qilamiz.

VAQTINGNI SARFLA, AQLINGNI CHARHLA.

M								
A								
T								
E								
M								
A								
T								
I								
K								
A								

Ushbu katakchalarga maktabda o'tiladigan fanlarning nomlari bosh harflari ko'rsatilgan holda yashirilgan. Zukko aqlingiz bilan ularni davom ettirsangiz, qaysi fanlar ekanligini bilib olasiz.

Ra'no TURSUNBOEVA tuzdi.

SARIQ BELBOG' SOHIBASI

Shohida TURDIYEVA, Toshkent shahar Sobir Rahimov tumanidagi 165-maktabning 5-"A" sinfining eng faol o'quvchilaridan. Sportning karate turiga qiziqadi. Ustozi Jasur akadan karatening barcha qonun-qoidalarini qunt bilan o'rganmoqda. Yosh bo'lishiga qaramay, allaqachon sariq belbog' sohibasi bo'lgan.

-Shohida, o'zimcha notalar yozaman, deysizmi?

-Bilasizmi, uyimizda pianino bor. Kichkinaligimdan kuylar ijro etaman. Ohanglarni xayolimda tasavvur qilib, o'zimcha notalar ham yozaman. Ularning qanchalik yaxshi yozilganini bilmadim-u, ammo notalarim asosida ijro etgan kuylarimdan zavqlanaman.

-Karate maktabiga qatnash, bichish-tikish, rassomchilik, bular o'qishingizga halaqit bermaydimi?

-Yo'q, albatta, hammasiga ulgurish mumkin. Buning uchun kishida hohish bo'lsa bas. O'qishlarimga kelsak, matematika, rus tili,ingliz tili, o'zbek tili fanlariga juda qiziqaman.

-Shifokor bo'lish yaxshimi yoki dizayner?

-Nima desam ekan, shifokor bo'lishni ham dizayner bo'lishni ham hohlayman. Egnilariga oppoq xalat kiyib, bemorlarni davolayotgan insonlarni ko'rganimda ularga havasim keladi.

Ammo chiroyli liboslarning nusxalarini ham yaratgim keladi.

Nazarimizda, qalbi kuyga oshino bo'lgan tengdoshingizning chindanda orzulari bir olam. Ko'zlari quvonchdan porlab turgan Shohidaxonga, ezguliklar hamisha yo'ldoshing bo'lsin deymiz.

MOHINUR suhbatlashdi.

RASMLARDAGI O'NTA FARQNI TOPING





ОДАМГА ЛИБОС...

Маданиятлиликнинг асосий белгиларидан бири бу кийиниш одатидир. Кимнинг қандай кийинганлигига қараб, унинг дид-фаросати, моддий ва маънавий даражасини, ҳатто касбини аниқлаб олиш мумкин.

Инсоният онгида бошқалардан истиҳола қилиш, уялиш, андиша тушунчалари пайдо бўлгандан бошлаб улар кийинишни одат қилишган.

Кийинишни илк бор заиф жинс – аёллар бошлаганлар. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар табиатида кийиниш, безаниш, тақиниш тушунчалари турмушнинг асосий кўринишлари қаторида туради. Шу сабаб халқимизда «онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган гап бор. Кийиниш маданияти жинс, ёш, фасл, миллат, урф-одатлар, касб-кор, замон ва тараққиётнинг муайян босқичи даражаси билан боғлиқдир. Болалар, қизлар, ёшлар, ўрта ёшлилар, кекса одамларнинг кийиниш маданияти мазмуни ва шаклу-шамойили жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради.

Кийим одамни иссиқ-совуқдан сақлайди. Киши танаси, руҳига ижобий таъсир қилади. Саломатликни барқарорлаштиради. Биз-нинг ўзбек халқимиз кийиниш маданияти нуқтаи назаридан ҳам дунёдаги халқларнинг олдинги сафларида туради. Бир неча минг йиллар илгари ота-боболаримиз эгнига яктак-лозим, оёққа ковуш-маҳси, этик, бошга шабпўш, дўппи, телпак, устга чопон, тўн кийиб, белга белбоғ, қарс боғлашган. Шунинг учун ҳам халқимизда эркак кишиликнинг рамзий ифодаси сифатида «белингда белбоғинг борми?» деган ибора қолган. Чўпон-чўлиқлар, чавандоз ва паҳлавонлар фаслга қараб чакмон ҳам кийишган.

Момо-ойиларимиз қимматбаҳо, нафис, узун кўйлак-лозим, ковуш-маҳси, тўн кийишган. Жун, ипак, товар, чит-сатин рўмоллар ўрашган. Сочпопук, қулота, пўпак, тиллақош, зебигардон, турли-туман узук-ҳалқа тангатиллолардан иборат тақинчоқлар кийимлар дастасига янада кўрк ва жило берган.

Кийиниш ҳар бир халқнинг қадим замонлардан буён яшаб келаётган минтақаси, шарт-шароити, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан, серқуёш ўлкаларда яшовчи халқларда қадим замонлардан бери оқ матодан кийим кийиш одат қилинган. Чунки оқ мато қуёш нурларини бир қадар қайтариб, кишиларни иссиқ таъсиридан сақлаган.

Аксинча, иқлими совуқ ўлка ва юртлар халқлари одатда қора матодан кийим кийишга одатланишган. Чунки бу кийим сал бўлсада чирой кўрсатган қуёш нурларини ўзига сингдириб, кийим эгасининг танини яйратган.

Ҳозирги даврда умуман катта кишилар ҳам рангтуси, катта-кичиклиги демаса, одатда, бир хил кийим-бош: кўйлак, костюм-шим, туфли-ботинка, плашч-пальто ва шляпа ёки шапка кийишади. Бу кийимлар дастаси умуман оврупо маданиятига доир, хусусан, қадимий инглиз халқи миллий кийим-бош ҳосиласидир. Тараққиётнинг сўнгги асрига келиб, дунёда энг фаол ишлатиладиган тил бу – инглиз тили бўлганидек, кийиниш борасидаги энг қулай ва оммабоп кийиниш удуми ҳам инглиз кийими: костюм-шим, плашч-пальто ва ҳоказо кийимлар бўлиб қолди.

Умуман, бугунги кунда роман-герман халқлари кийиниш маданияти деярли бутун жаҳон халқлари танаси ва руҳига эгалик қилмоқда. Бироқ ҳар бир халқ, жумладан, кўп миллатли халқларимиз таркибига кирувчи ҳар бир миллат ўз кийиниш анъаналари, маданияти, инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ урф-одатларини у ёки бу даражада сақлаб қолди ва бундан буён ҳам асраб-авайлаб сақлаши табиий. Чунки биз севган байналминалликнинг ўзи шуни тақозо қилади.

Сиз кавказликни папах ва камзулсиз, украинни гулдор кўйлаксиз, тожикни гилам дўппи ва белбоғда осилган пичоқсиз тасаввур қилолмаганингиздек, ўзбекни ола дўппи ва чопонсиз кўз ўнгингизга келтира олмайсиз. Дафъатан ёдингизга атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг машҳур ҳофизимиз томонидан ижро этилган «Ўзбегим» ғазали тушиб, беихтиёр хиргойи қиласиз. Булар халқларимизнинг ташқи кўриниш – кийиниш борасидаги ўзига хос миллий хусусиятларидир.

(Давоми бор).



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: **Юпитер. Жарима. Соната. Номдор. «Юрак». Бонн. Ор. Оромижон. Ливан. Жон. Пиёла. Услуб. Ўқ. Юза. Лос. Гилос. Кўча. Фет. Рафиқа. Пастер. Умоч. Абдулла. Диёр. Атала. Ана. Карат. Куёш. Лима. Арз. Юк. Шарафа. Фа. Шахрисабз. Жил. Дастур. Гина. Сули. Эл. Иқлим. Краков.**

БЎЙИГА: **Юмронқозиқ. Исковуч. Руминия. От. Ар. Жанна. Ара. Сим. Ён. Орол. Эчкемар. Енгиллик. Тула. Рота. Акробатика. Юган. Та. Дефо. Алифбе. Ил. Сатурн. Хиёл. Ёзма. Ашраф. Рашидов. «Падаркуш». «Жигули». Ҳисса. Балли. Чакмонд. Пан. Исириқ. Краков. «Ту».**

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонда).

БОШ КИЙИМ

Қимматбаҳо бош кийим кийиш ёки кўриш – машҳурлик ва омаддан даракдир. Эски, тўзиб кетган бош кийим кийиш – бор мол-мулкдан айрилиш ва ўзгаларга талон-торож бўлиш эҳтимоллигини билдиради.

БОЗОР

Бозор ўртасида туриш – ғийбатга сабабчи бўлиш, ғийбатга қолиш. Бозордан нарса харид қилиш – ғийбат орқали бир нималик бўлиш (хариднинг каттакичиклигига қараб). Агар, бозорда нарса сотса – иғво туфайли нимадандир маҳрум бўлади. Агар, бозордан чиқиб кетса – иғво, ғийбатдан халос бўлади.

БЎРОН

Кучли бўрон – одамлардан тушадиган тўсиқ. Ўрама бўрон – оғир касаллик. Тинчиган бўрон ғам-ташвишлардан халос бўлиб, ишларнинг аста-секин ўз ўрнига тушиб кетиши.

БАЙРОҚ

Байроқ – шодлик белгиси. Ўз юртининг байроғи – эришиладиган ғалабага, янгиликка ишора. Йиртилган эски байроқ – мағлубиятдан дарак. Чет давлат байроғи – ўзга юртларга боришдан хабар.

БАЛАНД БИНО

Баланд бино чиройли кўринишда бўлса – узоқ умр, саёҳат ва гўзал ҳаётни билдиради. Яқинда қурилган ва қурилаётган бинолар – оилавий бахт, даромадли ишдир. Эски, нураб ётган ва бузилаётган уйлар – касаллик, ишларнинг юришмай қолиши ва оилавий жанжал.

БУҒДОЙ

Буғдой кўриш – бахт, омад, бараканинг яқинлигидир. Буғдойзорни оралаб юриш – омад келганда ҳовлиқиб қолиш. Хато қилманг. Буғдой ўриб олиш – қилган меҳнатининг ҳосили мўл бўлишидан дарак.

БИЁБОН, ЧЎЛ

Чўлни кўриш – омадсизлик даврининг келиши, ёлғизликка, хомхаёлликка берилишга, барча ишларга охири кўринмас тўсиқларнинг тушишига ишора. Ибодат қилиб, Аллоҳга илтижо этиш керак.

БОТҚОҚЛИК

Дард белгиси ҳамда енгиш қийин бўлган ташвишлардан хабар. Ботиб кетиш – катта нохушлик келиши мумкинлигига ишора.

БУЛОҚ

Ердан қайнаб чиқаётган булоқни кўриш – мақсадга эришишдан, мушкул бўлиб кўринган муаммоларнинг чораси топилишидан дарак. Касал одам булоқ сувидан ичса – тузалишидан хабар. Кимки булоқ суви билан экин суғорса ҳалол, катта давлатнинг эгаси бўлади.

БУРГУТ

Бургутнинг учаётгани – ишда мавқенинг кўтарилиши ва ютуқлардир. Қўниб тургани – яқин кунларда катта ишларнинг бошланишини ва мақсадга эришилишини билдиради.

(Давоми бор).

Тўпловчи:
Ботир ИСОМУҲАММАД.

ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

29-30 январь кунлари Буюк Британиянинг Ситинборн ва Грециянинг Салоники шаҳрида кураш бўйича "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтди.



Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) мусобақалари тақвимидан жой олган жаҳон ва қитъалар миқёсидаги мусобақалар анчагина. Улар орасида 2000 йили Буюк Британия кураш ассоциацияси томонидан асос солиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур эҳтиром сифатида "Ислом Каримов" номи берилган халқаро турнирнинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек кураши 1998 йилда халқаро майдонга чиққан бўлса, Юртбошимиз номи билан аталган Буюк Британиядаги ушбу турнир курашни Европада тарғиб этишда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Буюк Британиянинг Ситинборн шаҳрида олтинчи маротаба ташкил этилиб, дунёнинг ўнга яқин давлатидан келган қарийб юз нафар курашчи қатнашган бу йилги турнир ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртасида ўтди. У ҳамюртимиз Умид Бозоров, мезбонлардан Эшли Жордан, Бенжамин Вуд, Том Мэтьюз, Сэм Миллер, Райан Питкок, Кеннор Мэрфи, Пэрри Мортимер, Лотти Миллингтон, Стейси Бранчетт, Меган Харлоу, Дэнни Кэррот, Кэрри Пенфолд, Ричард Биван, Жек Уэбб, Жон Кларк, Дэнни Мэрфи, молдовалик Ион Карп каби кураш усталари етишиб чиқаётганини кўрсатди. Бундан ташқари, фахрийлар ўртасидаги беллашувларда ғолиб чиққан Буюк Британия вакиллари Кэй Валдрон, Дэн Марфи ҳамда Стивен Свитлов "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнирининг олтин медалларини қўлга киритишди.

Таъкидлаш жоизки, бугун "Ислом Каримов" халқаро турнирида гиламга чиқиб, ўзаро бел олишаётган болалар курашнинг келажаги бунданда порлоқ бўлишига, вақти келиб спорт оламидаги энг нуфузли мусобақа - Олимпиада ўйинлари дастуридан муқим жой олишига чин қалбидан ишонади.

Буюк Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган "Ислом Каримов" халқаро турнирининг донғи дунёга ёйилди. Кураш халқаро ассоциациясига аъзо кўплаб давлатлар бу мусобақага мезбонлик қилиш истагини билдирмоқда. Ана шундай талабгор мамлакатлардан бири - Олимпиада ўйинлари ватани - Грециядa ҳам ўтган йилдан эътиборан кураш бўйича "Ислом Каримов" халқаро турнири ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 29-30 январь кунлари Грециянинг Салоники шаҳрида ташкил этилган мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган таниқли полвонлар мутлақ вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Мусобақанинг энг қизиқарли беллашуви "Ислом Каримов" халқаро турнирининг бош соврини учун ўзбекистонлик Ўткир Қурбонов ва грециялик Деанисис Илиадис ўртасидаги финал учрашуви бўлди. Асосий беллашувда мезбон ғолибликни қўлга киритди.

Шундай қилиб, Европанинг икки шаҳрида ўтган "Ислом Каримов" анъанавий халқаро турнирлари муваффақиятли якунланди. Жорий мавсум давомида кураш мухлислари жаҳон ва қитъа миқёсидаги яна ўнлаб нуфузли мусобақадан баҳраманд бўладилар.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ – 2008

Швейцариянинг Монтре шаҳрида 2008 йили бўлиб ўтадиган Европа чемпионатининг саралаш баҳсларига қуръа ташланди. 50 терма жамоа етти гуруҳга бўлинган ҳолда 14 та финал йўлланмасини қўлга киритиш учун баҳс олиб боради. Қолган икки йўлланма мусобақа мезбонлари — Швейцария ва Австрия терма жамоаларига берилган.

Қуръа натижасида терма жамоалар қуйидаги гуруҳларга бўлинишди:

«А» ГУРУҲИ
ПОРТУГАЛИЯ
ПОЛЬША
СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ
БЕЛЬГИЯ
ФИНЛЯНДИЯ
АРМАНИСТОН
ҚОЗОҒИСТОН
ОЗАРБАЙЖОН

«В» ГУРУҲИ
ФРАНЦИЯ
ИТАЛИЯ
УКРАИНА
ШОТЛАНДИЯ
ЛИТВА
ГРУЗИЯ
ФАРЕР О-РИ

«С» ГУРУҲИ
ГРЕЦИЯ
ТУРКИЯ
НОРВЕГИЯ
БОСНИЯ
ВЕНГРИЯ
МОЛДОВА
МАЛЬТА

«D» ГУРУҲИ
ЧЕХИЯ
ГЕРМАНИЯ
СЛОВАКИЯ
ИРЛАНДИЯ
УЭЛЬС
КИПР
САН-МАРИНО

«Е» ГУРУҲИ
АНГЛИЯ
ХОРВАТИЯ
РОССИЯ
ИСРОИЛ
ЭСТОНИЯ
МАКЕДОНИЯ
АНДОРРА

«F» ГУРУҲИ
ШВЕЦИЯ
ИСПАНИЯ
ДАНИЯ
ЛАТВИЯ
ИСЛАНДИЯ
ШИМ. ИРЛАНДИЯ
ЛИХТЕНШТЕЙН

«G» ГУРУҲИ
ГОЛЛАНДИЯ
РУМИНИЯ
БОЛГАРИЯ
СЛОВЕНИЯ
АЛБАНИЯ
БЕЛОРУСЬ
ЛЮКСЕМБУРГ

Учрашувлар қуйидаги саналарда бўлиб ўтади:

2006 йил: 2/3 сентябрь, 5/6 сентябрь, 7/8 октябрь, 10/11 октябрь.

2007 йил: 24/25 март, 27/28 март, 2/3 июнь, 4/5 июнь, 8/9 сентябрь, 11/12 сентябрь, 13/14 октябрь, 16/17 октябрь, 17/18 ноябрь 20/21 ноябрь.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида шахмат бўйича мамлакат чемпионати биринчи лига беллашувлари қизғин давом этмоқда.

Юз нафарга яқин шахматчи иштирок этаётган эркаклар ўртасидаги беллашувларда сурхондарёлик Комил Раҳматуллин биринчи ўринга кўтарилди. Моҳир шахматчи саккизинчи турда асосий рақибларидан бири — самарқандлик Соҳиб Жўраевни мағлубиятга учратиб, очколари сонини 7 тага етказди.

Чемпионат олтин медали ва олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмага асосий даъвогар К.Раҳматуллин пойтахтлик Андрей Квон ва Евгений Пак ҳамда Самарқанд вилояти вакили Жўрабек Ҳамроқуловдан ярим очко олдинда. Шахматчилар яна учтадан ўйин ўтказади.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда саккиз имкониятдан етти очко жамғарган пойтахтлик Муқаддам Шокирова пешқадамлик қилмоқда. Айтиш жоизки, М.Шокировага биринчи лига беллашувларини энг юқори поғонада якунлаши учун сўнгги — тўққизинчи турда дуранг натижа ҳам кифоя.



«АРДУС» ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Зарафшон шаҳрида мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи босқич тўртинчи туридаги сўнгги учрашувларни пешқадам жамоалар ғалаба билан якунлади. Тошкентнинг "Ардус" жамоаси "Олимпия" (Жиззах) футболчиларини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Олтин медаль учун курашда пойтахтликлар билан рақобатлашишга ҳаракат қилаётган Зарафшоннинг "Строитель-Зарафшон" жамоаси "Турон-С" (Андижон) вакилларидан 4:1 ҳисобида устун келди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Жиззах-С" (Жиззах) - "Букинай" (Зафаробод) 7:5, "DHL" (Тошкент) - "Рўзмат Мадаминов" (Хива) - 8:5.

Тўртинчи тур натижаларига кўра, барча учрашувларда ғалаба қозонган "Ардус" футболчилари 54 очко билан мусобақа жадвалида пешқадамлик қилмоқда.

"Строитель-Зарафшон" жамоаси эса кумуш медални қўлга киритишга яқин турибди. Чунки зарафшонликларга "Ардус"дан бошқа жамоанинг кучи етмаслигини чемпионат ўйинлари кўрсатди. Ҳозирча, "Строитель-Зарафшон" футболчилари 48 очко тўплаган ҳолда учинчи поғонада қайд этилган "Жиззах-С" жамоасидан олти очко олдинда.

Чемпионатнинг тўпурарлар баҳсида "Ардус" жамоаси ҳужумчиси Абдулла Бўриев етакчилик қилмоқда. Моҳир футболчи рақиблар дарвозасини 44 маротаба аниқ нишонга олган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАЙДА ГАП КАТТА ИШНИ ҒАРҚ ҚИЛАДИ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Сирдарё вилояти ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция бошлиғи, подполковник ***Ҳамроқул ҲАЙДАРОВ****ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хотиржамлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.*

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Бирлашмаси алоҳида милиция батальони ҳисобчиси, кичик сержант ***Васила МАҲКАМОВА****ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.*

Батальон раҳбарияти ва шахсий таркиби.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий таълим мактаби томонидан 2005 йилда Каримова Анора Алишеровна номига берилган O'R-SH серияли 0192480 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Азиз ҳайдовчилар! Бугунги қиш-қировли кунларда ҳаётингиз ўз қўлингизда эканлигини унутманг. Мунажжимлар башорати ўз йўлига, аммо сиз ҳамиша ҳушёр бўлинг, чунки уйингизда сизни оилангиз, фарзандларингиз кутмоқда.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

КЎРНИНГ ТИЛАГИ – ИККИ КЎЗИ

Вариант: «Кўрнинг кўнгли – кўзида», «Кўз қадрини кўр билади». Мажозан: «Ҳар ким ўзида йўқ нарсага етишиш орзусида бўлади, ҳамма вақт шу тўғрисида қайғуради, ўйлайди», дейилмоқчи.

КЎТАРСА ЗАМ ҚИЛ, КЎТАРМАСА КАМ ҚИЛ

(Зам қилмоқ – қўшмоқ, оширмоқ, кўпайтирмоқ). Мазкур мақол билан: «Агар бозоринг чаққон бўлса, нархни ошир. Борди-ю молингни ҳеч ким олмаса, ё камдан-кам одам олаётган бўлса, нархни пасайтир», деган маънода насиҳат қиладилар.

КЎЧАРИМНИ ЕЛ БИЛАДИ, ҚЎНАРИМНИ – СОЙ

Вариант: «Юраримни ел билади, Қўнаримни – қир». Бу мақолни бир жойда сабр-қаноат қилиб ўтирмайдиган, ўзини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа урадиган, у касбни ташлаб бу касбга, бу касбни ташлаб бошқа касбга ўтиб кетадиган қўнимсиз, саёқ одамларга нисбатан қўллайдилар.

КЎЧМАНЧИНИ УРМА–СЎКМА, ҚОЗОНИН СИНДИР

Ўтмишда кўчманчилар рўзғорида қозон энг қиммат, ҳатто муқаддас ҳисобланарди. Биров агар кўчманчининг ўзини ҳақорат қилса, у буни кўпда эламасди-ю, аммо қозонини ҳақорат қилса, бунга асло чидай олмас, уришиб-жанжаллашар, ҳатто «тўп»га солиб тўққиз айб жарима солдиртирар эди. Мажозан: «Бировнинг ихлос қўйган, эъзозлайдиган нарсаси устидан кулма, уни мазах, масхара қилма», деган маънода ишлатадилар.

ЛАЗЗАТИ АВФ ИНТИҚОМДА ЙЎҚ

Интиқом – ўч, қасос. Бу мақол билан: Айтиб қўйган ноўрин сўзинг ё қилиб қўйган айбинг учун бировдан узр сўрашни ўзингга эп кўрмай ўтирма, буни ўзинг учун паст кетиш деб ҳам билма, ийманма ҳам. Ўз вақтида, чин дилдан чиқариб кечирим, узр сўрасанг, сендан ўч олмайдилар, уришмайдилар, сўкмайдилар», деган маънода насиҳат қиладилар. Вариант: «Узр қилсанг, ҳузур қиласан».

ЛАҚМАНИНГ КАЛЛАСИ – ТАРОЗИНИНГ ПАЛЛАСИ

Лақма – ҳар нарсага дарров ишонаверадиган, осонгина алданадиган, гўл, содда одам. Бу мақол билан: «Лақманинг калласи тарозининг палласидек оғир тарафга оғиб кетаверади, яъни ким нима деса, шунга лаққа ишонаверади», дейилмоқчи.

ЛОЙ ЁРИҒИГА ЛОЙ ЧАПИЛАДИ, ГАНЧ ЁРИҒИГА – ГАНЧ

Одатда лойдан қилинган деворнинг нураган, ёрилган, тешилган жойларига лой чаплайдилар, ҳеч вақтда ганч чапламайдилар. Бу мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Ёмонга ёмонликча, яхшига яхшиликча муомала қилинади», дейилмоқчи.

ЛОЙ ИЧИДАН ДУР АЖРАТ

Бу мақолни: «Яхшини ёмондан фарқ қила бил», деган маънода қўллайдилар.

ЛОЙ УВОҒИ ҚОВУШАР, ТОШ УВОҒИ ҚОВУШМАС

Лойнинг қотиб қолган бўлаклари озгина сув қўшилса, бир-бирига қовушиб, яна лойга айланиб қолади. Аммо тошнинг увоқлари ҳар қанча сув қуйган билан бир-бирига ёпишмайди ҳам, қовушмайди ҳам. Ана шуни мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан: «Оила аъзолари, қариндош-уруғлар гарчи бир-бирлари билан гиналашиб, аразлашиб қолган бўлсалар ҳам, барибир тез орада тотувлашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар. Бегоналар эса бундай эмас», дейилмоқчи.

МАЙДА ГАП КАТТА ИШНИ ҒАРҚ ҚИЛАДИ

Бу билан: «Бирор катта, муҳим иш ҳал бўлаётганда гапни майдалаб, чувалаштириб, эзмалик қилиб ўтирма. Зероки, бу майда гаплар ичида катта иш йўқ бўлиб, чиппакка чиқиб кетиши мумкин. Ишни рўёбга чиқаришга, тез битиришга фойда берадиган гапни бамаъни қилиб, лўндасини гапир, вассалом», деган маънода насиҳат қиладилар.

МАЛОМАТ, ҲАҚ БЎЛСАНГ – САЛОМАТ

Маломат – айб тақиш, ёмонлаш, обрўсизлантириш. Вариант: «Эл сенга этса маломат, дунёда туролмассан саломат»; «Элга қилма хиёнат, туролмассан саломат». Бу мақоллар билан кишини тўғри, ҳалол, ростгўй бўлишга ундайдилар, акс ҳолда оқибати ёмон бўлишини уқтирадилар.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ. 21 март – 20 апрель

Ушбу ҳафтадаги сафарлар узоқ вақт ёдингизда қолади. Дўстлар билан мулоқот кутилмоқда. Автомобилни созлаш учун ортиқча сарф-харажат қилишингиз мумкин. Турли жабҳаларда ўзингизни кўрсатишга муваффақ бўласиз. Сўнгги кунларда мавқеингиз билан боғлиқ янги муносабатлар юзага келади.

СИГИР. 21 апрель – 20 май

Саъй-ҳаракатларингиз туфайли амалий ишлар жонланади. Музокаралар анча қийинчилик билан ўтади. Кўп масалаларни яқин кишингиз ёки маслакдошлар билан бирга ҳал этганингиз маъқул. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь

Ушбу ҳафтада омад кулиб боқади. Яхши кўрсаткичларга душанба, пайшанба ва жума кунлари эришасиз. Ижодий ютуқлар кутилмоқда. Яқинларингиз молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши мумкин. Замонавий техникаларни ўзлаштириш, керакли одамлар билан алоқа ўрнатишнинг айни вақтидир.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль

Йўлингизда учраган ғовларни енгиб, вазиятни яхшилаб олишга муваффақ бўласиз. Сафарларга бориш ва ҳордиқ чиқариш учун сешанба ҳамда чоршанба кунлар қулайдир. Якшанба куни хонадонингизда юзага келган муаммоларни ҳал этишга вақт ажратинг. Жума куни амалий таклифлар тушади.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август

Ҳафтанинг сўнгги кунигача кайфиятингизни кўтариб боришингиз зарур. Ушбу давр мобайнида ижод билан боғлиқ талайгина ғоялар туғилади. Ҳамкасбларингиз тўпланиб қолган ҳужжатларни тартибга келтиришга яқиндан ёрдам берадилар. Шериклар билан келишолмаслигингиз айрим молиявий масалаларга салбий таъсир кўрсатади.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь

Фарзандларингиз ўз инжиқликлари билан анча ташвиш келтириши мумкин. Яйраб дам олишга вақт ажрата олмайсиз. Ҳафтанинг ўртасига бориб амалий шерикларнинг эътирозлари янада толиқтиради. Ишхона ва уйингизда кутилмаган ҳолатларга дуч келишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Танг вазиятдан ҳазил-мутойиба билан чиқишга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь

Саломатлигингиз бироз панд бергач, яна ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Хўжалик ишларини тартибга келтириб, мебель сотиб оласиз. Касб маҳоратингизни оширишнинг айни пайтидир. Шахсий муносабатларнинг яхшиланиши бир олам қувонч келтиради.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь

Даромадингизни кескин ошириш имконияти бор. Ҳафта давомида хонадондаги муаммолар ва ички низоларни ҳал этасиз. Жума куни рақибларингиз сиз билан турли масалаларда баҳслашишади. Ҳар қандай вазиятда ҳам босиқлик билан иш кўринг. Керакли маълумотни қўлга киритасиз.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь

Бўш вақтингизда кўп нарсаларга қизиқиб кўрасиз. Сафарлар чоғида ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйманг. Хонадонга янги жиҳозлар сотиб олиш имконияти бор. Чоршанба ва пайшанба омадли кунлардир.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь

Сиз учун йилнинг энг кўнгилли ҳафталаридан бири, десак муболаға эмас. Сешанба кундан бошлаб кайфиятингиз кўтарилиб, ўзингизга бўлган ишонч ортади. Ишларнинг юришиши ва эски қадрдонлар билан учрашув руҳингизни кўтариб юборади.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль

Саломатлигингиз яхшиланиб, бизнес соҳасида омад кулиб боқади. Ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолликка эришасиз. Ижодий ишларда ютуқлар кутилмоқда. Аммо дам олиш кунлари куч-қувватингиз камайиб кетади. Атрофдаги одамлар билан хушмуомала бўлишингиз ҳурмат-эътиборингизни оширади.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март

Ушбу етти кунлик сиз учун самарали кечади. Ажойиб учрашувлар кутилмоқда. Ижод билан боғлиқ масалаларни муваффақиятли ҳал этасиз. Мураккаб вазифаларга киришишнинг айни вақтидир. Дўстларингиз йўқлаши мумкин. Дўконларни айланиш учун шанба қулай кун.

Узоқдан карнай-сурнай овози эшитилса, тўй бўлаётганидан дарак беради. Бейхтиёр ана шундай кунлар бизга ҳам насиб этсин дея ният қиламиз. Миллатимизнинг ўзига хос бу тантанасини ўтказишнинг ҳам одоби борлигини билиб қўйишимиз керак. Зеро, ҳаётда бир марта бўладиган никоҳ тўйининг таассуротлари умр бўйи эслаб юришга арзийдиган бўлиши лозим.

БАХТ ОЛИБ КЕЛСИН

Аллоҳга шукрким, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг бардавомлиги, барқарорлиги боис, тўй-тантаналарнинг кети узилмаяпти. Шаҳарлар, туман марказлари, шунингдек, айрим қишлоқларда халқ тили билан айтганда, тўйхоналар қурилгани учун кузнинг ёмғирли кунлари, қаҳратон қишда ҳам тўйлар давом этяпти. Ўғил вояга етганда уйлантириш ёки қизини турмушга бериш баҳонасида элни чорлаб, дастурхон ёзиб, ош бериш, базм қилиш ҳар бир ота-онанинг дилдаги орзуси, қолаверса, вазифаси ҳамдир.

Вояга етган йигит ва қизнинг эр-хотин бўлишини элга маълум қилиш учун беш-олти кишини чақириб, дастурхон ёзиб, никоҳларига гувоҳ бўлиш қадимдан қолган одат. Бизнинг давримизга келиб эса катта тантанага айланиб кетди. Албатта, буни фаровонликдан, десак тўғри бўлади. Никоҳ тўйининг одоблари сақланиб қолаётгани қувонарли, бироқ айрим тўйларнинг дилхиралик билан ўтаётгани кишини ранжитади, чуқурроқ ўйлашга ундайди.

Бундан беш-ўн йил аввал оила қураётган ёшларнинг никоҳни қайд этиш учун боришлари ҳам ваҳимали, ҳам дабдабали бўларди. Куёв ва келиннинг дўст-дугоналари 10-15 ҳатто 20 та енгил машинада шаҳар айланиб, бирорта ресторан ёки қаҳвахонада кичик базм уюштириб, кейин яна дабдаба билан тарқалишарди. Бу удум барҳам топгандай бўлди-ю, бошқа янги удумлар қўшилди.

Қишлоқ, маҳаллаларда тўйларни ихчамлаштириш, фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ айрим жойларда хусусан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда ҳамон ким ўзарга тўй қилиш давом этаяпти. Никоҳ тўйи - бу икки ёшнинг висол оқшоми. Ўзига яқин дўст-дугона, қариндош-уруғлар билан бирга нишонланадиган маросим. Аммо тўй баҳонасида ота ёки онанинг атрофдагиларга ўзининг кимлигини кўрсатиш учун қилинадиган тантана эмас.

«Мен ўғил уйлантирганимда олти юз киши келди, столга 30 яшик ароқ, 10 яшик коняк қўйдим» дея мақтаниб, оғиз кўпиртирган кишилар, тўйдан кейинги дилхираликларни билиб қўйишлари керак. Тўй бўлгандан кейин меҳмонларнинг бир қисми машинада келади, албатта. Айрим нафсини тиёлмайдиган, «ўзига ишонганлар» ичиб олиб, кейин рулга ўтиради. Автоҳалокатлар, йўл-транспорт ҳодисаларининг салмоқли қисми айнан ҳайдовчиларнинг мастлиги сабабли содир бўлаётганини ҳисобга олсак, ўзини кўрсатиб тўй қилганларнинг бу кўнгилсизликларда «ҳиссаси» борлиги маълум бўлади.

Кимларку қурби етиб ном чиқарга, тўй қилар. Кучи етмайдиганлар-чи? Донишмандлардан бири инсон ўзига ўзи зулм қилади, деганда ҳозирги тўйларни назарда тутгандай туюлади, чамамизда. Фалончидан кам бўлмайин деб бел чиқарар тўй қилиб, қарзга ботиб, рўзғоридан барака қочиб, ачинарли ҳолатга тушиб қолганидан асабийлашиб, касалманд бўлиб қолаётганларга гувоҳ бўляпмиз. Яқинда бир танишим узатган қизининг оиласи нотинчлигини айтиб қолди. Тўйингга донги кетган хонандаларни олиб келиб, қарзга ботдик, дея қайнонаси кун бермасмиш. Қалин пули йўқолди дея енгил нафас олгандик. Энди онасининг боққан ҳаки дея нақд доллар бериш одатга айланяпти.

Қиз узатиш Тошкентда жуда қимматга тушяпти, десак кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлади. Айниқса, қизларнинг сепи кундан-кунга бойиб боряпти. Илгари бир хонани мебель, гилам, парда ва бошқалар билан тўлдириларди. Ҳозир икки-уч хона, пешайвон ҳам қўшилди. Ота-она қизни вояга етказиб, гулдай қилиб, бошқа хонадонга узатади. Яна бир умрга етгулик жиҳозлар бериши шартми? Келин-куёв кейинчалик ўзи ёқтирган буюмларни сотиб олаверади. Мебель, гилам ва бошқа буюмларнинг янги-янги турлари чиқаётганини ҳисобга олсак айрим жиҳозлар икки-уч йилдаёқ «мода»дан қоляпти. Кийим-кечакни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Шу ўринда никоҳ тўйидаги ана шундай ортиқча сарф-харажатлар учун асосан аёллар айбдор эканликларини айтиб ўтиш жоиз. Исроф бўлган озиқ-овқатлар, бекорга сарфланган пул учун Аллоҳ олдида жавоб бериш лозимлигини эслатиб қўямиз. Пайғамбаримиз ҳадисларида ҳар қандай маросимда енглар-ичинглар, лекин исроф қилманглар, деганлар.

Тўй қилишдан мақсад икки ёшнинг бахтли яшаши учун тамал тоши қўйишдир. У файзли ўтиши керак. Бунинг учун эса кўрпангга қараб оёқ узат деганларидек, икки томон ўзаро келишиб, имконига яраша олди-берди қилиб, ўтказилса, янги оила ҳар хил гап-сўздан ҳоли, ширин ҳаёт кечиради. Тўй уларга бахт олиб келади.

ЎРТАГА СОВУҚЧИЛИК ТУШМАСИН

Улфатлардан бири дам олиш куни бизникига ўт, кудалар келади, деди. Яқинда қиз узатганди, куёвни меҳмонга чақирган бўлса керак, деган хаёлда айтилган вақтда бордим.

– Куда чақириқ қиляпсанми? – дея сўрадим.

– Шунақа деса ҳам бўлади, – деди дўстим оғриниброқ.

Кайфияти йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қиларди-ю, лекин очилолмасди. Сабабини хотинидан сўраб-суриштириб билиб олдим. Дўстим кудасининг оила аъзоларини меҳмонга чақирган экан. Куда томондан қариндош-уруғ, ёру биродарлар билан борамиз, деган хабар келибди. Тўйга катта харажат қилган кишига бу оғир ботади, албатта. Лекин ўртага совуқчилик тушмасин, дея тишини-тишига қўйиб, яна қарз кўтарибди.

Ҳовлига жами элликка яқин меҳмонлар кириб келди. Мен мезбонлик қилиб, чой-овқатдан хабар олиб турдим. Биринчи овқатни тарқатиб чиқиб кетаётгандим, қўлимга қоғоз тутқазишди. Олиб, чўнтагимга солаётгандим, дўстимнинг кудаси такаббурлик билан:

– Кудамга бериб қўйинг, чопон киядиганлар рўйхати, – деди.

Дўстимнинг кудасига чопон, куёвга эса чарм камзул олганини билардим. Рўйхатда эса нақ ўн етти кишининг исми ёзилганди. Уни ўқиб, дўстимнинг ранги ўзгариб, юрагини ушлаб қолди. Баралла айтолмаса-да, хизмат қилиб юрганлар шивирлашиб, куданинг инсофсизлигидан нолиди. Начора, меҳмон – азиз деганлар, унинг устига кудачилик.

– Қўшни, хафа бўлманг, юбилейга йигирмадан ортиқ чопон келган, олиб чиқаман, хижолат бўлманг, – деди икки уй наридаги қўшни.

Аёл куда ҳам ёнида бирга келганларнинг ҳар бирига бир кийимлик мато билан тугун сўрабди. Жиғибийрони чиққан дўстим аранг ўзини босди.

Бу ҳолатни бир сўз билан инсофсизлик, оғирроқ қилиб – диёнатсизлик дейиш мумкин. Гоҳида ана шундай мажбурий ёки ихтиёрий чақириқлар туфайли кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлишини ҳисобга олиб, ўта чиқим талаб этадиган бундай маросимларни тўхатиш шарт деган хулосага келганларга қўшилиш мумкин, албатта. Кудалар орасига совуқлик туширадиган, пировардида, икки ёшни ажралиб кетишигача борадиган чақириқларни бекор қилиш кўпчиликнинг дилидаги гап бўлади.

ТОҒОРА ҚАДР-ҚИММАТНИ БЕЛГИЛАЙДИМИ?

Ён қўшним ўғил уйлантириш тараддудида эди. Бир куни ҳовлидан эрнинг хотинига бақириб-чақириб гапираётгани эшитилиб қолди. Орасида онаси нималардир деб асабийлашарди. Хотин ҳам ўзиникини маъқулларди. Нимадир тарақлагандан кейин, бир кори ҳол бўлмасин деб, кириб бордим.

– Тўй кунини куда билан келишиб, тайин қилиб қўйганмиз. Лекин иримини қилиб, икки нафар одамни юбориш керакмиш, – деди асабийлашиб қўшним.

– Дўст бор, душман бор. Икки тоғора нарса тополмабди, демайдими, – деди онаси.

– Икки кишини ёнига олтита тоғора ҳам қўшиш керакмиш, – деди қўшним ғижиниб.

– Тоғора деса капалагингиз учади, – деди хотини қайнонасининг панасига ўтиб.

– Ҳе, ўша тоғорангни..., – дея сўкинди эр. – Кудаларни ҳам ўйламайсанми? Борган одамга чопон кийғазади, тоғорангни яна тўлдириб жўнатади. Ҳар бирига фалон пул сарфлаш керак. Улар ҳам ўзимизга ўхшаган маошга кун кечиради.

– Икки куда ўртасида тоғора айланмаса, қадр-қиммат бўладими? – деди хотини. Онаси бош ирғаб уни тасдиқлади.

– Тўй куни тайин бўлса, яна чиқимдор бўлиш шартми? Ҳадемай тўйоши жўнатасизлар, тоғора айланиши энди бошланади-ку, – дедим қўшнимнинг ёнини олиб.

Хола-аммалар аралашиб, қўшнимни ўша иримни қилишга кўндиришибди. Суриштирсам, бу «ирим» икки томон учун ярим миллион сўмга тушибди. Тўйнинг ана шундай бекорга сарфланадиган, чиқимли томонлари ҳақида кўп гапириладию, яна давом этаверади. Икки томон келишиб, тўй кунини белгилаб олиши учун олди-берди қилиб, маблағ сарфлаш шартми? Тўйларни ихчамлаштириш деганда, жойлардаги маҳалла фаоллари, оқсоқоллар шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олишлари керак. Тўй мазмунини, кудалар қадр-қиммати тоғора, чиқимдор удумлар белгиламайди-ку!

АҚИҚА – ФАРЗАНД ТЎЙИ

Мустақиллик шамоли эсиб, қадимий анъана, удум, маросимлар тиклана боқлагач, ақиқа сўзи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. У Пайғамбаримиз томонидан белгиланган бўлиб, фарзанд туғилганда бажарилади. Ақиқа деганда қўй сўйилиши, чақалоқнинг сочи қирқилиши тушунилади. Пайғамбаримиз «Ақиқа еттинчи, ўн тўртинчи ва йигирма биринчи кунларида сўйилади» деганлар. Лекин буни аниқ белгилаб қўйилган шарт кунлар деб ҳисобламаслик керак. Ўғил болалар ақиқа тўйида хатна учун ётқизиб олиниши ҳам мумкин.

Ақиқа тўйи дабдабали бўлмаслиги керак. Ҳар ким имкони борича ўтказиши мумкин. Ақиқа тўйига қўни-қўшни, яқин биродар, қариндош-уруғларни чақириб, амримаъруф қилинса, нур-устига нур бўлади.

Шўролар даврида бу удум йўқолиб, ўғил тўйи қилиш одатга айланганди. Дабдабали базм, қозон-қозон ош дамлаб, ном чиқарган тўй қилиш авж олганди. Афсуски, бу ҳозир ҳам давом этяпти. Фалончидан кам эмасман, ҳамма оғзини очиб қолсин дея ўтказилаётган суннат тўйларнинг охири уриш, жанжал, тўполон, гоҳида пичоқбозлик билан тугаяпти. Қозондаги ошлар қолиб кетиб, исроф бўлаётган ҳолларни кўриб, ачинасан, киши. Бу энди бидъатга айланди десак, нотўғри бўлмас.

Албатта, фарзанд кўрган ҳар бир инсон қувончидан, хурсандлигидан элга ош бергиси келади. Бироқ у меъёрида бўлса, ичкиликбозликка айланмай, амримаъруф тарзда ўтказилса, Пайғамбаримизнинг насиҳатларига амал қилган бўламиз. Шу ўринда албатта қўй сўйилиши шарт экан деб тушунмаслик керак. Ҳар ким имкони борича дастурхон ёзади. Яна бир томони, ақиқани оила даврасида ўтказса ҳам бўлади. Кексалар дуои фотиҳа қилиб, ўтганларни эслаб, Қуръони каримдан тиловат қилсалар янада яхшидир. Қарзга ботиб ўзини кўрсатиш учун тўй қилгандан камчиқим, файзли дастурхон ёзилса хонадон учун ҳам савобли, ҳам хайрли бўлади.

Саҳифани Садриддин ШАМСИДДИНОВ тайёрлади.

«САРИК КАСАЛ» ВА УНИНГ МУОЛАЖАСИ

Инсон танасидаги ҳар бир аъзо ўзига хос тилсимот. Биз уни фақат касалланиб, безовта қилганда вазифаси нимадан иборатлигини биламиз. Асраб-авайлаш учун нималарга эътибор бермаганимизни кейин тушуниб етамиз. Инсон организмидаги ўта бақувват ва чидамли, лекин кўпроқ инсоннинг ўз айби билан хасталанувчи аъзоларидан бири жигардир. У энг катта ҳазм бези ҳисобланади. Бу аъзомизга хавф солувчи қандай касалликлар борлигини билиш мақсадида Тошкент шаҳар 1-юқумли касалликлар клиник шифохонасининг бош шифокори, профессор Б. Қодировга мурожаат қилдик.

– Бахтиёр Асадуллаевич, жигар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ҳамда даволаш усуллари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Ҳаёт учун ўта муҳим бўлган аъзолардан бири бўлмиш жигар касалликларининг юқумли ва юқмайдиган турлари мавжуд. Ҳозирги даврда унинг юқумли турлари кенг тарқалган. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино томонидан «сариқ касал» сифатида тилга олинган гепатит ва унинг турлари айни пайтда ҳам инсоният саломатлигига хавф солиб турганини айтиб ўтиш жоиз. Юқумли вирусли гепатитнинг наслдан наслга ўтадиган турлари ҳам мавжуд. Касалликнинг кенг тарқалгани А турдагиси бўлиб, у ўзининг клиник-эпидемиологик ҳолати билан, яъни тез юқиб, тарқалиши билан хавфли ва характерлидир. Бу турнинг инкубацион даври масалан, гепатит В га нисбатан қисқалиги (15-30 кун) билан фарқланади. Касаллик асосан оғиз орқали юқади. Ифлосланган сув, озиқ-овқатлар, ювиқсиз қўл касалликни авж олдириб, ривожлантирувчи манбалардир. Касалликнинг тарқалиш ва кўпайиши ёзнинг охири, куз, қиш фаслининг бошланишида кўп учрайди. Ўткир ошқозон-ичак, нафас йўлларининг ўткир яллиғланиши, шамоллаш каби кўринишда бошлангани боис уни дарҳол аниқлаб бўлмайди. Унинг белгилари лаборатория текширувларида аниқ билинади.

У асосан енгил кечиб, бемор организмида касалликка қарши иммунитет пайдо бўлади. Шунинг учун беш-олти йилда бир авж олади. Сабаби, организмида иммунитети бўлган болалар касаллик билан қайта оғримайди. Унга қарши вакцинация ишлари олиб борилмайди. Касаллик камдан-кам ҳолларда оғир кўринишда кечади ва унинг сурункали тус олиши деярли кузатилмайди.

Вирусли гепатитнинг В тури асосан қон орқали, тери шиллиқ қавати шикастланганда, укол урганда қоидага риоя қилмаслик, жинсий алоқа, сўлак, тиш чўткаси, ҳатто бемор чой ичган пиёла орқали ҳам юқади.

Касаллик бошланишида оёқ-қўл бўғинларининг оғриши, дисшикоят қилади. Беморнинг сарғайиб кетиши, сийдиги қизариб, ахлати оқариши касалликнинг аниқ белгиларидир. Беморда юқоридаги ҳолатлар кузатилиши биланоқ, дарҳол лаборатория текширувларини ўтказган маъқул. Касалликни вақтида аниқлаш мушкул бўлгани боис, кўпинча у сурункали тус олади.

Мамлакатимизда гепатитнинг В турини олдини олиш мақсадида 1996 йилдан бошлаб туғруқхоналарда чақалоқларни касалликка қарши эмлаш ишлари йўлга қўйилган ва бу ўз самарасини бермоқда.

Вирусли гепатитнинг Д тури энг оғир кечади. Унинг вируси қобиқсиз бўлиб, В турнинг қобиғига кириб олиб, кўпаяди. Шу боис, кўпинча иккала тур бирга кечади. Касалликка чалинганда тана ҳарорати 38-39⁰ С гача кўтарилади. Умумий ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, қоринда оғриқ пайдо бўлиши кузатилади, сийдик қизаради, тери сарғайиб, жигар ва қораталоқ катталашади.

Касаллик шприц орқали, беморга зарарланган қон қуйилганда, операция қилинган пайтда юқиши мумкин.

Даволаш мураккаб бўлган вирусли гепатитлардан бири, унинг С туридир. Тиббиёт олимлари олдида муаммо бўлиб турган бу касаллик аста-секинлик билан бошланиб, ривожланиб боради. Оғир кечмасада, энг кўп миқдорда сурункали тус олади. Юқиш йўллари гепатитнинг В формаси билан бир хил. У ўткир гепатит билан оғриган беморлар ҳисобига ортиб бораётгани билан ташвишлидир. Бундан ташқари, гиёҳвандликка, бесоқолбозликка мубтало бўлган шахслар ҳам унинг кўпайишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.



Айрим ҳолларда касаллик аста-секин ривожланиб, фаол гепатитга, ундан жигар циррозига айланади. Баъзан эса жигар ракини ҳам келтириб чиқаради. У асосан спиртли ичимлик, гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйган шахсларда кузатилади. Вирусли гепатитнинг С формаси ҳам ОИТС га ўхшаб беморнинг иммун тизимини ишдан чиқаради.

Вирусли гепатитнинг В, С турлари, айниқса, ҳомиладор аёллар учун ўта хавфли. Чунки туғиш пайтида касалликнинг болага юқиш хавфи кучли бўлади.

Е тур гепатит асосан сув орқали юқади. У пайдо бўлган жойлар эпидемия ўчоғига айланиб, касаллик бирдан авж олиб кетади. Хасталик, айниқса, ҳомиладор аёллар учун хавфли бўлиб, у аёлнинг ўлимига ёки ҳомиланинг тушишига сабаб бўлади.

Жигар хасталикларининг юқумли бўлишидан ташқари, наслдан наслга ўтиш ҳоллари ҳам учрайди.

Ўтган юз йилликда вирусли гепатитнинг бемор бадани сарғаймасдан ўтадиган турини соҳа билан шуғулланган тиббиётчи олимлар С. Боткин (1888 й.) ва Т. Краснобаев (1896 й.)лар аниқлаганлар. У кўпроқ ёшларда, чунончи болаларда учрайди ва ошқозон-ичак касалликлари белгилари билан бошланади. Олдини олиш чоралари кўрилмаса, эпидемик тус олиши мумкин.

Вирусли гепатитнинг оғир турлари билан хасталаниб, вақтида даволанмаслик ёки турли табибларга мурожаат қилиб, вақтни ўтказиш, даволанишни кеч бошлаш, парҳезга амал қилмаслик кабилар охир-оқибат жигар циррозини келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда организмга баъзи заҳарли кимёвий моддаларнинг таъсир қилиши, антибиотиклар, сульфаниламид каби дориларни шифокор тавсиясисиз, ўзбошимчалик билан қабул қилиш, ўт йўлларининг беркилиб қолиши ёки яллиғланиши кабилар жигар циррозига сабаб бўлиши мумкин.

Жигар циррози турлича намоён бўлади ва у касалликнинг қайси шаклда кечиши, даврига боғлиқ. Киши бир неча йилгача касаллик белгисини сезмай, билмай юриши мумкин. Касаллик зўрайгач, беморнинг ҳарорати кўтарилади, иштаҳаси йўқолиб, озиб кетади. Бадани сарғайиб, қорин бўшлиғида суюқлик тўпланади. Оғир асоратларидан бири қизилўнгач ва меъда веналарининг кенгайиб, қон оқиши, жигар комаси пайдо бўлишидир.

! ***Касаллик шприц орқали, беморга зарарланган қон қуйилганда, операция қилинган пайтда юқиши мумкин.***

Бу касалликда узоқ вақт даволанилади. Беморни дарҳол касалхонага ётқизиш зарур.

Жигар циррозига йўлиққан бемор шифокор тавсия қилган дорилардан ташқари, сифатли, лекин тузи кам, ёғсиз овқатлар, қайнатилган мол гўшти, балиқ, сабзавот ва мевалар истеъмол қилиши лозим. Бундай беморларга спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандлик моддалари қатъий ман қилинади. Бу хасталикнинг олдини олиш учун биринчи навбатда вирусли гепатитлар юқишидан эҳтиёт бўлиш, касаллик юққан ҳолда охиригача тўлиқ даволаниб, шифокор тавсияларига амал қилиш, сифатли овқатлар истеъмол қилиш керак.

Вирусли гепатит билан оғриган беморлар икки йилгача шифокор назорати остида бўлиши лозим. Совқотиш ёки жуда исиб кетишдан, оғир юк кўтаришдан, толиқишдан сақланиши, бир йилгача спиртли ичимликлар ичмаслиги, консерва маҳсулотлари, шоколад, тузланган, дудланган, қовуриб тайёрланган овқатларни емасликлари зарур.

– Касалликнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш лозим? Тиббиёт соҳасида уни даволаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Вирусли гепатитнинг олдини олиш учун биринчи галда касалликни ўз вақтида аниқлаб, беморни тезда шифохонага ётқизиш зарур. Бемор билан алоқада (контактда) бўлган кишилар 1,5-2 ой мобайнида тиббий назорат остида бўладилар. Бемор ётган хона, кийим-кечаклар дизенфекция қилинади. Профилактика мақсадида болалар махсус эмланади. Умумий овқатланиш муассасалари, сув манбалари қатъий назорат қилинади. Донорлар, шу соҳада ишловчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, тиббиёт асбоблари-

ни стерелизация қилишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Касалликни даволаш усуллари табиий равишда йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Масалан, авваллари вирусли гепатит билан оғриганлик фақат қондаги ўзгаришлар ҳамда жигарнинг ҳолати бўйича аниқланган бўлса, ҳозирги пайтда гепатит вирусининг ўзини аниқлаш имкони бор. Кейинги йилларда ташхис қўйишда иммунофермент анализидан фойдаланилмоқда. Полемераз занжир реакцияси эса вирус таначалари тузилиши, геноменини аниқлашда қўл келмоқда. Бундан ташқари, жигар тўқималаридан қонни ўтказиб тозалаш, оғир ҳолларда гемодеализ, плазмаферез каби қонни тозаловчи усуллар ҳам самара бермоқда.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда юқоридаги касалликлар туфайли қаттиқ шикастланган жигар ўрнига бошқа, соғлом жигарни кўчириб ўтказиш усули муваффақиятли равишда қўлланилмоқда ва шу йўл билан кўплаб инсонларнинг умри асраб қолинмоқда. Ўйлайманки, мамлакатимиз тиббиёти соҳасида ҳам ана шундай янгиликларни қўллаш пайти келди ва бу масалани қонун чиқарувчи органлар кўриб чиқишлари лозим.

– Касалликни хонаки табобат усулида даволашга қандай қарайсиз?

– Тан олиб айтиш керак, ҳозир республикамизда айрим касалликларни муваффақиятли даволаётган, ут-уланларнинг хусусиятини, қўллаш қоидаларини аъло даражада биладиган машҳур табибларимиз жуда кўп. Лекин яна таъкидлашим керак: вирусли гепатит ва яна бошқа юқумли касалликлар фақат замонавий тиббиёт усулида, зарур дорилар билангина даволанади. Тўғри, касалликни даволашда биз ҳам «Ҳожиматов йиғмаси», «Осиё чойи» кабилардан фойдаланамиз. Лекин йиғма ва дамламалардан фойдаланаётган бемор бир вақтнинг ўзида дори препаратлари билан ҳам даволанади. Дамламалар эса қўшимча, ёрдамчи дори сифатида, шифокор назорати остида ичилади. Шу сабабли, ҳар бир инсон ўзида вирусли гепатитга доир белгилар бор, деб гумон қилганида биринчи галда шифокорга мурожаат қилса, касаллик вақтида аниқланиб, унинг тарқалиш хавфи ҳам камаяди.

Ш. ШЕРМАТОВА
суҳбатлашди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

○ ... Майиз каби лаззатли бўлган ва райҳон шароби... кучли иссиғи бўлмаган... жигар учун фойда қилади.

○ Агар дорида ... ширинлик ҳам бўлса, майиз, анжир ва фундуқ каби жигарга дўст ва севимли бўлиб, фойдаси яхшироқ бўлади.

○ Қоқигул, боғ ва чўл сачратқиси жигарга жуда мувофиқ келади... Сачратқи аччиқлиги сабабли тиқилмаларни очиб ва буриштириши сабабли кучайтириб, фойда етказади. Совуқликдан бўлган жигар касаллигида сачратқи ўз хоссаси, очувчанлиги ва кучайтирувчанлиги сабабли фойда қилади (бунинг учун сачратқи қуритилиб, туюлади ва асал аралаштирилган сувда қайнатиб, ичилади).

○ Ширинликлар жигарга ёқади, уни семиртиради, улғайтиради ва кучли қилади, лекин улар жигарда тезда тиқилма ҳосил қилади. Шунинг учун жигарида шиши бор киши ширинликдан сақланиши керак.

(Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»).

* * *

○ Вирусли гепатит билан оғриган беморлар илоҳи борича кўпроқ тарвуз (сарғайиб пишган), бодринг уруғи, қовоқ кабиларни истеъмол қилишлари керак.

"Иссиғида" фош этилди

ШИФОКОРНИ ЖАБРЛАДИ...

Урганч шаҳар ал Хоразмий кўчасида яшовчи, вилоят 1-касалхонаси шифокори Зарифбой Янгибоевнинг тунда ороми бузилди. Бу гал уни кимдир ёрдам сўрагани эмас, уйдаги қимматбаҳо моллар ўмариб кетилгани безовта қилди.

Зарифбой ака шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилгач, барча тунги гуруҳларга ушбу ўғирлик тўғрисида хабар берилди. Ўз ҳудудларида хизмат вазифасини ўтаётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони милиционерлари, катта сержант Ш. Рўзметов, сержант М. Бойжонов ҳамда тезкор вакил, катта лейтенант У. Солаевлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Абдулғози Баҳодирхон кўчасида яшовчи Б. Улуғбек гумонланиб, қўлга олинди. Ундан видеомагнитофон ва рангли телевизор ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳушёр ходимларга вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан миннатдорчилик билдирилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Тезкор гуруҳ йўлга тушди...

ҲОВЛИДАГИ ҚОРАМОЛЛАР

Умрини эзгулик, келажак авлод бахти, истиқболига бағишлаётган инсон бир кун келиб ўзгалар қилмишидан азият чекса, унинг руҳий ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Яқинда шундай воқеа рўй берди. Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги мактабларнинг бирида ўқитувчилик қилаётган Х. Файзиев бир кечада жабрдийдага айланди. Номаълум шахслар унинг ҳовлисидан беш бош қорамолини ўғирлаб кетишди. Яхши ниятлар билан кўпайтириб қўйган молларидан ҳам кўпроқ ўз қадрига қуюнган фуқаро туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, ёрдам сўради.

Туман ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари, капитан Жасур Тўхтаев бошчилигида тузилган тезкор гуруҳ ишга киришиб, қидирув-суриштирув ишларини бошлаб юборди. Катта тезкор вакил, майор Абдулла Саидов ва тезкор вакил, катта лейтенант Бозирган Баҳромовлар ўз йўналишлари бўйича ҳаракат қилиб, шубҳали шахсларга оид маълумотларни тўплашга киришишди. Туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, майор Эшназар Қондоҳоров эса барча профилактика инспекторларини ушбу масала бўйича ҳамкорлик қилишга йўналтирди. Тезкор гуруҳ таркибида бўлган профилактика инспектори, майор Равшан Мусалламов тажрибасига таянган ҳолда кўплаб маълумотлар тўплади.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, ўғирлик жиноятини содир этган шахслар, ойдинлашгандек бўлди. Касби туманида яшовчи У. Йўлдош ҳамда Б. Ахрорлар ИИБга келтирилиб, сўроқ қилинганда ўз айбларига иқрор бўлдилар. Жиноят фош этилди. Жабрланувчининг кўнгли таскин топди.

М. ИСМОИЛОВ.

Навбатчилик қисми хабарлари

ЎЗ ҲУРМАТИНИ БИЛМАГАН РАҲБАР

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида ИИБ ходимлари тезкор тадбир ўтказишганда, кутилмаган ҳолатга дуч келишди. Шу ердаги қаҳвахоналардан бирининг раҳбари К. Бахтиёр уларда шубҳа уйғотганча бор экан. Чунки унинг «Нексия»си текшириб кўрилганда «ТОЗ-7» русумли қирқма милтиқ ва унинг жанговар ўқлари топилди. Ўз ҳурматини билмаган раҳбар қонунбузарлиги учун жавоб беришига тўғри келади.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги пахта тозалаш заводи ишчилари М. Аҳмедов, М. Ботиров, О. Собиров, У. Алданов ва Т. Абдуллаевлар корхона ҳудудидаги омборхона томига ёққан қорни курашаётган эди. Кутилмаганда том босиб қолиб, улар пастга қулашди. Бунинг натижасида ишчилар жароҳат олиб, касалхонага келтирилди.

ЗЎРАВОН ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Пойтахтнинг Юнусобод туманида ижарада яшовчи қашқадарёлик А. Каримов ва Ш. Бердиевлар ўз тирикчиликлари билан кетаётган пайтларида босқинчига дуч келишди. Нотаниш кимса уларга куч ишлатиш йўли билан жароҳат етказди ва 4 та чарм куртка, 884.000 сўм пулларини тортиб олди. ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида зўравон ушланди. У шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В. Ким экан.



ТЕЗКОРЛИК НАФ БЕРДИ

Номаълум шахс Ховос темир йўл бекатининг заҳира йўлагида турган саккизта вагондан эҳтиёт қисмларни ўғирлаб кетди. Депо 875.550 сўм миқдордаги зарардан ташқари бекор туриб қолинган вақт учун ҳам куйиб қолиши мумкин эди. Шу боис, ИИБ ходимлари вақтни бой бермай ўғрини қидириб топишди. У Жиззах вилояти Пахтакор туманида яшовчи, 18 ёшли Ш. Сардор бўлиб чиқди.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХЕЗЛАНГАН ТАДБИРКОР

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида яшовчи тадбиркор Б. Абдуазиз Оқмачит қишлоғида жойлашган мактаб олдида уч йигит билан жанжаллашиб қолди. Даҳанаки жанг муштлашувга айланди. Ўз жаҳлини жиловлай олмаган Абдуазиз қўлига пичоқ олиб, рақибларининг барчасини оғир жароҳатлади. Улардан бири воқеа жойида жон таслим қилди.

ОТА-БОЛА ЎҒРИЛАР

Тошкент шаҳрилик А. Юнусов «ВАЗ-2106» русумли автомашинасини уйи олдида қаровсиз қолдириб, чув тушди. Чунки уни кимдир ўмариб кетди. ИИБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор тадбирлар натижасида ўғрилар аниқланиб, қўлга олинди. Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи А. Жунгибой ўғли Жаҳонгир билан ушбу жиноятни содир этгани аниқланди. Автомашина эгасига қайтарилди.

БОШИНГГА НЕ БАЛО КЕЛСА...

Тошкент шаҳар Сирғали туманида яшовчи, 1972 йилда туғилган В. Ларцев шу туманлик таниши А. Усалиевнинг уйига бориб, ўша ерда тўсатдан вафот этганди. Судтиббий кўриги натижасига кўра бу фуқаро кўп миқдорда героин қабул қилиши оқибатида вафот этгани маълум бўлди.

Исмоил МИНОВАРОВ.
ИИВ Матбуот маркази ходими, майор.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилоят Бўстонлиқ тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Мавлуда Валижоновна ИСМОИЛОВА. 1984 йилда туғилган. Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғи Абдуманнопов кўчаси 301-уйда яшаган. 2000 йил 29 сентябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 150 см, қотмадан келган, сочи, кўзи қора, қоши ёйсимон.

Кийимлари: эгнида қора рангли футболка, ҳаворанг «Адидас» кофта-юбка, оёғида жигарранг шиппак бўлган.

***

Мўминжон Рамазонович ХАМИТОВ. 1970 йилда туғилган. Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғи F. Ғулом кўчаси 27-уйда яшаган. 2001 йил 30 июлда уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 см, қотмадан келган, сочлари қора, қош-кўзлари қора, қулоқлари катта.

Кийимлари: эгнида кўк рангли футболка, кўк рангли вилвет шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг елкасининг паст қисмида жарроҳликдан қолган иккита чандиқ бор.

***

Ермекбай Камилович КАРИБАЕВ. 1959 йилда туғилган. Бўстонлиқ тумани Янгиовул қишлоғида яшаган. 2004 йил 12 июнда уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160 см, қотмадан келган, сочи қорамтир, кўзлари қора, қоши қора, сийрак.

Кийимлари: эгнида оқ рангли футболка, жигарранг шим, оёғида оқ кроссовка бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор

Меликўзи ЭРГАШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ангрен шаҳар ИИБ ЁҲБ 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отрядининг 5-ҲЁХҚ диспечери, катта сержант

Холида МАМАЖОНОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Ҳарбий тиббий комиссияси раиси, майор Р. Толиповга акаси

Маҳмуд ТОЛИПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги полковник С. Толиповга акаси

Анвар ТОЛИПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН.

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефон: 139-73-88 139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ОЛИЙ КУРСЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички ишлар идоралари сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларга ўртамахсус ёки олий маълумотга эга бўлган, ўзининг ахлоқий-ишбилармонлик ва касбий хислатларига, соғлигининг ҳолатига кўра ички ишлар идораларининг тегишли бўлимларидаги хизмат талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари ихтиёрий асосда қабул қилинадилар:

– Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтаган, 25 ёшгача бўлган заҳирадаги ҳарбий хизматга мажбур шахслар;

– ички ишлар идоралари ва тизимларида камида уч йил хизмат қилган, тегишли маълумотга эга ва сержантлик лавозимига тайинланиши кўзда тутилаётган 30 ёшгача бўлган сафдорлар.

Олий курслар: **«Патруль-пост хизмати», «Йўл-патруль хизмати», «Қўриқлаш хизмати», «Ёнғин хавфсизлиги хизмати», «Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни қайд этиш хизмати», «Жазони ижро этиш хизмати», «Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизмати»** ва бошқа хизматлар йўналишлари бўйича Ички ишлар идоралари учун кичик сержантлар тайёрлайди.

Олий курсларда ўқиш муддати – 6 ой.

Олий курслар курсантлари овқат, хизмат кийим-боши ва ётоқхона билан бепул таъминланадилар. Бундан ташқари уларга ўқиш даврида стипендия ҳам тўлаб борилади.

Олий курсларга ўқишга кирувчи номзодлар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар асослари, касбий психологик тайёргарлик бўйича тест синовларини ўз ичига олувчи танловдан ўтадилар ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича белгиланган меъёрларни топширадилар.

Номзодлар имтиҳонларни ўз хоҳишларига кўра давлат тили ёки рус тилида топширишлари мумкин. Танлов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган муддатда ўтказилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ички ишлар идоралари сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларига номзодлар танловини ташкил этиш тартиби ва қоидалари билан Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, яшаш жойи бўйича вилоятлар ИИБларининг Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати (кадрлар бўлими)да танишиб чиқишлари мумкин.

Табиат ва инсон

Бағдод халифаси Адуд ад-Давла ҳаким Абубакир Розийдан:

— Касалхонани қаерга қуриш мувофиқроқ? — деб сўради.

— Бағдоднинг ҳар бир даҳасига бир бўлакдан гўшт осиб қўйиш керак. Қайси жойда гўшт кеч бузилса, ўша ерга касалхона қуриш керак, — дея жавоб берди ҳаким.

Алқисса, одамларнинг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер — одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

* * *

Афсоналарга кўра, бир алкимё овқат қолдиқларини идишга йиғиб қўяверган. Бир куни бу идишдан ачиган ҳид келади. Алкимё унинг эзилиб оқаётган сувидан татиб кўради. Бир оздан сўнг дили шод бўлганга ўхшайди. Алкимё одамлар учун фойдали ичимлик кашф этдим, деб уни хуш ёқадиган, яъни арабча — алкоголь деб атайди.

Алкоголь тез орада тарқалиб, ҳаётни издан чиқариб юборади. Унинг оқибатларини кўрган алкимё кўп пушаймонлар ейди, аммо одамлар бу ичимликнинг алдамчи лаззатига ўрганиб улгурган эдилар...

Катаклардаги ҳарфларни турли йўналишда ўқиш билан дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган ўттиз саккизта автомобиль русуми номларини билиб олишингиз мумкин.

Н	В	О	Л	Б	У	Г	А	К	Л	Е	С	Р	Е	М
Е	С	У	Ь	А	Р	Б	Т	О	И	Д	Е	С	Ф	О
К	С	Р	В	Л	Л	И	Т	Л	Н	К	О	Л	Ь	Л
В	И	А	О	О	И	Л	И	Х	И	Д	А	И	Н	Ь
И	Я	К	И	Х	Л	А	Л	Л	А	К	О	Н	Т	К
Л	Л	И	С	С	У	К	И	Ь	Л	Е	П	Н	Е	С
С	С	В	О	К	Г	А	Д	П	Р	О	Т	О	Р	В
Т	У	И	К	Ж	И	К	К	Р	А	Й	С	О	Н	А
У	Д	З	У								Л	Л	Э	Г
Д	Е	Б	Е								Е	Д	Ш	Е
А	Т	О	К								Р	С	О	Н
Т	О	Й	К								Г	М	Н	А
В	И	Ч	Е	Т	Е	Р	Ь	Л	Е	З	А	О	Б	Л
К	Т	Р	Р	Н	М	Й	С	П	У	Т	О	С	И	М
С	И	О	С	И	Е	И	У	Р	А	Н	Т	А	Л	А
О	Н	Б	П	Р	Р	Р	Т	А	Т	И	О	Р	И	Т
М	И	М	А	Л	К	У	У	К	И	К	Л	Т	З	К
П	О	Р	О	Ж	Е	Ц	Ф	Й	К	О	П	А	Т	А
А	М	А	Д	Р	Е	Л	Ф	А	Ч	А	О	Н	Т	И
З	А	С	Д	А	Й	М	И	А	Т	Р	А	М	А	С

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА БЕРИЛГАН ЦИКЛОКРОСВОРД ВА ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Адвокат. 2. Банкнот. 3. Санкция. 4. Милиция. 5. Кредит. 6. Гвардия. 7. Депутат. 8. Аудитор. 9. Аукцион. 10. Дебитор. 11. Субъект. 12. Депозит. 13. Геноцид. 14. Генерал. 15. Фракция. 16. Алимент.

* * *

17. Қонун. 18. Наган. 19. Нишон. 20. Низом. 21. Мерос. 22. Сўроқ. 23. Қасам. 24. Модда. 25. Агент. 26. Тариф. 27. Фирма. 28. Акциз. 29. Зарар. 30. Рэкет. 31. Тузоқ. 32. Қамоқ.



Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88

Қўлингда рангқалам, хаёлинг уммон,
Орзунг осмонида кезасан ҳамон.
Порлоқ келажагинг кўриб турибман,
Ҳавасим келмоқда сенга, болажон!

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат-лавҳа

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Postda

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib v.b. Erkin SATTOROV

Navbatchi: Shahzoda Xudoyberdiyeva
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev, Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2027. Bosilish - ofset usulida. Hajmi – 6 bosma taboq. 55377 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Ⓝ - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.